

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

САМАДОВ АКТАМ РАФИҚОВИЧ

**АХЛОҚИЙ ИДЕАЛНИНГ ФАЛСАФИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

ФАНИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**(5A120503- Этика ва эстетика магистратура мутахассислигига
мўлжалланган)**

САМАРҚАНД – 2012

Самадов А.Р. Ахлоқий идеалнинг фалсафий масалалари. Услубий қўлланма.
Самарқанд: СамДУ, 2012.- бет

Мазкур услубий қўлланма Самарқанд давлат университетининг 5A120503- Этика ва эстетика магистратура мутахассислигини ишчи ўқув режасида танлов фан блокига киритилган бўлиб, ушбу фан соати 60 соат қилиб белгиланган. Ушбу услубий қўлланма “Этика ва эстетика” мутахассислиги магисрантлари ва барча фалсафий билимини оширишувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳарир: фалсафа фанлари доктори,
профессор **Яхшиликков Ж.Я**

Такризчилар: фалсафа фанлари доктори,
доцент О.Ғайбуллаев.
ВПҚТ ва МОИ ректори,
доцент. А.Э.Курахмедов

МУНДАРИЖА

4-5

Кириш

1- мавзу: “Идеал” тушунчаси ва унинг назарий-методологик моҳияти хусусида (2 соат)

1. Идеал тушунчаси ва унинг фалсафий моҳияти хусусида
2. Фалсафа тарихида идеал тушунчасини ўрганилиши
3. Идеал, идеаллик ва реаллик тушунчаларининг ўзаро муносабати

2-мавзу: Ахлоқий идеал ва унинг фалсафий тизими (2 соат)

1. Ахлоқ ва ахлоқий идеал: уларни ўзаро нисбати
2. Фалсафа тарихида ахлоқий идеал хусусида фикрлар ривож.
3. Ахлоқий идеалнинг ички тизми ва уни ривожлантирадиган субстанционал асослари.

3-мавзу: Ахлоқий идеалнинг диний идеаллар билан ўзаро муносабати (4 соат)

1. Маънавият, идеал ва дунёқараш тушунчаларининг инсон ҳаётини белгиловчи роли
2. Трансцендент идеал тушунчасини илоҳий тимсоли сифатида
3. Зардуштийлик дини муқаддас китоби Авестода ахлоқий идеал масалаларини ёритилиши
4. Ислом динида ахлоқий идеал муаммоси

4-мавзу: Бадий-эстетик, ахлоқий идеалларнинг ўзаро муносабати ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида (4 соат)

1. Бадий-эстетик идеал комил инсоннинг маънавий борлиғидаги чизгилар сифатида
2. Бадий-эстетик идеал ижтимоий-маданий воқелик сифатида ва унинг комил инсон тарбиясидаги тутган ўрни
3. Бадий-эстетик идеални шакллантириш воситалари
4. Бадий-эстетик идеал гўзаллик категорияси билан ҳамоҳанг тушунчадир.

5-мавзу: Тасаввуф фалсафасида ахлоқий идеал масалалари (2 соат)

1. Ишқ-муҳаббат манзиллари ва ахлоқий идеални шаклланишининг ирфоний кўринишлари
2. Тасаввуф таълимотида яратилган комиллик ғояси ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий кўриниши сифатида.

6-мавзу: Марказий Осиё мутафаккирларининг ижодида ахлоқий идеал масалаларини ёритилиши (2 соат)

1. Абу Наср Форобий ижодида фозил киши – ахлоқий идеалнинг ижтимоий таҳлили
2. Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар инсоннинг маънавий соғломлиги хусусида
3. Алишер Навоийнинг комил инсон ғояси ахлоқий идеални ижтимоий-тарихий кўриниши сифатида

7-мавзу: Баркамол авлод ахлоқий идеалининг шаклланиш ва тараққиёт тамойиллари. (4 соат)

1. Мустақиллик ва ахлоқий идеал
2. Спорт ва соғлом турмуш тарзининг маънавий-мафкуравий моҳияти ва унинг ахлоқий идеални шакллантиришдаги аҳамияти
3. Ёшлар ахлоқий идеалининг шаклланишида миллий ғоя ва мафкуранинг аҳамияти
4. Ёшларда маънавий жасорат туйғусини шакллантиришда ахлоқий идеалнинг ўрни

Хулоса ўрнида

КИРИШ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг йигирма йил ўтди. Шу ўтган вақт ичида жамият ижтимоий ҳаётида туб ўзгариш ва янгиланишлар юз берди. Ўтган аср эски мафкураси асосида шаклланган ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик идеал ва қадриятлар ўрнини ривожланган фуқаролик жамияти талаблари асосидаги идеал ва қадриятлар эгалламоқда. Ахлоқий қадриятларни қайтадан баҳоланиши, айниқса ахлоқий идеалнинг моҳияти, унинг ички тизимини янгича талқин қилиш орқали замонавий комил инсон маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар илмий-назарий жиҳатдан долзарб масалага айланиб бормоқда.

Глобаллашувнинг жадаллашиши ва унинг салбий таъсирида инсон маънавий-ахлоқий оламида шундай муаммолар юзага келмоқдаки, уларнинг кўлами нафақат ижтимоий фалсафий, балки этика ва эстетика илми соҳасининг ўрганиш тадқиқот объектига айланиб бормоқда. Ахлоқий идеал мавзусини ўрганиш “Этика ва эстетика” мутахассисликда таҳсил олаётган магистрантларга ахлоқ ва унинг идеалларини шаклланиш эволюцияси ҳақида билим беради. Ахлоқий идеалнинг миллий ва умумбашарий моҳиятидаги муштараклик, унинг ижтимоий муҳит, анъана, мафкура ва ғоялар билан боғлиқ жиҳатларини илмий тадқиқ этиш замонавий ахлоқшунослик мавзуларидан биридир. Шундай экан, ахлоқий идеал мавзусини долзарблигини “Этика ва эстетика” илми нуқтаи назаридан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, мустақиллик туфайли янги маънавий қадриятларнинг яратилиши, инсон эркинлиги ва кадр-қиммати билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тушунчаларнинг пайдо бўлиши, ахлоқий идеалнинг моҳиятини нафақат ижтимоий фалсафа, балки этика, эстетика илмлари юзасидан таҳлил қилишни талаб қилмоқда;

иккинчидан, XX асрда халқаро сиёсий этика, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда асосан сиёсий ва ҳуқуқий мезонлар етакчилик қилган бўлса, XXI асрга келиб бу жараёнларга маънавий-ахлоқий омиллар ҳам катта таъсир

кўрсатмоқда. Бу таъсирнинг ахлоқий ва эстетик асосларини илмий тадқиқ этиш ғоятда муҳим масалалар сирасига киради;

учинчидан, инсониятни бирлаштирувчи маънавий интегратив тизим яратилаётган бир пайтда «оммавий маданият» иллатларининг ёшлар ахлоқий идеалига таҳдиди кучайиб бормоқда. Бугунги давр турли хил шакл ва кўринишлардаги бу таҳдидларга қарши курашнинг илмий фундаментал асосларини яратиш зарурлигини тақозо этмоқда;

тўртинчидан, глобаллашув ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга эзгулик, бағрикенглик, шафқатлилик, мурувватлилик каби умуминсоний ахлоқий қадриятларга «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдидларни ҳам юзага келтираётганлигини унутмаслик зарур. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов,-«Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиши учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади»¹, -дея уқтирган эдилар.

Мазкур услубий қўлланма “Этика ва Эстетика” магистратура мутахассислигига ва умуман идеал, ахлоқий идеал муаммосини миллий ғоянинг асосий тамойиллари билан қиёсланган ҳолда илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этувчиларга, ҳамда мазкур масала билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-Жилд. – Тошкент.:Ўзбекистон, 2010. – Б.95.

1- мавзу: “Идеал” тушунчаси ва унинг назарий-методологик моҳияти хусусида (2 соат маъруза, 2 соат семинар)

- 4. Идеал тушунчаси ва унинг фалсафий моҳияти хусусида**
- 5. Фалсафа тарихида идеал тушунчасини ўрганилиши**
- 6. Идеал, идеаллик ва реаллик тушунчаларининг ўзаро муносабати**

1- савол. Идеал тушунчаси ва унинг фалсафий моҳияти хусусида. Мазкур саволни таҳлил қилишда магистрантлар, умуман уни ўрганувчилар, энг аввало, “Идеал” тушунчасига эътиборларини қаратишлари лозим. Чунки мазкур фан мавзусига доир барча саволлар “Идеал” тушунчасининг мазмун ва моҳияти орқали англашилади. Идеал муаммоси фалсафий тафаккур тарихида турлича талқин этилган. Хусусан, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб файласуф олимлар томонидан ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ва эстетик идеаллар ҳақидаги илмий изланишларга жиддий эътибор қаратилган. Бу изланишларнинг фалсафий тизимини туркумлаштириш ва изоҳлаш алоҳида ўрганиладиган масала бўлганлиги боис биз идеалнинг фалсафий тафаккур тарихидаги ўрни билан боғлиқ айрим жиҳатларга эътибор қаратишни лозим, деб топдик.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, идеал тушунчасини фалсафага немис классик файласуфи И.Кант киритган. Файласуфни фикрича, идеални ақлнинг зарурий, юксак намунага тўғри келадиган меъёри сифатида тавсифлайди. Э.В.Ильенковнинг фикрича, «идеал» (юнонча *idea*) - инсон ёки жамият, синфларнинг хулқ-атвор йўл-йўриқлари ва хусусиятларини белгиловчи, намуна, қоида, идеал образ. А.И.Яценко эса «идеал» тушунчасини инсоннинг ижтимоий фаолияти билан боғлаб, мақсаднинг мақсадидир, деб таърифлайди.

«Совет энциклопедик луғати»да «идеал» (французча *ideal*) – намуна, мукаммаллик, мақсад сари юксак интилиш маъносини беради, - дейилган бўлса, яна бир луғатда у «инсон ёки ижтимоий гуруҳларнинг фаолиятини, хулқ-атвори, характерини белгилаб берувчи усуллар, норматив характердаги идеал образ» деб тарифланган. Интернетда рус тилидаги сайтларда ва ундаги фалсафий луғатларда «Идеал» (лот. *Idealis*, юнон. *idea*- тимсол, ғоя) - олий

қадрият; энг яхши томонлар; намунали шахсий сифатлар; виждон ва бурчнинг олий ахлоқий қадрияти», деб қайд этилади.

Гарчанд, мазкур таърифлар идеалнинг рационал моҳиятини белгилаб берса-да, уларни тўлақонли деб бўлмайди. Юқоридаги таърифларни бири бири билан қиёслайдиган бўлсак, уларда идеалнинг хусусиятлари умумназарий таърифга айлантириб юборилганлигини кўриш мумкин. Идеалнинг инсон тафаккуридаги намуна, мукаммалик тимсоли, нормаси ахлоқий, диний, ижтимоий-сиёсий ва эстетик идеалларнинг ички хусусиятлар билан ё аралаштирилиб юборилади ёки бу идеаллар белгилари орқали умумийликни ифодалашга ҳаракат қилинади. Шунинг учун таърифлар ё барча идеалларга хос хусусиятларни қамраб олмаган ёки айрим идеал шакллари билан чегараланиб қолган.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан идеалнинг ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик жиҳатларини илмий таҳлил қилишга, идеалнинг миллий хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ жиддий тадқиқотлар юзага келди. Булар орасида С.С.Агзамходжаеванинг тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Олима «идеал» ва «ижтимоий идеал» тушунчалари ўртасида маълум бир фарқлар мавжуд. Бу фарқлар идеалларнинг моҳиятида эмас, балки ўзгаришлари ва шаклларидадир, деб кўрсатади. Биз мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда бу фарқлар идеалларнинг моҳиятида ҳам, кўриниш ва шаклларида ҳам намоён бўлади, деган фикрдамиз. Чунки, агар идеал тушунчаси «мақсад» («ҳаётий мақсад»), «ихлос», «ўй», «хаёл», «интуиция», «фантазия», «утопия», «башорат» каби тушунчалар билан ҳам боғлиқлигини инобатга олсак, юқоридаги тушунчалар барча идеал шаклларига мос келмаслиги мумкин. Ушбу тушунчалар ахлоқий, эстетик идеаллар мазмунини очишга кўпроқ имконият берса, «ижтимоий идеал»ни «интуиция», «хаёл» ва «фантазия», «утопия» тушунчалари билан изоҳлаб бўлмайди.

Идеалнинг диалектик хусусияти ҳақида эса Л.А.Соловей шундай дейди: «Англаган идеал субъект фаолиятининг асосий мезони ва бир вақтда субъект тараққиётининг мақсади ҳам бўлади». “Фалсафа. Қомусий луғат”да

эса «идеал (французча ideal, лотинча idealus қиёфа, мезон, мукаммаллик) - орзу интилишнинг олий мақсади. Кенг маънода: у ёки бу нарса, ҳодисанинг энг яхши, энг қадрли, энг мукаммал ҳолати. (масалан, «идеал газ» масалани ҳал қилишнинг идеал йўли, тор маънода шахс (инсон) қобилиятларини ифодаловчи намуна», деб таъриф берилган.

«Идеал» тушунчасининг маъно ва мазмунига доир юқоридаги таърифлар бир-бирини тўлдиради, бироқ, бу таърифлар бизнинг назаримизда, идеални энг юксак ва олижаноб мақсад, орзу ва тилак сифатида идрок этиш масала моҳиятини чеклаб қўяди. Чунки идеал фақат мақсад, орзу ва тилақдан иборат эмас. Агар мақсад, орзу ва тилак идеал сифатида олинса, идеалнинг умуммиллат миқёсида ёки кишилар учун муштараклик жиҳати фикран четда қолади. Бундан ташқари, “Фалсафа. Қомусий луғат” да «ахлоқий идеал кишилар хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатларини, жамоа манфаатлари асосида, муайян тарзда, тартибга солади» дейилиши нотўғридир. Чунки, ҳар бир жамоа ўз манфаатлари асосида кишилар хулқ атвори, хатти-ҳаракатини тартибга солса, унда умубашарий, миллий ва индивидуал хусусиятлар ахлоқий идеалда акс этмай қолади.

«Идеал» тушунчаси барча фалсафий категориялар (моддийлик ва маънавийлик, абадийлик ва ўткинчилик, моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, мутлоқлик ва нисбийлик, умумийлик ва алоҳидалик, тасодиф ва зарурият, яратувчанлик ва яратилганлик, мукаммаллик ва номукаммаллик, ва ҳоказо) ни қамраб олади ва улар ўртасидаги алоқадорлик ёки зиддиятларни ўзига хос тарзда ифодалайди. Хусусан, қадимги юнон файласуфи Платон барча воқелик, ягоналик ва алоҳидалик, ҳатто умумийлик тушунчаларини идеал ғоя, мутлақ абадиёт нуқтаи назаридан тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг назарида инсон онгида пайдо бўладиган тасаввур, тушунча идеал образ сифатида абадийлик, ягоналик, мутлақлик, зарурий воқелик хусусиятига эга. Шунга кўра идеал образ маълум нарса ва ҳодисаларнинг воқеликдаги образси тарзида ғоялар дунёсидан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, **идеал тушунчасининг кўп қиррали, мураккаб ижтимоий, миллий ва индивидуал мазмун-моҳияти ва**

аҳамиятидан келиб чиқиб, уни одамзод онгидаги бирор нарса, воқеа ёки ғояларнинг мукамаллигини, намуна, ўрнатки, мезон даражасидаги образи сифатида ифодаловчи, ҳар бир миллатнинг дини, ижтимоий-маънавий тажрибаси, шахснинг қобилият ва эҳтиёжларига, фаолият турига, ёшига, жинсига, миллатига биноан шаклланадиган мукамаллик намунаси мақомидаги ҳақиқат, гўзаллик, олижаноблик ва покдомонлик тимсоли, деб таърифлаш мумкин. Идеал ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, инсон ҳаёти ва жамиятнинг барча томонлари билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади.

Демак, биринчидан, инсониятнинг ижтимоий тараққиётидаги мураккаблик идеал тушунчасини ички хусусиятларига кўра ажралиб чиқишига ва диалектик бирликда ривожланишига олиб келган. Натижада диний, ижтимоий-сиёсий, илмий, ахлоқий ва эстетик идеаллар ҳақидаги тасаввур, тушунча ва қарашлар шаклланган.

Иккинчидан, инсоният тарихи идеалларнинг икки йўналишда, икки хил вазият ва жараёнда шаклланиб, ривожланиб келаётганидан дарак беради: агар диний идеаллар ўз мазмуни ва йўналиши жиҳатидан муштарак характерга эга бўлса, ахлоқий ва эстетик идеалларда миллий жиҳатлар, халқ ва миллат яшаётган табиий муҳит ва ижтимоий-тарихий анъаналарда ўз аксини топиб, тадрижий тараққиёт йўлини босиб келмоқда. Ижтимоий-сиёсий идеаллар эса муайян ғоя сифатида қарор топиши ёки амалга ошиши учун сиёсий бўҳронлар, тарихий алғов-далғовлар, курашлар юзага келган.

Учинчидан, идеал одамзоднинг ҳаётда тутган ўрнига, онгига етишмаётган, қониқтирмаётган маънавий қадрият тимсолларига, намунавий образларга интилишини рағбатлантирувчи тушунча-тасаввур сифатида шаклланган.

Тўртинчидан, идеал – оддий мақсад, орзу-ният, бугунги вазият, нарса ва маънавий қадриятдан қониқмаслик ва тасаввурдаги ҳаёлий намуна, тимсолга интилишидан ташқари инсон ҳаёти, тафаккур тарзи, фаолияти ва ҳаёлотининг бирлигидан ташкил топадиган, инсон хатти-ҳаракатига куч ва илҳом бағишловчи мураккаб маънавий мезон. Шунинг учун идеал одамзодга

ўзида бор нарсани кўпайтириш ва кучайтириш, ўзида йўқ нарсага интилиб яшаш имкониятини бериб, ҳаётий жўшқинликни таъминлаб келган.

Бешинчидан, идеал қайси замон, қайси жамият, қайси миллат тафаккурида шаклланган бўлмасин, у албатта мураккаб ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида шахс онги ва руҳиятида ижтимоий ҳаёт тажриба ва эҳтиёжларининг ўзига хос инвариант шакли сифатида қарор топади; шахснинг қобилият ва салоҳиятларининг, ҳаёт тарзи, оилавий анъана, диний расм-русумлар, бадиий-эстетик тажриба ва эҳтиёжларнинг рамзи, шахснинг ҳиссий ва интеллектуал тараққиёт даражаси, фаолият турлари, мулоқот ва муносабатлар характери, ўтмиш ва ўз давридаги ибратли шахслар тимсоли ва хоказо омиллар таъсирида шаклланган.

Олтинчидан, идеал индивидуал қиёфа, намуна, образ тарзида ҳар бир инсон қалби ва онгида шаклланади. Унинг тарбиявий моҳияти шундан иборатки, идеал ҳар бир шахсга табиат, жамият ва инсонга нисбатан шахсий муносабатларни олдиндан белгилашга ва шунга яраша ижодкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда ўз тафаккур ва фаолият йўналишини белгилаб олишга имкон беради. Идеал у қайси шакл ва кимда бўлишидан қатъий назар оптимистик характерга эга бўлади.

2-савол. Фалсафа тарихида идеал тушунчасини ўрганилиши. Мазкур савол таҳлили ва ўзлаштирилиши ўрганувчилардан мумтоз файласуфларнинг идеал масаласи ҳақидаги фикрлари, қарашларидан яхши хабардор бўлишларини талаб этади. Фалсафий тафаккур тарихида идеал ва унинг моҳияти, намоён бўлиш шакллари, фалсафий мазмуни масалалари кўпгина алломалар томонидан ўрганилган. Бу борада Афлотун, Арасту, Конфуций, Форобий, Ибн Сино, Р.Декарт, Б. Спиноза, Ж. Руссо, Д. Дидро И. Кант, Гегель, Фейербах каби файласуфларнинг қарашлари ва назарияларини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Л.М.Архангельский, Б.Т.Григорьян, Е.Громов, В.Е.Давидович, О.Г.Дробницкий, Е.Л.Дубко, А.Қ.Қодиров, Л.В.Скварцов. Л.А.Соловей, В.А.Титов, С.Туманов, А.И.Яценко, Э.В.Ильенков, С.С.Агзамходжаева каби

файласуф олимларнинг «идеал» тушунчасига берган таърифларида рационал мулоҳазалар, кузатувларни учратиш мумкин.

Ғарб уйғониш даври фалсафий тафаккуридаги идеалнинг моҳияти ўрта асрларнинг схоластик ва диний догматик қарашларига қарама-қарши бўлган гуманистик йўналиш касб этди. Уйғониш даври учун инсонпарвар идеаллар инсон, табиат ва жамият ўртасидаги ижобий ва ижодий алоқадорликни ифодалашда асосий маънавий мезон бўлиб хизмат қилди. Идеал ҳаётга муҳаббат, ундан завқланиш, ҳаётий бахт излаш ва унга интилиш, шахснинг интеллектуал ва жисмоний етуклиги, объектив борлиқ гўзаллигидан баҳраманд бўлиш ва уни яратиш тарзида идрок этила бошланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу давр идеални ҳаётнинг ўзидан излашга қаратганлиги билан идеал ҳақидаги бошқа назарий қарашлардан кўра илгарилаб кетди. Аммо бундай идеалнинг «реаллашуви»нинг биринчи сабаби, аввало, ахлоқ-одобнинг черков ақидаларидан «ажратилиши» оқибатида содир бўлган бўлса, иккинчи сабаб - ахлоқ-одобни одамзоднинг «табиий ҳуқуқи»нинг ифодаси тарзида тушунилиши эди. Инсоннинг табиий равишда ўзини ўзи сақлашга, яшашга, насл қолдириш ва роҳатланишга, ўзига ва бошқаларга меҳр-муҳаббатли бўлиши инсон ахлоқи ва идеалини белгиловчи мезон ҳисоблана бошлади. Инсон индивидуаллигини қадрлаш ва эъзозлаш пировардида XVII- XVIII аср мутафаккирлари томонидан инсон ақлини, тафаккурини мутлақлаштириш даражасига, идеал, мақсад ва орзуларни «соф ақл» фаолиятдан излашга ҳам олиб келди. Декарт, Спиноза, Руссо, Вольтер, Ламетри, Гельвеций, Гольбах, Дидро каби файласуфлар гўзал ҳаёллар оғушидаги истикболли инсоний идеалларни назарда тутадилар ва Ўрта асрлар диний таълимотларидаги сароб интилишларга ҳаётий, жонли ва табиий идеални қарама-қарши қўйдилар.

Инсоният тафаккурида қатор ва чигал муаммолар пайдо бўла бошлади: нима учун Яратувчи олдида миллат ва жамият миқёсида баробар бўлган бандаларнинг ўз идеалига эришиш ёки уни амалга ошириш қийин кечади? Нима учун бир қавмнинг бир мақсад йўлида бирлашган аъзолари ўз эҳтиёж ва салоҳиятлари туфайли бошқа-бошқа идеалларни қўмсаб қолади? Демак,

идеалда умумбашарий маънодан ташқари, индивидуал, шахсий, миллий ва ижтимоий омиллар бир-бири билан шундай чамбарчас боғланганки, бу жараён идеал тушунчасининг давр талаби асосида айрим томонларини ўзгартиришидан далолат беради. «Янгидан-янги нарсани яратиш инсоннинг энг олижаноб фазилатларидир. Ором билмаслик, тиниб-тинчимаслик, камолотга тинмай интилиш фақат инсонга хосдир. Шунинг учун ҳам инсон ўзининг номукамаллигини билади, аслида маданият ва цивилизация шу идрокдан пайдо бўлган».

Идеал тушунчаси ҳақидаги бу каби қарашлар немис мумтоз файласуфи И.Кант таълимотида «идеал масаласи»ни инсоннинг маънавий-ахлоқий тақомили билан боғлашга олиб келди: идеални - «мақсад қилиб қўйиш ва унга эришиш учун интилиш билан боғлиқдир», деб билди. Шунингдек, файласуф ахлоқий идеални ҳам, эстетик идеални ҳам воқеликдан эмас тафаккурдан, ақлдан изламоқ кераклигини уқтиради. Бунда идеал нарса ва ҳодисаларнинг эмпирик воқелик туфайли туғилган ғоялардан эмас, тафаккур салоҳияти бўлган ҳаёлда пайдо бўлган ҳар хил образ, тушунча ва туйғуларнинг мантиқий яхлитлигидан вужудга келади.

Идеал адабиёт ва санъатда ўзининг «мутлоқлашган» ва «интиҳолашган» ҳолатини бадий образлар тимсолида намоён этади. Бу соҳада умумийлик (меъёрий сифатлар) ва индивидуаллик (феъл-атвор белгилари) яхлитлик ва бўлак, ахлоқийлик ва эркинлик, моҳият ва сабаб, зарурият ва тасодифларнинг кесишиш нуқталари идеал образлар тимсолида ифода этилади. Шунинг учун санъатда ифода этиладиган гўзалликка идеал сифатида қаралади. Шу маънода, Кантнинг идеал хусусидаги қарашларидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, ғоя ва идеал тушунчалари Кантнинг априори назариясига асосланувчи «нарса ўзида» таълимотининг исботи учун хизмат қилишга қаратилган;

иккинчидан, идеал- бу тафаккур маҳсули, у бевосита реал воқеликни акс эттирмайди;

учинчидан, агар ғоя воқеликдаги эмпирик ҳодисалар моҳиятини билдирса, идеал бу ғояларни бирлаштирувчи мантикий яхлитлик ифодасидир;

тўртинчидан, ғоя ва идеал инсон ҳаёти, ахлоқий мезонлар ва тасаввурлар билан эмас, асосан тафаккур қонуниятлари, ақл фаолияти билан белгиланади;

бешинчидан, ушбу таълимот назарий-методологик жиҳатдан идеалнинг мураккаб онгли фаолият эканлигини таъкидлайди.

Шунинг учун Кант эмперик ҳодисалар туфайли туғилган ғояларни эмоционал идрок билан боғласа, идеални тафаккурнинг априорли маҳсули сифатида таърифлайди. Чунки ғоя тажрибада синовдан ўтса, идеал тафаккурнинг янги манзилларини яратиш ва жамлашга даъват этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, агар инсон онгида юксак хулқ-атвор ҳақидаги идеал бўлмаса, у воқеликнинг оддий бажарувчиси ва иштирокчиси даражасида, яъни эртанги кун ва истиқболга интилмайдиган, ўз хатти-ҳаракатини, маънавиятини белгилаб ололмайдиган, юксалиш меъёрини йўқотган, бебурд шахсга, ижтимоий ҳаётнинг жонли, аммо бефарқ бир аъзосига айланиб қолади. У воқеликка таъсир этувчи эмас, таъсирни қабул қилувчи нишонга айланади.

Немис мумтоз фалсафасининг яна бир намоёндаси Гегель таълимотига кўра, «идеал мақсаднинг яққол ҳис қилинган образи, мутлоқ ғоянинг ифодаси бўлган эмперик воқеликдан иборат». Инсон тафаккури ҳар бир эришилган вазиятда зиддият кўради ва бу зиддиятдан чиқиб кетиш, уни ҳал этиш учун аввалги идеалга нисбатан кучлироқ ва жозибалироқ янги идеал мезонига асосланади. У идеални етиб бўлмас сароб эмас, балки инсон етиши, эришиши мумкин бўлган ҳодиса сифатида талқин этади.

Гегельнинг идеал ҳақидаги таълимотидан шундай хулоса келиб чиқадики, идеал тушунчаси, ҳар томонлама ривожланган инсоний мукаммаллик билан боғлиқ экан, уни амалга ошишига мавжуд жамият имконият бермайди. Шундай экан муайян жамиятда ва келажакда ҳам шахс идеалининг моддийлашуви, инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши мумкин

эмас. Бу идеал инсониятнинг болалик даврида, қадимги демократик шаҳар-давлатлар микёсида омалга ошган эди, энди қайтарилмайди. Файласуф илгари сурган назарияга биноан билим ва ахлоқ идеали Кант таълимоти каби онгнинг турғунликдан иборат «соф ақл» маҳсули эмас, балки инсон тафаккурига хос диалектик жараёндан дарак берувчи тушунчадир. «Инсоният маънавий маданиятининг абадий, тугалланмай янгиланиб турадиган, муайян вазиятдаги билим ва ахлоқдаги қарама –қаршиликларни келтириб чиқарадиган, бу зиддиятларни бартараф этувчи янги вазиятнинг яна қарама-қаршиликларга эгаллиги ва уларни бартараф этиш заруриятининг мавжудлиги Гегельнинг идеал ҳақидаги таълимоти мазмунини ташкил этади».

Людвиг Фейербах ўзининг «Христианликнинг моҳияти» ҳақидаги маърузаларида умуман идеал, хусусан, диний идеалга доир ўз мулоҳазаларида И.Кантнинг априор назариясига тамомла тескари бўлган нуқтаи назарни илгари суради. «Инсон» моҳиятини индивидга хос тафаккур, ирода ва муҳаббат бирлигида кўрган Фейербах идеал деганда инсон хоҳлайдиган, уни қизиқтирадиган ва ўзига жалб этаётган, аммо бевосита ҳиссиётини кўзгайдиган эмас, балки фантазиясига, хаёлида тимсол бўлиб шаклланадиган нарсани тушуниш керак, – дейди.

Инсоннинг худо ҳақидаги тасавур ва тушунчалари, инсон билан худо ўртасидаги бирлик ва зиддиятлар туғрисида Фейербах мулоҳаза юритар экан, у диний идеал билан келиша олмаган ҳолда ёзади: «Бизнинг идеал – бичилган, танадан жудо бўлган, бетайин нарса эмас, бизнинг идеал бу – яхлит, ҳақиқий, ҳар томонлама етук, маълумотли инсон. Бизнинг идеалга фақат руҳни қутқариш, фақат руҳий такомиллаштириш эмас, жисмоний етуклик, жисмоний соғ-саломатлик ҳам киради».

Маркс ва Энгельс идеал муаммосини синфийлик ғояси ва коммунистик жамият куриш билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилдилар. Уларнинг тасаввурида коммунизм ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга имконият яратадиган, айрим қобилиятларнинг шахсий мулкка айланиб қолиш касаллигидан озод қиладиган идеал жамият бўлиши керак эди. Лекин бундай

жамият куриш амалиёти, синфий кураш назарияси, ҳаётни инқилобий йўллар билан ўзгартириш тажрибаси, шахс, миллат ва жамият идеалида диний, миллий, умумбашарий ва индивидуал маънавий-ахлоқий тасаввур ва қадриятларнинг инкор этилиши XX аср сўнгида коммунистик идеалнинг ижтимоий-назарий замини саробдан иборатлигини кўрсатди.

Натижада идеалнинг диалектик хусусияти ҳақида фалсафий адабиётларда айтиб ўтилганлигига қарамай, идеал тушунчасига бир ёқлама ёндашиш авж олди. Бу борада «капиталист учун ҳам, ишчи учун ҳам, помещик ва деҳқон учун ҳам бир хил идеал бўлмайди, идеал синфий характерга эга» деган фикр ҳукмрон бўлса, яна бир жойда «инсон идеалининг мафкуравий қолипга солиниши ва фақат коммунистик мафкура ижтимоий идеали» тарзида гаудалантирилди.

Идеалнинг синфий характерини таъкидлаш оқибатида унинг индивидуал-субъектив, миллий, диний ва умумбашарий жиҳатлари эътиборга олинмади.

Ҳар бир даврда идеаллар ижтимоий-тарихий кўриниш олиб, ўз шаклу шамойилини ўзгартириб туради, аммо ўз маъно, моҳияти ва мағзини ўзгартирмайди: қадимги юнон халқи идеални ижтимоий-тарихий акс этишини мутафаккир файласуфларни сиймосида, ўрта аср европасида рицарлар ва ориф монахлар, шарқда илоҳий заковат соҳиби пир сиймосида, уйғониш даврида ҳар томонлама камол топган инсонпарвар шахс, иккинчи жаҳон уруши даврида ўз жонидан кўра Ватан озодлигини афзал кўрган шахслар идеални образли тимсоллари ҳисобланган. Демак, ижтимоий-тарихий муҳитда шахс ва миллат онгида турли идеалларнинг шаклланиши, тўпланиши ва бойиши ворисийлик тамойили туфайли аجدодлардан авлодларга ўтишини билдиради.

Идеаллардаги ворислик нафақат шахс, миллат балки умумбашарий идеаллар шаклланишида ҳам асосий маънавий ўрнатма ва ибрат вазифасини ўтайди. Лекин идеалдаги ворислик ҳамма идеалларни ижобий ва салбий хусусиятларга бўлиб ўрганишни тақозо этмайди. Ижтимоий-сиёсий ва диний идеаллар ҳақида гап борганда идеалнинг ижтимоий гуруҳ ва тарихий

шароитга мувофиқ ижобий ва салбий кўринишлари, ифодалари, натижалари (масалан, фашизм, диний экстремизм ва фундаментализм идеали) ҳақида гап бўлиши мумкин. Аммо умуминсоний ахлоқий идеал башарият тарихида фақат ижобий хусусият касб этган.

Идеал муаммосини янгича методология асосида таҳлил қилган Г.Г.Водолазовнинг фикрича, ўтган асрдаги юксак идеаллар идолга айландилар, яъни тескари маъно касб этдилар (Масалан: Гўзаллик – хунукликка, Эркинлик– қулликка, Эзгулик – ёвузликка). Бунинг асосий сабаби, – дейди муаллиф- мавҳум тушунчалар, инсон руҳиятидаги юксак ахлоқий идеалларни жамият учун экспремент сифатида синовдан ўтказилишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, идеал қандай кўринишда, қайси миллат ва шахс онгида шаклланган бўлмасин, у мукамаллик, юксак намуна, олий қадриятни ифодалайди. Бундай мукамаллик даражаси ҳам ижтимоий-тарихий шароит, миллий–маънавий ҳаёт, индивидуал ва интеллектуал салоҳиятлар рамзи сифатида кўзга ташланади. В.Алимасовнинг фикрича «идеал сиғинишга эмас, яратиб яшашга ундаса, кишини иллатлардан холос этади». Агар диний идеал ўз моҳияти жиҳатидан муросасиз ва мутлақ илоҳий ҳақиқат ифодаси бўлса, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик идеаллар шакл ва ифода воситалари жиҳатидан ҳар бир давр ижтимоий-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларига, мақсад ва қадриятларига мувофиқ тўлдирилиб, қайта тикланиб ёки ўзгартириб борилади.

Юқоридаги қарашлардан шу нарса аниқки, инсон ўз тасаввури ва қалбидаги «идеал инсон» образи билан тушунтириш мумкин. Демак, субъектнинг идеал ҳақидаги тушунчаси, рамзи, реал воқелик, инсон эҳтиёжи, салоҳияти, фаолияти билан туташганда, идеал субъектив образнинг объектив қиёфасига айланади. Шунинг учун идеал қиз, идеал инсон, идеал ота-она, идеал раҳбар ҳақидаги тасаввур ва изланишлар фақат образ-намунанинг воқелашув жараёнидагина синовдан ўтади. Масалан, «тилла» одамлар онгида рангли металлларнинг идеали ҳисобланади. Лекин бу идеалга эга бўлишнинг ўзи инсон бахти ва саодатини белгиламайди. Идеал ҳаётда реаллашув

жараёнида синовдан ўтгани учун у инсонга ё қувонч, бахт-фароғат ёки азоб-укубат келтириши мумкин. Бу ўринда тилла идеал сифатида яхшилик ва ёмонликнинг, тўғрилиқ ва ўғрилиқнинг диалектик бирлигини ифодалашнинг ёрқин тимсолига айланади. Заргар, тадбиркор ва олижаноб инсон учун тилла гўзаллик ва эзгулик идеали, қаллоб ва ўғри учун эса, виждонсизлик ва ахлоқсизлик учун текин даромад вазифасини бажаради. Шунинг учун идеаллар миллат ва жамиятнинг ижтимоий-маънавий салоҳиятларига биноан шаклланиб боради.

Ўтган асрнинг 90-йилларида чоп этилган А.П.Лизогубнинг «Идеал» номли монографиясида идеал тушунчасининг назарий-методологик концепцияси ҳақида айтиб ўтилган. Бу «янги» концепция қуйидагича талқин этилган: маънавий (фалсафий маънода) бирлик одамларга худди умумий кўринишда скелет сингари зарур. Агар одамлар скелет жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса нима бўлади? Унда одамлар бир-биридан шер билан сигир каби ажралиб туради. Маънавий жиҳатдан ҳар хил тараққий этган, турли диний фалсафий-эътиқодли одамлар худди ҳайвон турларидай ўзларининг турли маънавий скелетлари жиҳатидан бир-бирларидан ажралиб туради. Бунга инсоният тарихидаги қирғинбарот урушлар ва кўпоровчилик ҳаракатлари мисол бўла олади. Ваҳоланки, у ёки бу турдаги ҳайвонлар ўзаро қирғинбарот уруш олиб бормайдилар. Маънавий интеграцияга эришиш одамлар орасидаги шахсий тафовутларни асло инкор этмайди. Одамларнинг касб-ҳунар, маҳорат, интеллектуал, оилавий-маиший, соғлиғи, миллати жиҳатидан турличалигини назарда тутиб А. Лизогуб индивидуал ижод ва фикрлар ранг-баранглиги, шунингдек, маънавий «скелетнинг» ҳам қайта қурилишига олиб келишини айтади.

Мазкур назарияга асосан одамзод термоядро ва экологик хавф-хатардан ўзини сақламоқчи экан, тезроқ умуммақсад йўлида бирлашишлари зарур; иккинчидан, одамзод қобилиятлари ўртасидаги мусобақа индивидуал ва ижтимоий фаолият асоси сифатида қабул қилиниши керак; учинчидан, инсон ҳаёти ҳам, идеал сари интилиши ҳам унинг бахт излаш ва уни топиш учун ахлоқий хатти-ҳаракатларининг ифодаси бўлмоғи зарур.

Мустақилликни кейинги йигирма йили ичида юртимиз тадқиқотчиларидан Қ.Н.Назаров, Р.Р.Бурнашев, Э.М.Иззетовалар идеал тушунчасини турли контексларда ўргандилар. Хусусан, Қ.Н.Назаров идеаллик тушунчасини, Р.Р.Бурнашев идеалнинг ижтимоий борлиқ асосида трансформацияга учрашини, Э.М.Иззетова «Гуманистик идеал» тушунчасини илмий билиш идеали билан боғлиқ жиҳатларини махсус тадқиқ қилганлар. Ушбу муаллифлар таъкидлаганидек, илмий-назарий ғоялар ва илмий идеаллар бир-бирига боғлиқдир. Идеалликни билиш методи сифатида тадқиқ этиб келинганини инобатга олиб айтиш мумкинки, ҳар қандай илмий билиш негизида объект ҳақида маълум бир билимга эга бўлиш ва унинг тараққиётини тасаввур этиш мақсади ётади. Бизнинг фикримизча илмий билиш идеали умумий идеални бир жабҳасини ташкил этиб, унинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилайди.

3-савол. Идеал, идеаллик ва реаллик тушунчаларининг ўзаро муносабати. Мазкур саволни ўрганишда “Идеал” тушунчаси билан нисбатдош бир қатор таянч атамаларнинг мазмунини би-биридан фарқлаш талаб этилади (Улар қуйидагича келтирилиб таҳлил қилинади).

Идеал ҳақида илмий-назарий ёндашишларни ва уларга доир адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, “идеал”, “идеаллик” “реаллик” тушунчалари билан “идеаллаштириш”, “идеаллаштирилган объект”, “идеаллаштирувчи субъект”, “идеализм”, “идеаллик”, “идея” тушунчалари ёнма-ён, гоҳо эса уларнинг субстанционал асоси, моҳиятидек амал қилади. Шунинг учун ушбу тушунчаларнинг “идеал” ва “реаллик”га боғлиқлигини, таъсирини таҳлил қилиш зарур. Тўғри, баъзи ёндашувларда ”идеал” тушунчасининг ”идея” тушунчасидан келиб чиққани қайд этилади, ”идея” ”идеал” тушунчасининг субстанцияси сифатида қаралади. Бизнинг фикримизча, ”идея” тушунчаси ҳақида тўхталиш етарли эмас, идеалнинг юқоридаги тушунчалар билан боғлиқлигини кўрсатиш ундаги антропологик, аксиологик, психологик ва этик томонларни чуқурроқ англаш имконини беради.

Идеаллаштириш эришиладиган мақсадни, тасаввурдаги предмет, воқелик ва келажакни маълум бир қараш, образ, модел, тимсолларда онгда ифодалаш жараёнидир. Бу ўринда идеаллаштиришнинг моделлаштириш ва прогностика билан яқинлигини кўрамиз. Моделлаштириш предмет ёки воқеликни вақт ва маконда рационаллаштириш, маълум бўлмаган хусусиятларини аниқлаш, бошқаришни такомиллаштириш, информация алмашиш жараёнини мақсадга мувофиқлаштиришга қаратилади. Идеаллаштиришда предмет ёки воқеликнинг ҳаёлий модели яратилади, ушбу модел ҳақидаги информациялар тўлиқ бўлавермайди. Энг муҳими идеаллаштириш ва моделлаштириш мақсаднинг абстракция, узоққа йўналтирилган гипотетик тасаввур ёки гипотеза шаклида умумийлик касб этади. Айнан ушбу умумийлик, яъни идеаллаштириш билан моделлаштиришнинг умумий мақсадга эга бўлиши идеални модел тарзида қарашга, идеаллаштириш жараёнини эса ушбу моделда ҳали маълум бўлмаган хусусиятларни ҳар бир босқичда аниқлаштириб, ҳаётий талабларга мувофиқлаштириб, зарур бўлса, идеал ва моделни ўзгартириб боришга ундайди.

Модел гипотезани ёки гипотетик тасаввурдаги ғояларни тўғри ёки нотўғрилигини синаб кўриш майдони, воситаси, усули ҳамдир. Илмий синовлар бошда моделларда ўтказилади, ижтимоий тараққиёт жараёнлари ҳам гоҳо моделларда синаб кўрилади. Бу ўринда Компанелланинг ”куёш шаҳри”ни эслаш мумкин. Идеаллаштириш синовни рад этмайди, агар ижтимоий идеал реал воқеликка давогарлик қилса, етакчи ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан қўллаб-қувватланса, у синаб кўрилади. Ижтимоий ҳаётнинг, тузумнинг мураккаблиги идеални, моделни тор доирада синаб кўришни тақозо этади. Шундай синовдан ўтмаган идеални, моделни жамиятга тадбиқ этиш зўравонликдир. Масалан, коммунизм ғайриинсоний ғояси большевиклар томонидан ҳаётга татбиқ этилди, бу эса турли зўравонликларни, катағонларни, миллатидан, ўтмишидан маҳрум қилинган сунъий ”совет киши”сини келтириб чиқарди. Шунинг учун барча идеални, айниқса ижтимоий идеални синовлардан ўтказмай, у ёки бу соҳага тадбиқ

этиб, рўй берган ўзгаришларни кузатмай, ўрганмай жамиятга жорий этиб бўлмайди.

Идеаллаштирилган объект тасаввур, ўй, фикр, билиш йўналтирилган предмет ёки воқеликдир. Ушбу предмет ёки воқелик идеалдаги мақсадни, охир натижада эришиладиган мўлжални ифода этади ва фаолиятнинг йўналишини белгилаб беради. Тўғри, идеаллаштирилган объект ҳар доим ҳам аниқ, предмет кўринишига эга бўлавермайди, у ғоя, тасаввур, хаёлий образ, модел тарзида субъективлашиб келади. Киши онгидан жой олган субъективлашган моделлар, образлар ёки содир бўлиши зарур воқеликлар идеаллаштирилган объектлардир. Аслида идеал бу маълум бир объектнинг идеаллаштирилганидир.

Объектнинг идеаллаштирилиши киши олдига нимани идеаллаштириш зарур, қайси мақсадда идеаллаштириш лозим, қанча вақтга идеаллаштириш керак деган саволларни қўяди. Ушбу саволларга аниқ жавоб бермаслик, идеални мавҳумлаштириш хатти-ҳаракатларни, интилишларни ҳам мавҳумлаштиради, киши нимага, қайси мақсадда, қанча вақт фаолиятини идеалга йўналтириши кераклигини билмайди. Тўғри, идеал ”ечиб бўлмас образ”, келажак бўлиши мумкин, лекин инсон унга борадиган йўлларда нимагадир (масалан, оралиқ мақсадларга, программа минимумга) эришиши керак.

Идеаллаштирувчи субъектга индивид, шахслардан иборат гуруҳ, ижтимоий ҳаракатлар (сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва б.), жамият, давлат кабилар киради. Ушбу субъектларга қараб идеаллар классификация қилинади. Бироқ индивидларнинг идеаллари ҳар доим ҳам бири-бириникига мос келавермайди, ҳатто улар гуруҳ, жамият, давлатнинг идеалларидан ҳам фарқ қилиши мумкин.

Фалсафа тарихида идеал ва реал тушунчалари бир-бирига антоним тушунчалар тарзида таҳлил қилиб келинади. “Реаллик (лот. *realis* – ҳақиқий) – борликнинг воқеликда ҳақиқатда мавжуд бўлган қисми”. Реаллик мавжуд борликнинг субстанционал асосларидан биридир. Идеал воқеликка тўлиқ мос келмаслигини инбатга олсак, унда реаллик идеаллаштиришга яқинлашади.

Чунки идеаллаштириш бирор предметни мавжуд усуллар асосида сунъий тарзда тажрибадан ўтказди. Муайян ғоя (илмий, ижтимоий)лар тажрибадан қай тарзда ўтиши ёки ўтмаслиги реал воқеликка мос келмаганидан дарак беради.

Идеал, идеаллик ва реаллик тушунчаларининг назарий-методологик масалалари таҳлилида, унинг ижтимоий-тарихий асосларини, жамият учун заруриятини, ички мантиқий хусусиятларини аниқлаш мазкур услубий қўлланмада асосий масалалари тарзида белгиланиб, уларнинг ечимини топишга бўлган ҳаракатлар қуйидаги хулосаларга олиб келди. Яъни:

Идеал муаммоси қадимдан то ҳозиргача инсоният маънавий оламининг бахт, орзу ва ибрат бўйича ахлоқий изланишларининг марказида бўлиб келган. Идеални инсон ахлоқ тизимидаги ўрни ва унинг ривожланиши объектив заруриятдир.

Идеал муаммоси «Авесто» яратилганидан буён жамиятнинг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва эстетик тасаввурларида марказий ўринни эгаллаган. Идеал халқларнинг фақат орзу, тилаги бўлиб қолмай, маънавий юксаклик сари чорловчи намуна, андоза, мезон сифатида инсон онгида гўзал ва олижаноб, озод ва обод ҳаётга чорловчи ғоя шаклида намоён бўлади;

Идеални тор синфий манфаат ва эҳтиёж жиҳатдан, мафкуравий ёндашган ҳолда ўрганилиши оқибатида ўтган асрларда ғайри илмий назарий хулосалар яратилишига олиб келди. Идеалнинг умуминсоний жиҳатларини ифодаловчи мутафаккирлар қарашлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса ҳам идеални ҳаёлга, сароб ёки утопияга тенглаштириб юборган мафкуравий таҳлиллар, таърифлар идеалнинг мураккаб ички тизимини, унинг диний, ижтимоий, ахлоқий-эстетик, сиёсий ва ҳақозо ғоялар, тасаввурлар билан диалектик алоқадорлигини очиқ бера олмади.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Алимасов В. Топган ва топинган битикларим. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007.
3. Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2007.

4. Фалсафа. Энциклопедик луғат. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010.
5. Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004.
6. Водолазов Г.Г. Идеалы и идоли. Мораль и политика: история, теория, личные судьбы. – М.: Культурная Революция, 2006.
7. Кант И. Критика чистого разума. – Ростов на Дону: Феникс, 1999
8. Лизогуб А. Идеал. – Киев. Наука и думка, 1991.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ильенков Э. В. Философия и культура.– М.: Издательство Политической литературы, 1991-С.195.
2. Яценко А.И. Целепологание и идеалы. – Киев: Наука, 1977. – С.171.
3. Новейший философский словарь. – Минск: Изд. В.М.Скакун, 1998. – С.250.
4. Платон. Государство. Законы. Политика.- М.: Мысл, 1998. – 98 с
5. Милтс А.А. Гармония и дисгармония личности. – М.: Политиздат, 1990 – С.30.
6. Ильенков.Э.В. Философия и культура. – М.: Политической литературы,1991 – С.197.
7. Ғарб фалсафаси. – Т.: Шарқ, 2004 –504 б.
8. Громов Е. Эстетический идеал. – М.: Политиздат, 1961. – С.11.
9. Осичнюк. Е.В. Идеал и деятельность. – Киев.: Высшая школа, 1981. – С.156.
- 10.Сикворцов. Л.В.Культура самосознания.- М.: Политиздат,1989. – С.162-163.
- 11.Кадиров А.К. Деятельность. Познание. Нравственный идеал. – Т.: Фан, 1989. – С. 77-78.
- 12.Туманов С. Общественный идеал: диалектика развития. –М.: Мысль, 1986. –49 с.
- 13.[http:// slovari. Nsk. Ru/ tolk/ ideal.](http://slovari.nsk.ru/tolk/ideal)
- 14.[http:// ru. Principed. Info](http://ru.principed.info)

Семинар машғулотида муҳокама қилинаётган асосий саволлар ва уларга мустақил тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар:

1. Идеал тушунчасининг фалсафий моҳияти, унинг фалсафий жиҳати нима билан изоҳланади?
2. Фалсафа тарихида қайси файласуфлар идеал тушунчасини ўрганганлар?
3. Идеал ва реал, идеаллик ва реаллик тушунчаларини ўхшашлик ва фарқи нимада?
4. И.Кантнинг априори ғоясини сиз қандай тушунаси?

Мавзунини мустақил ўрганиш бўйича рефератлар мавзулари:

1. Фалсафа тарихида “идеал” тушунчасининг ўрганилиши.

2. И.Кантнинг трансцендентлик ғоясининг аҳамияти
3. Афлотуннинг ғоялар дунёси ва Кантнинг апирори ғояси ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар.
4. Ғарб уйғониш даври мутафаккирларини ижодида идеални ҳаётийлигини ошиши

2-мавзу: Ахлоқий идеал ва унинг фалсафий тизими

(2соат маъруза, 2 соат семинар)

- 1. Ахлоқ ва ахлоқий идеал: уларни ўзаро нисбати**
- 2. Фалсафа тарихида ахлоқий идеал хусусида фикрлар ривож.**
- 3. Ахлоқий идеал ички тизми ва унинг субстанционал асослари.**

1-савол. Ахлоқ ва ахлоқий идеал: уларни ўзаро нисбати. Ушбу саволни ўрганиш, ўзлаштиришда магистр энг аввало “ахлоқ” тушунчасининг мазмун моҳиятига, шунингдек, фалсафа тарихида ахлоқ масаласи ҳақидаги фикр, қарашларга эътиборини қаратиш лозим. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «ахлоқ – (араб. тил. олинган- кишилар табиати) муомала, ҳатти ҳаракат одоби»деб таъриф берилган. Таърифдан кўриниб турибдики, ахлоқнинг мазмун-моҳиятида инсониятнинг муайян ҳатти ҳаракатлари муомала маданияти ва унинг йиғиндиси сифатида эътироф этилган. Фалсафа энциклопедик луғатда «Ахлоқ (арабча хулқ сўзининг кўплиги) – кишилар орасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тартиб, қоидалари йиғиндиси», – деб таъкидланади. “Фалсафа. Қомусий луғати” да эса «Ахлоқ (адаб, хулқ сўзининг кўплиги; лотинча *moralis*- хулқ-атвор) – ижтимоий онг шаклларида биридир. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси», - деб таъриф берилган. Мазкур манбада «Ахлоқ» тушунчасига атрофлича таъриф берилган бўлсада, унда ахлоқнинг диний ақидалар ва миллий хусусиятлар билан боғлиқлиги инобатга олинмаган; иккинчидан, «Ахлоқ икки- умуминсоний (ижтимоий) ва шахсий

(индивидуал) даражада мавжуд» дейилишида ахлоқнинг миллий жиҳатлари эътибордан четда қолган. Жумладан, барча халқлар учун ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг қадрига етиш ва эъзозлаш умумбашарий ахлоқий хулқ-атвор мезони ҳисобланади. Лекин ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар турли миллатларда турлича кўринишга эга бўлиши мумкин.

Ахлоқ - умуминсоний, диний, миллий ва индивидуал хулқ-атворга доир нормалар, ақидалар, кўникмалар ва тасаввурлар бирлигидан ташкил топган ва муайян шахс, миллат ва жамият маънавиятини белгиловчи ижтимоий қадриятдир. Ахлоқ-одобнинг ўз шаклланиш ва ривожланиш қонунияти бор бўлиб, у ўзига хос миллий ва умуминсоний кўринишда амал қилади. Улар она сути, ота ўғити, миллат тақдири ва хотира заҳираси, диний ақидалар орқали инсон маънавий оламини бойитиб боради. Бу жараён миллат, жамият ва шахсларнинг орзуси, мақсади, мукаммаллик ҳақидаги қарашлари сифатида ахлоқий идеал кўринишини ола бошлайди. Ана шу тариқа «инсон етукликни икки томондан, биринчидан, ўз ички руҳий оламидан, иккинчидан, тафаккури ва амалиётидан, яъни ташқи оламидан излаб келади».

Инсон фалсафаси ва ахлоқий идеал борасида тадқиқотлар олиб борган Анвар Чориевнинг фикрига кўра, «...мураккаб ижтимоий тартиб-интизом мажмуаси бўлган ахлоқ шахснинг руҳий-маънавий фаолияти бўлиб, унинг кундалик хатти-ҳаракатини тартибга солади ва турли ахлоқий принципларда, нормаларда (бурч, маъсулият, кадр-қиммат, виждон ва ҳақозо), муносабатларда, баҳоларда, идеалларда намоён бўлади».

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, **ахлоқ инсоннинг ижтимоий-тарихий шароитда ўзининг хулқ-атвор ва инсонийлик фазилатини намоён этишидир.** Ахлоқда одамларнинг муайян жамиятда яшаш тарзини белгиловчи жамоавий, шахсий ва миллий хулқ-одоб меъёрлари, ўзаро муомала ва мулоқотда намоён бўлувчи маънавий камолот рамзидир. Ахлоқий мукаммаллик йўқ ёки талаб қилинмайдиган жойда маънавий юксаклик ва мукаммал шахс шаклланмайди. Ахлоқий идеал заминидагина инсонларда ҳаётий мақсад, жамият ва миллат олдидаги бурч, адолат ва адолатсизликка нисбатан муносабат меъёрлари шаклланади. Бу фикрлардан шу нарса

маълумки, ахлоқий онг ва ахлоқий идеал одамзоднинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий тажриба, табиий муҳит, диний тасаввурлар, урф-одатлар, анъаналар, инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар замирида тафаккурда шаклланидиган етуклик ва комиллик сари чорловчи тимсолдир.

2-савол. Фалсафа тарихида ахлоқий идеал хусусида фикрлар ривож. Ушбу саволни ўрганишда магистрлар немис классик файласуфларини асарлари билан таниш бўлишлари ва қадимги юнон файласуфлари, И.Кант, Гегелларнинг ахлоқий идеал ҳақидаги қарашлари, XX асрнинг иккинчи ярмида собиқ совет мафкураси асосида шаклланган ахлоқий идеал ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак.

Ахлоқий идеал тушунчаси илмий муомалага XVIII асрда И.Кант томонидан киритилган. Бунгача жаҳон мутафаккирлари асарларида «ахлоқий идеал» деган термин учрамайди. Бу ахлоқий идеални И.Кант яратди, дегани эмас. Зеро, ахлоқий идеалнинг намоён бўлиши билан боғлиқ қарашлар қадимги диний, фалсафий таълимотларда ҳам кўзга ташланади. Агар Авестода «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» ҳақида сўз кетар экан, бу иборалар негизида ҳам ахлоқий идеал моҳиятини ифодаловчи маъно-мазмун ётади.

Деярли барча динларда идеал тимсоли сифатида «Яратувчи» эътироф этилади. Одамлар у томонидан белгиланган қонун-қоидалар, ҳуқ-атвор асосида яшаб, ўзаро муносабатда бўладилар. Ахлоқий идеалга интилишдан мақсад – яратувчи амрига бўйсўниш ва унинг жамолидан баҳраманд бўлиш орзусида яшашдир. Қадимга Юнон файласуфлари Сукрот ва Платонлар инсон юксак олижаноблик ва гўзал ҳуқ-атворга фақат илоҳий ҳақиқатни англаб етгандагина эришади, деган фикрни билдиришса, Аристотель ва Эпикурлар ахлоқий етукликни бевосита одамларнинг ҳаёт тарзи ва интилишлари билан боғлаганлар. Масалан, Эпикурнинг «ахлоқий идеали – ердаги ҳаётга нафрат билан қарамайдиган, аксинча, табиат билан ҳамнафас бўлиб, яъни, табиат белгилаб берган ҳаётий мақсадга мувофиқ яшайдиган донишманд файласуф» дир.

Ахлоқий идеал Европада XVIII асрдан бошлаб ҳам абстракт-назарий, ҳам инсоннинг бевосита ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганила бошланди. Бу йўналишда файласуфлардан Гельвеций, Гольбахлар ахлоқий идеал масаласига ҳаётий нуқтаи назардан ёндашдилар ва уни бевосита одамларнинг ижтимоий ҳаёти, яшаш тарзи ва интилишлари билан боғладилар. Уларнинг назарий қарашлари одамларнинг ижтимоий зулмдан озод қилиш ғояси билан суғорилган эди. Инсон ва инсоният тақдири файласуфлар фикрича, бу дунёда бахтга эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Инсоннинг ахлоқий идеали ана шу бахтни қўлга киритишда намоён бўлади. Ўз навбатида ахлоқий идеални бахтга интилиш, эришиш сифатида тушуниш кейинчалик прагматизм, ижтимоий ҳаётда утилитаризм сингари фақат фойда кўзлаш ва шахсий манфаатдорлик концепциясининг шаклланишига ва бу билан ахлоқий идеалнинг моҳиятини нотўғри талқин қилишга олиб келди.

И.Кант ахлоқий идеални инсоннинг бурч туйғуси билан боғлаб талқин этса, Гегель ахлоқий идеалда объектив ва субъектив жиҳатлар диалектикасини кашф этди, Л. Фейербах эса ахлоқий идеал одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат натижаси ва тимсоли деган ғояни илгари сурди. Ахлоқий идеалга ниглистик-пессимистик ёндашган Ф. Ницшенинг фикрича, «ахлоқий идеал комил инсон мавжудлигидир. Қачонки унинг фикрлари ва ҳатти-ҳаракатлари ўзгалар учун намуна бўлсин! Зотан жамиятда комил, идеал инсоннинг ўзи бўлиши мумкин эмас, ахлоқнинг бундай талаблари ўринсиз ва ёлғондир».

XX аср фалсафий тафаккур тарихида У. Джемс, ДЖ. Дьюи, Дж. Миллар ахлоқий идеални бевосита шахс тажрибасидан четга чиқиш ва мақсадга эришиш даражаси сифатида талқин этсалар, Р.Перди, Д. Паркер, Ф.Теннентлар ахлоқий идеални одамларнинг қизиқиши ва эҳтиёжидаги муштаракликда кўрдилар, яъни одамлар қанчалик тез ва кўпроқ келиша олсалар, уларнинг ахлоқий идеали шунчалик ҳаётийлик касб этади, деган фикрни илгари сурдилар. М. Колкинс, Р.Кейбот, Ф.Адлер сингари олимлар эса ахлоқий идеални одамларнинг ўз табиати индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш натижаси сифатида тасаввур қилдилар. Н.Гартман ахлоқий

идеалга қадрият назарияси жиҳатидан ёндашиб, ахлоқий идеал тушунчаси қадрият сифатида ўзгармаса ҳам қадриятларнинг ўзи ўзгариб туради, дейди. Сартр, Ясперсларнинг экзистенциалистик қарашларига биноан ахлоқий идеал шахс эркинлиги ва танлаш салоҳияти билан боғлиқ. Масалан, Н.Н.Никитинанинг фикрича, «ахлоқий идеал шахсга нисбатан баҳовий хусусиятга эга. У табиатан шундай».

Ахлоқий идеал тўғрисидаги бундай турли-туман назария ва концепцияларга қарши XX асрда социалистик ва коммунистик ахлоқий идеал тушунчаси шаклланди. Бу концепцияда инсоният тўплаган кўпгина назарий ғоя ва амалий тажрибалар умумлаштирилганлигига қарамай, бир қатор хатоликларга йўл қўйилди: биринчидан, инсоният тарихидаги турли ижтимоий, диний, миллий, ахлоқий анъаналар, қадриятлар, ахлоқ-одоб қоидалари инобатга олинмай, фақат социалистик ва коммунистик жамиятда илғор ахлоқий идеалнинг амалга оширилишига объектив шарт-шароитлар яратилади, деган ғоя ҳукмрон бўлди; иккинчидан, ахлоқий идеални ижобий ва салбий тарзда талқин этилиши масала моҳиятини янада чигаллаштириб юборган эди. Аммо уни ижобий ва салбий йўналишга ажратиб бўлмайди. Ахлоқий идеал доимо умумбашарий мафаатлар, тараққиёт нуқтаи назаридан одамзодни юксак маънавиятга чорлаб келган эзгу тушунча, образ, тасаввур, мукаммалликни акс эттирувчи жабҳадир.

Ахлоқий идеал моҳияти, хусусиятлари ва аҳамияти XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин файласуфлар, психолог ва педагоглар диққатини тобора ўзига жалб эта бошлади. Бугунги кунагача ахлоқий идеал ҳақида олиб борилган тадқиқотларда бу муаммо, асосан, мафкуравий тамойиллар билан боғлаб тадқиқ этилди. Собиқ иттифоқ миқёсида ва бир қатор давлатларда ахлоқий идеалга доир илмий изланишлар пайдо бўлди. Жумладан, С.Ф.Анисимов, Л.М. Архангельский, Г.Д.Банзеладзе, В.В.Борzych, Ф.Бректано, В.Г.Ганжин, Б.Т.Григорьян, Е.Громов, А.А.Гусейнов, В.Е.Давидович, О.Г.Дробницкий, Е.Л.Дубко, Д.И.Дубровский, П.В.Заваднова, А.А.Ивин, С.Н.Иконникова, Э.В.Ильенковларнинг тадқиқотларида ахлоқ фалсафасининг умумназарий масалалари сирасида

ахлоқий идеал, унинг фалсафий моҳияти ҳақида рационал қарашлар мавжуд бўлса-да, уларнинг аксариятида даврнинг мафкуравий руҳи сезилиб туради.

Бу даврда яратилган фалсафий энциклопедияда ахлоқий идеалга қуйидагича таъриф берилган: «Ахлоқий идеал-одамларнинг тарихан муайян ҳаётий мақсадни тушунишни ифодаловчи инсоний хулқ-атвор ва муносабатларнинг муштарак қоидаси ҳақидаги тасаввур». Мазкур таърифда аввало, одамларнинг тарихан муайян ҳаётий мақсади, шубҳасиз, коммунистик жамиятни қуриш деб тушунилган. Қолаверса, иккинчидан, бу мақсадни тушуниб етган одамлар онгида муштарак коммунистик ахлоқий қоидаларни шакллантириш кўзда тутилган.

“Совет энциклопедик луғати”да ахлоқий идеал қуйидагича тавсифланади: «оддий расм-русум ёки анъанлардан фарқли ўлароқ ахлоқий қоидалар яхшилик ва ёмонлик, зарурият, адолат ва ҳақозо идеаллар шаклида ғоявий асосланади». Мазкур таърифда ҳам ахлоқий идеалда миллий, умумбашарий ва индивидуал жиҳатлар эътиборга олинмаган. Бундан ташқари, ахлоқий идеалда «жамоа манфаатлари» тушунчаси халқ, Ватан манфаатларидан тор бўлгани ва жамоа манфаатлари айрим партия, ижтимоий ҳаракат аъзолари, синфий ва ташкилий гуруҳ вакиллари бўлиши мумкинлигини эътиборга олсак, ахлоқий идеалнинг умумметодологик фалсафий моҳиятидан анча йироқлашади. Масалан, диний экстремистик жамоа бўлиши ва жамоанинг мақсади ва орзуси ҳаётий ахлоқий идеалга мос бўлмаслиги муқаррар. Бинобарин, ахлоқий идеални шахс, миллат ва жамиятнинг мукамаллик, яхшилик, покдомонлик ва инсонийлашув сари қорловчи орзу, мақсад, ғоя, тасаввур, жисмоний ва интеллектуал фаолиятнинг ижодий ўрнатмалари, даражаси сифатида тушуниш керак.

Ахлоқий идеал борасидаги мавжуд мулоҳазалар орасида А.Қодировнинг қарашлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Файласуф О.П. Целикова, Л.И. Рувинский, В.В.Борзыхларнинг ахлоқий идеал шаклланишида ёки сиёсий омиллар, ёки ҳис-туйғулар асосий ўрин тутаяди, деган қарашларини танқидий ўрганиб, қуйидаги фикрни илгари сураяди. «Турли ҳодисаларнинг инсон онгидаги идеалга таъсири ҳақида гап кетганда

ахлоқий фаолият тафаккур ва туйғулар бирлигини тақозо этишини унутмаслик керак. Гносеологик нуқтаи назарда инсон ахлоқий идеалларга ҳис-туйғу ва тафаккур ёрдамида ижтимоий воқеликка маънавий тажриба орқали муйян назарий андаза сифатида муносабатда бўлади. Шунинг учун фақат сиёсий ёки эмоционал жараёнларга уларни бир-биридан ажратган ҳолда урғу бермаслик керак. Ахлоқий тажриба шундан далолат берадики, баъзи одамлар умумэътироф этилган нормаларга тескари иш тутишади, улар учун ахлоқий меъёрлар уларнинг индивидуал фаолиятларига нисбатан шунчаки оғзаки ва бетаъсир «жамият садоси» бўлиб қолаверади». Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, субъект маънавиятида шаклланадиган ахлоқий идеал унинг жамиятда ўзини тутиш учун машқ қилинган кўр-кўрона ахлоқ-одоб эмас, балки шахс хатти-ҳаракати ва фаолият салоҳиятининг эътиқод даражасида тафаккур мулкига айланишидир.

Ижтимоий-тарихий тажрибадан ўтиб, шаклланган, маънавий юксакликни акс эттирувчи ахлоқий идеал ўтмиш ижобий намуналарини танлаш натижасидир. «Маънавиятга нисбатан умумий бўлган ижтимоий баҳолар, меъёрлар, мўлжаллар, идеаллар мажмуи сифатида, урф-одатлар ва қабул қилинган, расм-русумлар ҳамда кишилар ўртасидаги мафкуравий муносабатлар, яъни маънавий маданият ва маънавий муҳит сифатида бошқа ижтимоий муносабатларга, алоҳида шахслар ва гуруҳлар хулқ-атворида, фаолиятига чеклаш ёки рағбатлаш, ундаш орқали таъсир кўрсатади». Ана шундай диалектик уйғунликни ташкил этувчи ахлоқий идеал тушунчасини А.К. Қодиров комплекс муаммо сифатида тадқиқ этади. «Чунки идеал, бурч, эзгулик ва ор-номус сингари ахлоқий категориялар ижтимоий онгнинг бошқа жабҳаларисиз (сиёсат, ҳуқуқ, санъат, фан ва бошқалар) шаклланмайди. Ҳар бир ижтимоий онг шакллари ўз таъсир ва имконият доирасида ўзаро диалектик алоқадорликда бўлади».

Шу билан бирга, идеал, хусусан, ахлоқий идеал ижтимоий онг шакллари билан диалектик алоқадорликда бўлади, дейиш шахс, миллат ва жамият ахлоқий идеаллари фақат ижтимоий турмушнинг инъикоси тарзида юзага келишини билдирмайди. Марксча мафкура намоёндаларининг

хатоларидан бири шунда эдики, ижтимоий онг шакллари ижтимоий турмушнинг инъикоси тарзида тарғиб қилинди, шахс, миллат ва башарият онгининг ижодий имконият даражаси, мустақил яратувчилик салоҳияти инобатга олинмади.

Ижтимоий идеал шахс ахлоқий идеали йўналишини белгиласа, шахс идеали ижтимоий идеалнинг моддийлашув ва маънавий-ахлоқий қадриятга айланишини таъминлайди. Бу жараён фалсафий сабаб ва оқибат натижаларининг ўзаро диалектик боғлиқлигига ёрқин мисол бўла олади. Шу ўринда айрим тадқиқотларда идеал тизимини таҳлил қилишда янглишиш ҳолатлари кузатилади. Идеалларни алоҳида-алоҳида тавсифлаганда «ижтимоий идеал», «ижтимоий-сиёсий идеал», «ижтимоий-ахлоқий идеал» тарзида тавсифлаб, диний ва эстетик идеалларга келганда ижтимоий сўзи тушиб қолади. (Масалан «ижтимоий-диний идеал», «ижтимоий эстетик идеал» тарзида) Бизнингча, барча идеаллар ижтимоий хусусиятига эга бўлгани учун уларни тўғридан-тўғри ўз номлари билан аташ мақсадга мувофиқдир. Чунки «Ижтимоий-ахлоқий идеал» ва «Ахлоқий идеал» категориялари икки жабҳани англатиб қолади.

Шунинг учун идеал тушунчасини тавсифлаганда миллат, жамият тақдирини белгиловчи «ижтимоий идеал» ва шахс маънавий–ахлоқий қиёфасини тавсифлашда «ахлоқий идеал» тушунчаларини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Ахлоқий идеал одамзодни бирлаштирувчи, яхшилик ва эзгулик уруғини бутун дунёга ёйишга тайёр ва қодир, ёмонлик йўлига ғов бўлувчи шахс, миллат бўлиб шаклланишига ёрдам берадиган тилак ва намунанинг тимсолидир. Демак, ахлоқий идеал одамзоднинг ижтимоий субъект сифатида ўзини ўзи англаш, бахт излаш, бошқалар билан муносабатларини тартибга келтириш йўлида яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, эзгулик ва олижаноблик, меҳнатсеварлик ва мардлик ва ҳақозо фазилатлар тўғрисидаги ғоя, тимсолнинг инсон онгида юксак маънавий қадрият тарзида шаклланишидир.

Ахлоқий идеал тафаккур ва ҳис туйғулар бирлигидан ташкил топадиган мураккаб тушунча экан, яна бир бор А.Қ. Қодировнинг бу

«комплекс муаммо», деган фикрига мурожаат қилишга тўғри келади. Чунки ахлоқий идеалнинг ҳар бир қирраси иккинчи идеал шакли билан диалектик алоқадорликда амал қиладики, баъзан ана шу алоҳида белгиларни мутлақлаштириш ва идеаллаштириш даражасига ҳам бориб қолиш мумкин. Ҳатто бирор шахснинг тасодифий хатти-ҳаракати, намуна бўладиган хулқ-атвори, келажакдаги мақсад ёки фаолиятнинг образи, тимсоли ва тасаввури мукаммал деб қабул қилиниши мумкин Бундай шароитда ахлоқий идеалнинг индивидуал намоён бўлиши ахлоқий қонун-қоидаларни инсон томонидан танлаш, баҳолаш имконияти ва эҳтиёжига эга эканидан далолатдир.

Ахлоқий идеал онг ва қалб бирлигидан ташкил топгани сабабли онгли интилиш қалб томонидан қабул қилинмаса, инсон ахлоқий идеалида уйғунлик, барқарорлик бўлмайди. Шу билан бирга ахлоқий идеал фақат индивидуал қалб ва онг маҳсули бўлиб қолавермайди. Чунки ахлоқий идеал инсон маънавиятининг барча қатлам ва хусусиятлари билан боғлиқ бўлгани учун, албатта, тарихан ташкил топган, миллий ҳаёт ва анъаналар, миллат ва умумбашарий тафаккур тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик, ўз навбатида, ахлоқий идеалнинг ҳаётийлик, ижтимоий ёки индивидуал моҳиятини белгилайди. Шунинг учун ахлоқий идеалда индивидуал миллий ва умумбашарий ахлоқий қадриятлар ўзининг туташ нуктасида кесишади ва ахлоқий идеал ижтимоий-фалсафий моҳият касб этади.

XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган илмий тадқиқотларда асосан ахлоқий идеалнинг ички тизимига кам эътибор қаратилиб, кўпроқ унинг ижтимоий идеал билан алоқадорлиги назарда тутилган. Ахлоқий идеал ижтимоий идеал мазмуни ва мақсадларини рўёбга чиқаришнинг омили сифатида, воқеликнинг бевосита акс-садоси сифатида тадқиқ этилган.

Е.Л. Дубко, В.А. Титовлар ёзадилар: «Гарчи биз баъзан «ёлғон идеал», «утопик идеал» деб гапирсак ҳам, ахлоқий идеал ҳам ҳаёл эмас. Ахлоқий идеалнинг турли хиллари мавжуд; конкрет ижтимоий тажриба, одамлар манфаати, тарихий вазиятларга акс садо берувчи. Бу маънода идеал «мавжудлиги» объективдир». Бу жумланинг асосий йўналиши ахлоқий идеалнинг турли хилларини кўрсатиш эмас, балки ахлоқий идеалнинг

воқеликдаги ижтимоий тажриба, одамлар манфаати ва тарихий вазиятларнинг «акс садоси» сифатида таъкидлашдир. Гап ахлоқий идеал ўз ички тизими, жамиятда одамлар онги ва фаолиятида яшаш йўллари, хусусиятларига эга сифатида эмас, балки ижтимоий идеалнинг ажралмас қисми сифати идрок этилган. Муаллифларнинг фикридан ахлоқий идеал идеал ғоя тарзида моддийлашгандан кейингина, яъни одамлар ҳатти-ҳаракатида намоён бўлгач, ижтимоий аҳамият касб этади, деган хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, уларнинг бошқа рисолаларида коммунистик мафкурага асосланган ҳолда ахлоқий идеал тизимини қуйидагича талқин этадилар: «Ахлоқий муносабатлар тизимидаги маданият ва ҳуқ-атворда турғун ифодаланадиган ахлоқий қадриятлар бирлиги; шахс, жамоат, гуруҳ, синфнинг ахлоқий нуқтаи назари; танлаш ва ахлоқий вазиятларнинг типик жиҳатлари; ахлоқий тажриба ва ахборот узатиш йўллари; жамоат фикрига таъсир этувчи ахлоқий иерархия ва ҳукмрон ахлоқий қонун қоидаларни тартибга солишни маъқулловчи тизим». Муаллифлар бундай тизим ахлоқий идеалнинг ҳаётда моддийлашув ва ахлоқий муносабатлар динамикасини белгиловчи омиллар эканлигини ва провард оқибатда ижтимоий қадрият сифатида аҳамият касб этишини таъкидлайдилар.

3-савол. Ахлоқий идеал ички тизми ва унинг субстанционал асослари. Ушбу масала бевосита ҳозирги пайтда ахлоқий идеал тизимини шакллантириш билан боғлиқ эканлигига эътиборни қаратмоқ керак. Ва бунда қандай олимлар асосий роль ўйнашлигини яхши билиб олиши зарур.

Бизнинг фикримизча, ахлоқий идеалга берилган юқоридаги таърифлар ахлоқий идеалнинг ички тизимини бошидан охиригача маълум мафкура доирасида моддийлашувини кўрсатиш ҳамда тасдиқлашга қаратилган. Шунинг учун ахлоқий идеалнинг конкрет ва аниқ тизими ўрнига ижтимоий идеалларнинг барча турларига татбиқ этса бўладиган дастурга айланиб қолган.

Айрим тадқиқотчилар идеал турларини ижтимоий идеални конкретлаштирувчи омиллар тарзида ўрганадилар Масалан, С.В. Туманов

ижтимоий идеални бошқа идеалларнинг намоён бўлиш шакллари сифатида тадқиқ қилса, Д.И. Дубровский идеаллар ўртасидаги фарқни турли мафкуравий муносабатлардан излашни маъқул кўради. Бинобарин, унинг қарашича, «ахлоқий идеал мафкуравий муносабатлар истикболини, инсоний муносабатларни такомиллаштириш намунасини ифодалайди».

Илмий фаолиятда башорат, гипотезалар қанчалик ўз реал натижаларини бериш имкониятига эга бўлса, ахлоқий идеалда, ахлоқий муносабатлар ўзгача қонуниятга бўйсунди. Ахлоқий идеалнинг ўз реаллашув қонуниятлари, имконият ва хусусиятлари мавжуд. Илмий идеалда башорат илмий-назарий фикр тараққиёт тамойили сифатида амал қилса, ахлоқий идеалнинг тараққиёт йўлини кўриш ва белгилаш имконияти йўқ. Бу тамойил ҳар кимда ҳар хил ва турли шароитларда ахлоқий хулқ-атвор тимсоли, такомили сифатида намоён бўлади. Тафаккур мулки бўлган маънавий-ахлоқий идеалнинг ўлчови эса, илмдаги сингари реал, аниқ, экспериментал далиллар эмас, руҳий-эмоционал, образли тасаввурнинг мақсад ва ибрат сари йўналтирилган қиёфасидир.

XX аср файласуфи Э.Фромм инсон ахлоқи ва унинг идеалини янгича методология бўйича кўриб чиқиб шуни таъкидлайдики, «ахлоқ - яшаш санъати борасида комилликка эришиш учун зарур бўлган меъёрлар мажмуасидан иборат экан, ахлоқий тамойиллар ҳаёт табиатига, хусусан, инсоний мавжудлик табиатига мос келмоғи лозим». Юқоридагилардан шундай хулоса келадики, ахлоқий идеал шахсий, миллий ва умумбашарий бўлишидан қатъий назар, икки хил хусусиятга эга бўлиши лозим: биринчиси - ахлоқий идеалнинг моҳиятини ташкил этувчи яхшилик, бахт, адолат, муҳаббат, покдомонлик ҳақидаги тушунча, тасаввур ва намуналар миллий хусусиятлар билан индивидуал ҳолат қоришган ҳолда муайян барқарорликка даъво сифатида мавжуд бўлса, иккинчиси, воқеликнинг субъект онгидаги идеаллаштирилган образларини шахсий ва миллий эҳтиёжларни ифодаловчи воқелик сифатида ҳам ўзида акс эттиради. Бу нарса ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий шароит ва жамият иқтисодий-мафкуравий таъсирида бўлишини кўрсатади. Бу диалектик жараёнда фақат муайян ижтимоий

муносабатлар ахлоқий идеал мазмунини белгилайди, дейиш ахлоқий идеалнинг умумбашарий қадрият эканлигига путур етказди ва провардида уни турли ижтимоий гуруҳлар, кучлар, синфлар курашларига монанд ўзгариб турадиган ҳодисага айлантириб қўяди.

Инсон ўз ҳаёти давомида турли ижтимоий шарт-шароитларни бошидан кечиради, идеал сифатида қабул қилса бўладиган шахслар, фазилатлар билан тўқнашади. Реал тимсоллар доимо инсонга бевосита ҳис-ҳаяжонли таъсир этади. Бу тимсоллар ҳар хил: бирор шахс, бадиий асар қаҳрамони, гўзаллик сиймоси, ўтмиш аجدодларнинг буюк тимсоллари, уларга тақлид ва эргашиш ҳоллари ахлоқий идеалнинг мавҳум умумлашма тасаввурдан моддийлашув, «яшаш» тарзини белгилайди. Мана шундай тақлид ва эргашиш туфайли инсонда ахлоқий идеалга яқинлашиш, танлаш, интилиш, унга эришиш сингари баҳовий жараён шакллана бошлайди.

Шахс ҳаёт йўлидаги ибрат, тимсол ва намуналар оддий тақлид ва эргашиш ҳолатидан кўтарилиб унинг ҳақиқий ахлоқий идеалига айланиши учун туйғулар, ибрат, тафаккур танлаган тимсоллар ўзаро бирлашиб, шахс дунёқарашининг асосига айланиши зарур. Ана шундагина шахснинг ахлоқий идеали аниқ ва тўлиқ намоён бўлиб, унинг ҳаёт йўли ва мақсадини, шахс сифатидаги мавқеини ифодалайди. Шунинг учун бир давр, бир замон, бир гуруҳ шахсларнинг яшаш ва фаолият жараёнида кимнингдир ажралиб чиқиши ва ўз муҳитига сиғмай қолиши ахлоқий идеалдаги ажралиш оқибатидир. Бинобарин, ахлоқий идеални зўрлаб, тарғибот билан шакллантириб бўлмайди. У ижтимоий муҳит, миллий ва индивидуал ҳаёт тарзи, қобилият ва ақл-идрок, тарбия ва ахлоқий-диний туйғулар, тушунчалар бирлигидан ташкил топадиган шахсий, миллий ва умумбашарий маънавий қадриятдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-маънавий идеалларнинг ҳаётимизда ўрни билан боғлиқ муаммолар бўйича қатор илмий ишлар қилинди. Булар орасида фалсафа фанлари доктори С.С. Агзамходжаеванинг тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Олиманинг ижтимоий идеалларнинг маънавий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятига бағишланган

илмий изланишларида идеал, ижтимоий идеаллар ҳақида эътиборга молик фикр-мулоҳазалар, назарий умумлашмалар ўз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотимиз бевосита ахлоқий идеал ва унинг моҳияти, баркамол авлод маънавиятини шакллантиришдаги аҳамиятига бағишлангани учун биз муаллифнинг тадқиқотларига мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

С.С.Агзамходжаева ижтимоий идеални типологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни қуйидаги ички тизимларга ажратади: «Ижтимоий-сиёсий идеал; ижтимоий-ахлоқий идеал; бадий-эстетик идеал; мустақиллик (ижтимоий-миллий тараққиёт) идеали». Хусусан, муаллифнинг «Мустақиллик идеали» ҳақидаги мулоҳазалари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунончи, “Мустақиллик халқимиз, миллатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар ясаётган воқеликдир. Ижтимоий идеалимиз ушбу ўзгаришлар таъсирида, улар билан уйғунликда шаклланмоқда. Мустақиллик идеали янги ижтимоий воқелик сифатида онгимиздан, борлигимиздан жой олган; у ҳозир барча идеалларимизни реал ҳаётини заминга, реал муаммоларга қуришга имкон бермоқда» дейилади.

Мазкур фикрга қўшимча қилиб, айтишимиз мумкинки, мустақиллик идеали ҳали мустақил бўлмаган халқ ва мамлакатлар учун эркинлик, озодлик ҳақидаги истак, орзу, мақсад бўлиши мумкину, аммо мустақилликка эришилгач, у ўз “вазифаси” ни бажариб бўлади. Сиёсий, ахлоқий ва эстетик идеалларнинг эса тимсол, образ ва намуна сифатида “тўхташ” чегараси, вақти ва манзили кўринмайди. Улар доимий ҳаракат ва ижтимоий жараёнда янгича шаклланиб ва такомиллашиб бораверади. Мустақиллик орзуси, истагининг воқеликка айланишини сиёсий идеалнинг натижаси, моддийлашув жараёни сифатида олиб тадқиқ этиш ҳам мумкин. Шунингдек, идеал мустақиллик, эркинлик, озодлик каби орзудан реал воқеликка айланишини инобатга олсак, унда идеалга эҳтиёж қолмайди.

Мустақиллик шароитида бажарилиши зарур бўлган ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, эстетик мақсадларни ижтимоий-маънавий вазифалар билан боғлаб тадқиқ этиш илмий-методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Шу маънода,

балки муайян ижтимоий-тарихий давр билан боғлиқ, (масалан, Уйғониш даври, жаҳидчилар ҳаракати даври сингари) «Мустақилликни мустаҳкамлаш даври идеаллари» деб аташ ҳам мумкин.

Шунингдек, муаллиф ахлоқий идеалнинг «шарқона» деб ажратиб кўрсатган ўн бир қисмдан иборат ички тизимини тақдим этади. Бизнинг назаримизда, бугунги кунга келиб мазкур тизимнинг кўлами бир қадар кенгайди. Эндиликда ҳар қандай илмий классификация муайян илмий-назарий тамойиллар асосига қурилиши, шахснинг ахлоқий идеали миллат ва жамият маънавий қиёфасидан, ахлоқий идеалидан ташқарида шаклланмаслигини эътироф этиш зарур. Миллат ва жамиятнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий идеали ўзига хос тарзда индивидуал ва бетакрор шаклда намоён бўлади. Лекин инсон ахлоқий идеалини миллат ва жамият маънавий ҳаётининг барча шакл ва кўринишларининг ўзаро бирлигидан пайдо бўладиган тасаввур деб ҳам тушунмаслик керак. У ўзига хос ички тизим ва мантиққа эга бўлган, нисбий мустақиллик мақомига эга маънавий-ахлоқий жараёндир.

Одатда ахлоқий идеал ҳақида аниқ ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилишда унинг тизимли хусусиятига эътибор қаратилади. Айнан ана шу масалада аксарият тадқиқотчилар ахлоқий идеал тизимини ижтимоий, сиёсий ва маънавий тизимлар билан қориштириб юборадилар, ёки ахлоқий идеал ички тузулишини бошқа идеал тизимининг хусусиятларидан излайдилар. Бундай тақдирда ахлоқий идеал «ҳаракатлантирувчи кучи»ни аниқлаш тобора қийинлашиб боради. Масалан, кўпинча ахлоқий идеал тизимида «инсонпаварлик», «яхшилик», «эзгулик» сингари фазилатлар биринчи бўлиб таъкидланади. Бошқа идеал шакллари ички тизимига ушбу сифатлар ҳам амал қилади. Бизнинг фикримизча, ахлоқий идеал тизими шаклланишида қуйидаги бир-бирини тақозо этувчи омиллар асосий ролни ўйнайди:

– ахлоқий идеал биринчи навбатда, ота-она, оила ва унинг турмуш тарзи, маиший расм-русумлари, анъаналари таъсирида шаклланади;

– оилавий муҳитдаги диний-ахлоқий эътиқод ахлоқий идеал мазмунига муайян йўналиш касб этади.

– ахлоқий идеал инсон онги ва ҳис туйғуларининг тор ва кенглигига, чуқур ва саёзлигига монанд ҳолда қарор топади: бунда ҳис-ҳаяжонли идрок ва эҳтиёж ахлоқий идеал ёрқинлиги ва йўналишни белгилайди; табиат ва жамият ҳақидаги маълум кўникмалар асосида ахлоқий идеал танлаш, тақлид ва ихтиёрий интилиш, хоҳиш рағбати тарзида пайдо бўлади;

– инсоннинг ижодий фаолияти кенгайган сари ахлоқий идеал тизимида шахс, миллат ва жамиятнинг маданий-маънавий даражаси билан боғлиқ эҳтиёж, тасаввур, мақсадлар кучаяди; шунингдек, ахлоқий идеал шаклланишида шахснинг индивидуал ақл-заковати, қобилияти, характери, темпераменти ва иродаси катта аҳамиятга эга бўлади;

– билим, тажриба, анъана ва турли фаолиятларни бирлаштирувчи дунёқараш ахлоқий идеалнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Умумий тарзда назарий олинган омиллар ва бу асосда шаклланадиган тизим ҳар бир шахс, миллат ва жамият тараққиётининг турли давр ва босқичларида нисбий мустақилликка эга бўлади.

Ахлоқий идеал тизимида юқорида кўрсатилган омиллар орасида инсон тафаккурининг ривож, инсон онги ва унинг табиат, жамият ва инсон ҳақидаги бўлажак мақсад ва вазифалар ҳақидаги билим катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ахлоқий идеал тизимида инсон руҳиятини белгиловчи хотира, билган, кўрган, ҳис қилинган билимгина эмас, балки билиши мумкин бўлган ва инсонни унга томон қорловчи, рағбатлантирувчи ички маънавий-ахлоқий куч сифатида ҳам амал қилади.

Бу диалектик жараёнда индивидуал шахс қиёфасида ақл-идрокнинг, миллат миқёсида миллий-маънавий тажриба ва анъаналарнинг, мамлакат миқёсида миллий ғоя ва мафкуравий дунёқарашнинг аҳамияти юксак. Чунки худди ана шу омиллар (ақл-идрок, маънавий мерос, дунёқараш) инсон онги ва тасаввурида ахлоқий идеалга интилиш ва уни топишга бўлган ижодий жараёнларга сабабчи бўлади. Демак, ахлоқий идеал муайян шароит, эришилган билим ёки амалдаги анъаналардан қониқмаган ҳолда янада яхшироқ, мукамалроқ тимсол, намуна ва ғоялар сари интилиш рамзи бўлиб кўзга ташланади. Инсон интеллекти, миллат эҳтиёжи ва мақсади,

жамиятнинг бош ижтимоий-сиёсий ғояси ахлоқий идеал мазмун-моҳиятини белгиловчи бош омил ҳисобланади. Шахс, миллат ва жамиятнинг манфаат ва қизиқишларининг муштараклиги ахлоқий идеалнинг миллий ва умумбашарий қатламларида уйғунлашади ва муайян, аниқ мақсадларни кўзда тутади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ахлоқий идеал ва унинг ички тизимли тушунча эканлигини назарда тутиб шуни таъкидлаш мумкинки, **ахлоқий идеал гносеологик жиҳатдан одам ва олам муносабатлари асосида, муайян элат, халқ, миллат турмуш тарзи сифатида инсоният тафаккурида шаклланадиган ибратли, етуклик меъзонида даъвогар бўла оладиган хулқ-атвор ва олижаноб инсоний муносабатлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурдир.**

Ахлоқий идеал талаблари асосида етуклик рамзи ижтимоий-тарихий кўриниш олади. Яъни комил инсон ғояси аслида ана шу ахлоқий идеал талаби асосида келиб чиққандир. Комил инсон, етук инсон, баркамол авлод, ахлоқий идеалнинг тимсоллари, рамзлари, намуналари сифатида таркиб топиб бораверади. Улар ижтимоий-тарихий жиҳатдан чекланган бўлса-да, ахлоқий идеал бундан мустаснодир;

Ахлоқий идеал инсон маънавиятининг барча қатлам ва хусусиятлари билан боғлиқ бўлгани учун, албатта, тарихан ташкил топиб, миллий ҳаёт ва анъаналар, миллат ва умумбашарий тафаккур тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлади. У шахснинг диний, миллий, индивидуал хусусиятлари муштараклигида ахлоқий юксаклик сари чорлайди;

Баркамол авлод тарбиясида юксак маънавият талаблари асосида ўзига хос миллий ва умуминсоний ахлоқий идеал тизимининг яратилиши глобаллашув шароитида жуда зарурдир. Ахлоқий идеалнинг юксак тамойиллари талаблари асосида тимсолли, намуна, ибратли, ўрнатқуч бўладиган юксак маънавий-ахлоқий тизимининг яратилиши ҳозирги «Оммавий маданият» сингари бало-қазодан сақланиб қолиш кафолатидир.

Асосий адабиётлар:

1. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
2. Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.
3. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати.- Тошкент: Маънавият, 2001
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
5. Фалсафа. Энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010.
6. Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004.
7. Чориев А. Инсон фалсафаси. II Мустақил шахс. Тошкент: Chnор ENK, 2002.

Қўшимча адабиётлар:

8. Дубровский Д.И. Проблема идеального. Субъективная реальность. – М.: Канон, 2002. – 72 с
9. Никитина Н.Н. Духовно-практическая природа идеала личности. Автореф. дисс. кан. философ. наук. Екатеринбург. – 1992-С.6
10. Иконникова С. Нравственный идеал. Философская энциклопедия. В 2 т-х. – М.: 1962. Т.2. – С.202.
11. Кадиров А.К. Деятельност. Познание. Нравственный идеал. – Ташкент: Фан, 1989. – 80 с.
12. Эркаев. А. Миллий ғоя ва маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.77.
13. Дубко Е.Л., Титов В.А. Идеал, справедливость, счастье. – М.: МГУ, 1989. – С.9.
14. Методология этических исследований. – М.: Мысл, 1982 – С.10.
15. Туманов С. В. Общественный идеал: диалектика развития. – М.: Теист, 1999. – 47 с
16. Фромм.Э. Человек для себя. – Минск, Харвест, 2004. С.33
17. Қабулниёзова Г. Мутафаккирлар Ф. Ницше ва А. Бергсоннинг ҳаёт фалсафасида инсон муаммоси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – 13- б.

Семинар машғулотида муҳокама қилинаётган асосий саволлар ва уларга мустақил тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар:

1. Ахлоқий идеалнинг ижтимоий фалсафий моҳияти нимада?
2. Ижтимоий идеал ва ахлоқий идеалларнинг ўзаро фарқини кўрсатинг?
3. Маънавий идеал ва ахлоқий идеални фарқи ва ўхшашлигини кўрсатинг?
4. Салбий ахлоқий идеал бўлиши мумкинми?

Мавзуни мустақил ўрганиш бўйича рефератлар, эсселар мавзулари:

1. Ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий кўринишларини
2. Ахлоқий идеал олижаноблик, бахт, адолат, эзгулик тушунчаларини бирлиги
3. Эстетик ва ахлоқий идеалнинг шахс маънавий борлигидаги нисбати

3-мавзу: Ахлоқий идеалнинг диний идеаллар билан ўзаро муносабати. (4 соат маъруза, 4 соат семинар)

1. Маънавият, идеал ва дунёқараш тушунчаларининг инсон ҳаётини белгиловчи роли
2. Трансцендент идеал тушунчасини илоҳий тимсоли сифатида
3. Зардуштийлик дини муқаддас китоби Авестода ахлоқий идеал масалаларини ёритилиши
4. Ислом динида ахлоқий идеал муаммоси

1-савол. Маънавият, идеал ва дунёқараш тушунчаларининг инсон ҳаётини белгиловчи роли. Мазкур саволнинг моҳиятини ўзлаштиришда “маънавият”, “дунёқараш” тушунчалари таянч атама – калит сўз вазифасини ўтайди. Шунинг учун магистр ана шу тушунчаларнинг фалсафий мазмун-моҳиятини яхши билиши лозим.

Жамиятни модернизациялаш шароитида шахс маънавий дунёсини шакллантириш ва уни идеалларини миллий ғоянинг асосий тамойиллари орқали назорат қилиш жараёни кишиларнинг муайян гипотетик ғоялар, андозалар ва тамойилларга эргашишида намоён бўлади. Маълумки, дунёқараш бу олам ва одам муносабати, унда инсоннинг тутган ўрнига, инсонни қуршаб турган воқеликка, бир-бирларига ва ўзларига бўлган муносабатлари ҳақидаги қарашлари тизими ҳамда уларнинг шу қарашлардан келиб чиқадиган асосий ҳаётий нуқтаи назарлари, қатъий ишончлари, идеаллари, билим ва фаолият йўналишлари ҳамда муайян қадриятларни танлашларидан иборат мазмунни қамраб олувчи тушунчадир. Дунёқараш фақатгина онг мазмунига тегишли тушунча эмас, балки у инсон ва жамият ҳаётий фаолияти тарзини белгилайдиган бош конун-қоидалар ҳамдир. “Шу

нуқтаи назардан қаралганда, дейди Ш.Қаххорова – ҳаётнинг туб маъно ва мақсадини белгилайдиган идеаллар дунёқаршнинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этади”. Инсон ўзини қўршаб турган дунё ҳақидаги тасаввурларидан, социум талаблари ва миллий тарбиядан келиб чиқиб ўз олдига муайян ҳаётӣй мақсадларни қўяди ва уларни амалга ошириш режалари тузади, шу йўлда тегишли идеалларни шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида, дунёқарашга амалий куч-қувват бағишлайди.

Ижтимоӣй онг мазмунининг инсон дунёқарашига айланиши учун инсонда имон, эътиқод шаклланиши, яъни инсонда ўз танлаган ғояларининг мутлақ тўғрилигига шубҳа қолмаслиги кекрак. Шунда дунёқарашни маънавият (ёки эътиқод) деб аташ мумкин бўлади. Айни шунда дунёқараш жуда катта амалий ҳаётӣй аҳамият касб этади. Зеро, айни маънавият инсон ҳатти-ҳаракат нормаларига, унинг меҳнатга, бошқа инсонларга бўлган муносабатларига, ҳаётӣй интилишларига, турмуш тарзига, дид ва манфаатларининг характериға таъсир этади. Маънавий эътиқод ўлим хавфи туғилган пайтда инсонға тириклик учун кураш инстинктини енгиб чиқишға, ўз ҳаётидан воз кечиб кечиб бўлса ҳамки, эзгу идеаллар йўлида қаҳрамонларча жасорат кўрсатишиға ёрдам беради. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари айни шундай маънавий жасорат соҳиблари шаклланишини кўзда тутган билан алоҳида диққатға сазовордир.

Кишилар ўзини маънавий-ижтимоӣй куч эканлигини маълум бир қарашлар, ғоялар атрофида бирлашиб намоён қилиши мумкинлигини қадимдаёқ англаб етганлар. Ўзбекистонда ана шундай ғоя миллий истиқлол ғояси ҳисобланади. Айнан ушбу ғоя атрофида бугун Ўзбекистон халқлари бирлашмоқда ва уни ўз идеалиға айлантиришға интилмоқда. Шу боис стратегик мақсаднинг умумийлиги ва тактик вазифанинг айнанлиги маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёнини миллий истиқлол ғояси билан бирлаштиради. Бироқ, айтиш керакки, маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёни билан миллий истиқлол ғояси бир хил воқелик эмас. Маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёни қанчалик кенг, серқирра ва

инсон, жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ бўлмасин, у миллий ғояда белгилаб берилган проектив фикрларга, мафкуравий ғояларга асорсланади. Демак, миллий ғоя маънавий юксалиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

Жамиятни демократлаштириш даврида маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёни халққа, миллатга оид рамзлар орқали ҳам ўз хусусиятини намоён қилади. Тадқиқотчи М.А.Нурматова рамзларнинг ахлоқий-эстетик мазмуни ва ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб айтадики, “Давлат рамzlари – миллий эстетик қадрият. Булар - мустақиллик шароитида янгидан вужудга келган миллий эстетик қадриятлардир. Ўзбек халқи мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг миллий давлат рамzlари – байроқ, герб ва мадҳиясига эга бўлди. Бу рамzlарнинг сиёсий, ахлоқий ва эстетик аҳамияти шундаки, биринчидан, Ўзбекистон жаҳон халқлари орасида мустақил халқ сифатида ўз давлатчилигига эга бўлди, иккинчидан, бу рамzlар халқимиз учун янги эстетик манба сифатида гўзаллик, улуғворлик ва эркинлик тимсолига айланди.”

Айтиш мумкинки, дунёда ўзининг муайян рамzlарига эга бўлмаган бирорта ҳам давлат йўқ. Айнан рамzlар кишиларни бир-бирига яқинлашини тезлаштиради, улардаги умумийликни намоён этади. Рамzlар воситасида халқ ва миллатнинг нафақат тарихий-маданий анъаналарга муносабатини, шу билан бирга маънавий ўзлигини ҳам тасаввур қилиш мумкин. Рамzlарни ҳар бир соҳада, ҳар бир хатти-ҳаракатда, ҳар бир муносабатда учратиш мумкин. Бироқ муайян халқ, миллатга хос туб рамzlлар ҳам борки, уларни бошқа этносларникидан адашмай фарқлаш мумкин.

Таъкидлаш зарурки, рамzlарнинг кўп бўлиши тарихий-маданий тажрибанинг юксаклигидан ва ранг-баранглигидан далолат беради. Бу эса бошқа халқлар ва миллат рамzlари билан интеграциялашувига асос яратади ҳамда уларни кўпмиллатли ижтимоий маконда ижобий рол ўйнашини таъминлайди. Агар халқ ёки миллатнинг қадриятида рамzlар камчиликни ташкил қилса пировардида улар ўртасида масофа, бир-биридан фарқланиш юзага келади. Ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқ трансформацияга

учрамайдиган рамзлар догматик кўриниш касб этади ва улар ҳар қандай ўзгаришни ўзига (халқ, миллатга) нисбатан тажовуз деб қабул қилади. Бу эса халқларнинг, миллатларнинг бир-биридан узоқлашишига, ўзини бошқалардан фарқлаб “этник номунофиқлик”ни келтириб чиқаради.

Илм эътиқоднинг мазмунини ташкил қилади. Зотан, инсон нимага эътиқод қилаётганини, нимага ишонаётганини, нимага интилаётганини, хулқ-атвори ва ижодини нимага мослаштириши зарурлигини билиш лозим. Бу илм диний ёки дунёвий ёхуд уларнинг муайян даражадаги қоришиғи бўладими бундан қатъи назар, у эътиқоднинг кенг маънодаги ҳаётий мазмунини ташкил этади. Зеро, илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Айнан рационал эътиқодга эга киши маънавиятни дин, иррационал билан чеклаб қўймасликка интилади ва унинг негизида ижтимоий ҳаёт қўяётган муаммолар мавжудлигини тўғри англайди.

2-савол. Трансцендент идеал тимсол сифатида. Магистр мазкур масалани ўрганишда И.Кантнинг трансцендент, априор, билиш ҳақидаги концепциясини яхши билиши ва унга таяниши зарур. Илоҳий трансцендент¹нинг ахлоқий идеал билан боғлиқ ижтимоий воқелик экани ҳақида илк бор немис классик файласуфи И.Кант фикр юритган эди. Унинг фикрига кўра, агар олам жонсиз ёки жонли, аммо онгсиз мавжудотлардан иборат бўлганида унинг (оламнинг) яратилишида ҳеч қандай мақсад қолмасди. Телеология оламнинг яратилишида илоҳий мақсад бор деб билади, айнан ушбу мақсад худонинг борлигини исботлайди. Жамиятда амал қилинадиган ахлоқий-маънавий қонун аслида юқоридаги ”идеал мақсад”нинг борлигидан келиб чиқади, чунки худо оламни яратаётганида маълум бир мақсадни назарда тутган. Ушбу илоҳий мақсад ўз навбатида ахлоқий-маънавий қонунларни ҳам тан олишни, аниқроғи трансцендентни идеал сифатида қарашни келтириб чиқаради.

¹ Трансцендент (лот.transcendentis – босиб ўтиш, чегарадан чикиб кетиш) – баъзи бир фалсафий таълимотларда учрайдиган тушунчалар. Турли хил ғайритабиий нарсаларни ифодалаш учун ишлатилган (трансценденталлар 16-асрда пайдо бўлган). Трансцендент тушунчасидан И.Кант онг ва билиш чегарасидан ташқарида ётган нарсаларни – “наrsa ўзида” олами ни ифодалаш учун фойдаланади

И.Кант, нарса "ўзи-ўзида" ва ҳар томонлама боғлиқ, деб билади. Ушбу боғлиқликда нарсанинг ўз ҳолича мавжудлиги ва умум билан мавжудлиги аён бўлади. Нарсаларнинг умумийлиги асосида "трансцендент" ётади. "Бу инсон ақли англаб ета оладиган ягона ҳақиқий идеал"дир. Файласуфнинг таъкидлашича, ушбу идеал комилликнинг, етукликнинг илк образи (субстанцияга) киши унга интилади, у орқали баркамол бўлишга талпинади, "аммо у билан бир поғонада бўлолмайди".

Худо, илоҳий борлиқнинг мавжудлиги антик даврдан бери қайд этиб, турли йўналишда таҳлил этиб келинаётган бўлса-да, уни маънавий-ахлоқий идеал сифатида тадқиқ этиш шу кунгача амалга оширилмаган. Худо, Аллоҳ, Яратган ҳақида турли илмий-назарий, спиритуалистик ва ахлоқий қарашлар баён қилинган, гоҳо бир-биридан фарқ қилувчи таълимотлар илгари сурилган. Ушбу қарашлардаги гносеологик изланишлар қимматини рад этмаган ҳолда шуни айтишимиз зарурки, худони маънавий-ахлоқий идеал сифатида талқин этиш илмий-назарий концепциямиз моҳиятидан келиб чиқади. "Инсон ўз образига монанд, худди жуда қадим замонлардагидек, худони яратади. Энг муҳими эса ушбу инсон образи ва унга монанддир. Худо образи ва Унга монандга яқинлашсин". Демак, муаммо ким кимни яратганида эмас, балки ким кимга эргашиши кераклигидадир. Худонинг ижтимоий-маънавий-ахлоқий идеаллиги ҳам аслида шундадир.

Н.А.Бердяевнинг фикрига кўра, Худо ё хўжайин, шох, ота – ижтимоий образлар, ёки ҳаёт, ёруғлик, рух, ҳақиқат, олов қуввати – илоҳий образлар сифатида қаралади. Худо табиий ва ижтимоий реаллик эмас, "Худо Рухдир, Худо Эркинлик ва Муҳаббатдир. У Рухнинг ижодида ўзини тўла намоён этади, Рухнинг ижодида Худо ўзини рўёбга чиқаради". Ушбу фундаментал аҳамиятга эга фикрлар Худони қуйидаги амаллари туфайли ахлоқий идеалнинг тимсоли сифатида қараш имконини беради:

1. Худо оламни етук, мукамал қилиб яратган.
2. Худо оламни инсон учун эзгуликка тўлдирди.
3. Инсон худонинг эзгу ниятларини ерда қарор топтириш учун яратилган.
4. Инсон эркин яшаш учун яратилган.

5. Ижодкор руҳ инсон орқали илоҳий муҳит, етук ижтимоий борлиқ яратади.
6. Инсон орқали абадиёт ва нариги дунё ақидаси яратилади.
7. Ўзини ва оламни қутқариш инсоннинг маънавий камолотига боғлиқ.

Деярли барча дин ва мифологияда оламнинг яратилиши ҳақида фикрлар мавжуд. Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистон мифологиясида оламнинг яратилиши мавҳум қолади. Масалан, ҳинд мифларида ”аввал ҳеч нима, сувдан ташқари бўлмаган”. Сувлар оловни яратадилар, кучли иссиқликдан Олтин Тухум, бир йил ўтгач, ушбу тухумдан илоҳ – Брахма пайдо бўлди, дейилади. Бу ўринда оламнинг яратилиши тасодифий, англалмаган ҳол эканини кўрамиз. Аммо ”Авесто”да оламнинг яратилиши англаган ҳол сифатида қайд этилади. Профессор Т.Маҳмудовнинг қайд этишича, ”Зардуштийлик динининг марказида ҳам жисмоний ва руҳий оламнинг яратилиши ётади. ”Бир қасидада пайғамбар Зардушт сўрайди: ”Ким ойнинг ҳам чиқиб, ҳам сўнишини яратган? Ким шамол тезлигини булутлар билан қовуштирган? Қайси мусаввир нур ва зулматни, туш ва бедорликни яратган? Ким эрталаб, тушки пайт ва кечага итоат этувчининг руҳини бошқаради? Ким отанинг юрагига ўғил кўриш орзусини солган?

Бунинг ҳаммасини Ахура-Мазда бунёд этган. Уни ўзи ўз руҳидан, одамни жонли, онгли, ўзини ўзи англатувчи қилиб яратган” кейинчалик ”Инжил”да олам худонинг Иродаси, Идроки ва Муҳаббати билан англаган ҳолда яратилгани таъкидланади. Демак, антик даврдаёқ оламнинг яратилишида илоҳий кучнинг эзгу ниятлари, иродаси, муҳаббати мавжудлиги тан олинган. Худо оламни бекаму кўст, етук, ўз муҳаббатига, эзгу ниятларига мос тарзда яратган. А.Меннинг ёзишича, ”Инжил космогенезни қуйидан тепага, ноорганикдан инсонга ўсишини тасвирлайди”.

Жаҳон динлари – буддавийлик, насронийлик ва исломнинг шаклланиши, тарқалиши билан олам худонинг англаган фаолияти, иродаси ва муҳаббати экани кенг қайд этиладиган бўлди. Етуклик, мукаммаллик худонинг сифати, у яратган олам ҳам етукдир, мукаммалдир.

Илмий доираларда худонинг ушбу сифати турли баҳсларга, тортишувларга сабаб бўлиб келади. Агар оламни худо яратган бўлса, унинг

нияти эзгулик, муҳаббат бўлса, ёвузлик, зўравонлик, қаҳр каби иллатлар, ўлим, табоҳлик, офатлар қаердан пайдо бўлган? Н.А.Бердяев ушбу саволга жавоб бериб ёзади: "Худо эрк ва муҳаббатда, ҳақу ҳақиқат ва гўзалликда мавжуддир. У зўравонлик ва ёлғон олдида судья ёки жазоловчи сифатида эмас, балки баҳо сифатида, виждон сифатида қатнашади. Худо шундай Зотки, дунёнинг қаҳру ғазабидан, манфурлигидан ва ваҳшатларидан қочиб Унда яшириниш мумкин". Тўғри, бу ўринда файласуф "зўравонликка қаршилик кўрсатмаслик" принципига мойилдир, у шахснинг руҳий-маънавий оламини кураш орқали эмас, балки ички рефлексия сифатида ўзгартиришни кўзлайди. Насронийликда "бир чеккангга урса, иккинчи чеккангни ҳам тут" деган даъват мавжуд, Н.А.Бердяев ушбу тамойилдан келиб чиққан. Агар кучга куч қарши қўйилса антагонизм кучаяди, оламдаги яхлитлик, етуклик, мукаммаллик бузилади. Минг афсуски, ижтимоий ҳаётда ушбу принциплар амал қилавермайди ва зарур натижаларга олиб келмайди. Инсоният юқоридаги илоҳий тамойиллар ўрнига қонун, ҳуқуқ, ахлоқ, бошқариш каби ижтимоий назоратларни барқарор воқеликка, ҳаёт тарзига, тараққиёт шартига айлантиришга интилоқда. Лекин динлардаги худо оламини етук, мукаммал яратган деган ғоя инсоният мавжудлигининг бош тамойили бўлиб қолмоқда. Ушбу етукликни, мукаммалликни бузиш, айниқса инсон эҳтиёжини оламнинг мавжудлик, гармоник ривожланиш талабларидан устун қўйиш бу яқин асрларда инсоният қутулиши амри маҳол глобал инқирозларга олиб келганини унутиб бўлмайди.

Инсоннинг худога етуклик, мукаммаллик тимсоли сифатида қарагани инсон қалбининг ечиб бўлмас идеалга талпинишидир, албатта. Лекин ушбу идеалга инсон ташвишлари, ўйлари мутлақ бегона эмас. Ижтимоий борликда эзгулик ва ёвузлик каби мунофий кучлар мавжуд, инсонда эзгуликни барқарор воқеликка айлантириш истаги сўнмаган экан худо ёвузликни қораловчи, эзгуликни улуғловчи тимсол, идеал бўлиб қолаверади.

3-савол. Зардуштийлик дини муқаддас китоби "Авесто"да ахлоқий идеал масалаларини ёритилиши. Ушбу саволни ўзлаштириш магистрлардан "Авесто"нинг бевосита ахлоқий идеал масаласига оид

қисмлари билан танишиш (ўқиб чиқишни) талаб қилади. Ахлоқий идеал ҳақидаги тасаввур ва тушунча қадимги одамлар турмуш тарзининг ўзгариши туфайли, мифологик тасаввурдан фалсафий дунёқарашга ўтиш даврида вужудга келади. Дастлабки ибтидоий хулқ-атвор меъёрлари, маросим ва фаолият турлари, диний тасаввурлар билан бирга одамзод ўтмиш, бугун ва келажак ҳақида ўйлаш орқали ўз тасаввурларини бойитади ва кенгайтиради.

Бу даврларда инсон онги синкретик (яхлит) тарзда оламни идрок этгани учун ахлоқда инсоннинг барча биологик, ижтимоий эҳтиёж ва имкониятлари, табиат ва жамиятга мослашиш заруриятлари бирлашиб кетган эди. Кейинчалик ижтимоий ҳаёт мураккаблашиб борган сари ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири сифатида, одамлар хулқ-атворини тартибга солувчи ижтимоий қадрият тусини ола бошлагач, ахлоқий идеал инсоннинг тириклик билан охираг ўртасидаги ҳаётини ўлчовчи, инсонга яхшилик ва эзгулик йўлини кўрсатувчи маънавий мезон вазифасини ўтай бошлайди.

Инсон ижтимоий фаолиятининг кенгайиши (тайёр маҳсулотларни истъеомол қилишдан деҳқончилик, сўнгра ҳунармандчиликка ўтиш), биринчидан, инсон онги, билими ва тушунчасининг кенгайишидан дарак беради; иккинчидан, унинг ҳаётга, одамларга бўлган муносабат меъёрларини вужудга келтиради ва бойитади. Пировардида, муайян диний ва ахлоқий тушунчалар халқасининг шаклланишига олиб келади. Инсон онги воқеликни акс эттирибгина қолмай, уни ярата бошлаган пайдан бошлаб ахлоқий идеалнинг унсурлари шакллана бошлади.

Ижтимоий ҳаёт мураккаблашган сари, инсон онги ва тажрибаси ошган сари одамлар хулқ-атворидаги ўзгаришлар, инсон билан инсон, инсон билан жамият ўртасидаги муносабатлар ахлоқий идеалга бевосита эҳтиёж туғилишига сабаб бўлди. Одамларда «эзгулик» ва «ёвузлик» ҳақидаги тасаввур, тушунчалар шаклланди. Шундай қилиб, диний идеал билан ёнма-ён ахлоқий идеал шаклланади ва одамлар ҳаёт тарзини белгилашда маънавий меъёр вазифасини бажара бошлайди. Мана шу тарихий жараёнда, меҳнат тақсимотининг кенгайиши натижасида «Ҳар бир касб вакиллари ўзларига ҳомийлик қиладиган маъбудаларини, худоларни, руҳларни, пирларни ва

бошқа маънавий кучларни ўйлаб топдилар»¹ ва уларни ўзлари учун ахлоқий идеал сифатида қабул қилдилар. Бу нарсa ахлоқий идеалнинг дастлабки ижтимоийлашув, айнаи чоғда, политеистик тасаввур-идеалларнинг таркиб топишига олиб келди.

Гарчи бу даврда аجدодларимиз политеизмдан монотеизм дунёқарашига ўтган ва эзгулик ибтидоси ва бош худоси Ахурамаздани (Ормузд, Хормузд) идеал сифатида тан олган бўлсалар-да, ахлоқий идеал якка Ахурамазда билан чегараланмаган. Унинг эзгулик учун изланишда, табиат ва инсон ҳаётида осойишталик, эзгулик ва тартиб ўрнатишда унга ёрдам берувчи илоҳий мавжудодлар-Ахуралар (кейинчалик фаришталар сифатида идрок этилган) ҳам идеал тарзида тасаввур қилинган. Эзгулик идеаллари-Ахурамазда ва Ахуралар зулмат ва ёвузлик тимсоллари-девлар билан доимий курашиб табиат ва одамзотни бало-қазолар (ёвузлик худоси Ангра Майнью ва унинг девлари)дан сақловчи образлар тарзида тушунилган. «Авесто»нинг туб маъно ва моҳиятини белгилаб берадиган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экан айниқса эътиборлидир»¹.

Аждодларимиз ишлаб чиқаришга ўтиш шароитида, ахлоқий-фалсафий тушунчаларида ҳам муайян тизим пайдо бўлганлиги «Авесто»да яққол кўзга ташланади. Яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси зардуштийларнинг асосий ахлоқий мезонига айланади. Бу тушунча, ўз навбатида, эзгулик ва ёвузлик, ор-номус ва бурч, оилапарварлик ва покдомонлик, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик, мардлик ва фидойилик, тинчлик ва озодлик каби тушунчалар, ахлоқий идеалнинг шаклланишига олиб келди. Тотемизм, фетишизм, анимизм ва сеҳр-жодулар билан боғлиқ мавҳум-диний идеаллар

¹ Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2002 – 92 б.

¹ Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 32 б.

ўрнига бевосита инсон ҳаёти ва фаолиятига алоқадор бўлган ер, сув, ҳаво ва олов-тириклик ва эзгулик, ҳаёт ва нажот тимсоли даражасига кўтарилди ва идеаллаштирилди. Бу тўғрисида И.А.Каримов шундай дейди: «Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборингизни жалб қилади».

Ахлоқий идеалнинг илк шакллари ҳақида қадимги афсона, эртак, достон ва ривоятларда акс эттирилган. Аммо уларни бевосита реал ҳаётдаги инсон ахлоқий идеалига кўчириб бўлмайди. Агар ибтидоий давр, ундан кейинги цивилизация муайян тараққиёт босқичини эгаллаб, ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири сифатида мустақил маънавий жараёнга айланган даврлардан то бугунги кунгача «ахлоқий идеал», «идеал инсон» ҳақидаги тушунча ва тасаввурларга назар ташласак, буларни тўрт йўналишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир: *биринчидан*, ахлоқий идеални шахсларга хос ижобий хусусиятлар тарзида; *иккинчидан*, шахслараро ижобий муносабатлар белгиси сифатида; *учинчидан*, шахснинг жамият тизимига нисбатан ижобий муносабатлар натижаси микёсида; *тўртинчидан*, шахснинг илоҳиётга ижобий муносабатларининг рамзи сифатида.

«Авесто»да Ахура Мазда инсон учун яхши ҳаёт, яхши умр, яхши турмушни, соғлиқ-саломатликни раво кўрса, Ангра Майнью ёмонлик, касаллик, ўлим тимсоли сифатида гавдаланади. Бунга «Авесто»нинг Яшт китобида Ахура Мазда ва у яратган маъбудлар шаънига айтилган қуйидаги алқовлар мисол бўла олади:

ҳақ йўлини деган ўлмас бўлгайдир.

Ёлғон йўқ бўлиб, абад ўлгайдир.

Имонли қатли учун келган ул

ёлғон барибир имонлиларнинг

уруғ аймағин қилолмай қирғин.

Келган ерига кетгайдир бир кун,

йўқолгай бадбин. Энг эзгу илоҳ каби.
Энг эзгу бошчи мисол мазда дин амалига
чин йўл очиб бемалол қилиб берган ўша зот.
Маздага савоб учун қилайлик биз ибодат.
(Шунда илоҳ рози-ю) Имонлилар бўлар шод»¹.

Яхши одамнинг яхшилиги, ибратли тимсоли бир томондан худога садоқатда билинса, бу садоқат натижаси исоннинг муайян моддий бойликларга эгаллиги билан ўлчанади. Кенг яйловларга, серсув боғларга эга бўлиш ҳам яхши одамнинг яхши ҳаёти ва яхши хулқидан далолат берган.

«Авесто»да зикр этилган ахлоқий идеал – бу ҳақиқатгўй, оқилона яшаган тақводор инсондир. Бу нарса бутун «Авесто» учун шиор бўлиб қолган «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» иборасида мужассамдир: «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман. Фикр, сўз ва амал олаmidан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча ёмон фикр, ёмон сўз ва ёмон амалдан юз бураман».

«Авесто»да бу учликнинг маъноси қуйидагича талқин қилинади:

«- Эзгу фикр нима?
- Дастлабки пок ният.
- Эзгу сўз нима?
- Муқаддас сўз.
- Эзгу амал нима?
- Алқов қўшиғи ва пок
хилқатни эъзозламоқ».

Бу учликнинг биринчи қисми (эзгу фикр) шубҳасиз худони таниш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси (эзгу сўз) одамлар билан мулоқотни назарда тутса, учинчиси (эзгу амал) жамият билан боғланиш хусусиятини ифода этади. Шу тариқа «Авесто»да ахлоқий идеални индивидуал ва ижтимоий моҳияти, яъни алоҳидалик, хусусийлик ва умумийликдан ташкил топувчи фалсафий моҳияти ифода этилади. Ахлоқий идеал худо амрига итоатгўй, атрофига яхшилик уруғини сочиб, ундан ўзи ва бошқалар баҳраманд

¹ Авесто. Яшт китоби. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 112 б.

бўлишини тушуниб етган эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалларни бажарувчи инсон тарзида тасаввур қилинган.

«Авесто»да акс этган ахлоқий идеал-эзгу ният, эзгу сўзли одам биринчи навбатда меҳнатсевар бўлиши, унинг бу эзгу амали ерни парвариш ва ишлов беришда, ўз соғлиғини эҳтиёт қилиш, сувни, ҳавони асраб-авайлашда, уй ҳайвонларини, жамоа сонини кўпайтириш мақсадида эрта уйланиш, дангасалик қилмаслик, ўз молу мулкидан бева бечораларга бериб туриш, ҳамма ишларни адолат тарозисида ўлчаш, зинодан ўзини сақлаб, бокира аёлларга нисбатан меҳр-шафқатли, ахлоқи бузуқ эркак ва аёлларга нафрат билан қараш каби сифатларда ўз ифодасини топади.

Гўзалликдан ҳосил бўладиган завқ-шавқ ва руҳий осойишталик бир-биридан ажралмас, ахлоқий-эстетик идеал моҳиятини белгиловчи хусусиятдир. Ахура Мазда ва Анҳра Майньюлар яратган икки оламдаги қувонч ва ўкинч, гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва пасткашлик, яхшилик ва ёмонлик ахлоқий-эстетик идеал бирлигида идрок этилади. Демак, яхшилик ва гўзаллик инсонни эзгу ҳаёт ва эзгу амалларга чорловчи асосий ва бирламчи омил ҳисобланади. «Авесто»да ахлоқий идеал воқелик билан шунчалик чамбарчас боғлиқки, гап ҳақиқат ёки ёлғон, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, гўзаллик ва хунуклик ҳақида борадими, барчаси ҳаётӣй амаллар орқали ер юзида бойлик ва эзгулик бунёд этишга қаратилган. «Авестода «яхши» ва «яхшилик» сўзи билан ифодаланган ахлоқий идеалнинг моҳияти ер юзини сақлаш ва эъзозлашга даъват этилган покланиш тушунчаси орқали ифодаланади».

Ушбу мавзу юзасидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, зардуштийлик таълимотида ахлоқий идеалнинг ҳаёт билан боғланган ўзига хос ижтимоий-тарихий ва фалсафӣй тизими яратилган. Зардуштийлик динида ахлоқий идеал сув, тупроқ, олов, ва ҳавони илоҳийлаштирган ҳолда эъзозлаш ва эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигида экологик софликни ўзида ифодалаган.

«Авесто»да илк марта учраган «покланиш» тушунчаси кейинчалик ахлоқий идеални белгилашда катта аҳамият касб этиб, ислом ва тасаввуф

таълимотида маънавий-ахлоқий комилликка интилишнинг асосий мезонларидан бирига айланган.

4-савол. Ислом динида ахлоқий идеал муаммоси. Магистрларга ушбу саволни ўрганишда бевосита Қуръони Карим (ўзбек тилидаги таржимаси) ва Ал-Бухорийнинг ҳадисларига таяниш зарурлигини уқтириш лозим. Шарқ ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий тафаккур тараққиётида Қуръони Карим, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳамда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал- Бухорийнинг «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) ҳадислари катта аҳамиятга эга бўлди. Биз бу ерда зардуштийлик таълимотидан бир неча минг йиллар ўтишига қарамасдан ундаги инсоний ахлоқ-одоб қонун-қоидаларининг, диний эътиқод ва расм-русмлардаги айрим кўринишлар, шарқона белгиларнинг сақланиб қолгани, янги замон, янги эътиқодларга мослаб трансформация қилинганини такидламоқчи эмасмиз.

Биз учун «Авесто»дан кейинги Шарқ халқлари ахлоқий-маънавий тақомилида катта аҳамиятга эга бўлган ислом фалсафасининг йирик рационал ирмоқларидан бўлган исломий ахлоқий идеал ва унинг Қуръони Карим ва Ҳадисларда баён этилган таъриф, тафсир ва ғояларини тадқиқ қиламиз. Қуръони Каримда шакллантирилган идеал «Ҳидоят» тушунчаси орқали, яъни тўғри йўлни излаш ва топиш маъносида зикр этилади. Унда саодатли инсон бўлишга даъват, комилликка етиш, йўл-йўриқлари кўрсатилади. Шу билан ҳақиқий инсон бўлиб яшаб ўтишга ёрдам берувчи, шахс ва миллат ахлоқий идеалини мужассам этади. Қуръони Каримда ислом динининг хос диний идеал ва унинг моҳияти моҳияти Оллоҳга берилган таъриф тавсифларда ўз ифодасини топган:

«Оллоҳ эшитгувчи, кўргувчи бўлган Зотдир» (4-сура, 58-оят).

«Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир» (4-сура, 92-оят).

«Оллоҳ маърифатли, меҳрибон бўлган Зотдир» (4-сура, 96-оят).

«Оллоҳ авф этувчи, маърифатли қилувчи бўлган Зотдир» (4-сура, 99-оят).

«Оллоҳ фазлу қарами кенг ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир» (4-сура, 130-оят).

«Оллоҳ Шукр қилувчи ва Билгувчи Зотдир» (4-сура, 147-оят).

«Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир» (4-сура, 158-оят).

«Оллоҳ ҳамма нарсага қодирдир» (5-сура, 39-оят).

«Оллоҳ мағфиратли, ҳалимдир» (5-сура, 101-оят).

«Оллоҳ яратувчидир, (йўқдан) Бор қилувчидир, (барча нарсага) Суратшакл бергувчидир» (59-сура, 24-оят) ва ҳақозо. Қуръоннинг 44 та сурасида Оллоҳ фазилатлари таърифланади.

Қуръони Каримда Оллоҳга берилган сифатлар шундан далолат берадики, «Парвардигор – бир Идеал, Унинг олами Мутлақ поклик олами. Шунинг учун инсон ҳам батамом пок бўлгандагина бу оламга эриша олади. Пок бўлиш учун эса қалбда шу поклик тимсоли улуг Тангрига беҳудуд ва адо бўлмас муҳаббат бўлиши керак. Бу муҳаббат мавҳум бир туйғу эмас. Балки Илоҳ яратган моддий оламдаги гўзаллик – Илоҳнинг каломи ва жамоли акс этган нарсалар ва Унинг гултожи инсонга муҳаббат орқали боради». Масалан, Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида Оллоҳнинг хулқи мухтасар тарзда «меҳрибон ва раҳимлиликдан» иборат, деб таърифланади. Бинобарин, ҳар бир инсон ўз амалларини ана шундай меҳрибонлик ва раҳимлилик туйғуларига бурканган ҳолда бошқаришлари лозим. Ана шундай одамларгина жаннат неъматига сазовор бўладилар. «Кимда-ким ёмонлик касб қилса ва гуноҳга ўралиб қолса, ана ўшалар дўзах эгаларидир».

Қуръони Каримнинг бошидан охиригача Оллоҳга берилган сифатлар диний идеал мазмуни ва хусусиятларини ўзида мужассам этади. Яхши ва олижаноб инсонга хос фазилатлар билан чамбарчас Оллоҳ сифатлари ана шу тарзда диний идеалдан ахлоқий идеалга тимсол сифатида кўчиб ўтади. Бу мураккаб эволюцион жараён дир.

Ҳаётнинг мураккаблиги, ҳар бир инсон ҳаётининг объектив ва субъектив сабаб ва оқибатлар гирдобидида ўтиши диний идеалнинг ҳаёт ва охиратга мослашув тамойилларини ишлаб чиқишни ҳам тақозо этган эди. Шунга кўра, ҳақ билан ноҳақни ажратувчи Қуръони Карим нозил этилди. Шу тариқа Қуръони Карим ахлоқий идеалнинг Оллоҳ сиймосидаги моҳияти, белгиси ва амалларининг маънавий қонун-қоидасидан таркиб топган диний-маънавий дастуруламал ҳужжат тарзида яшаб келмоқда.

Қуръони Каримда инсон ахлоқий идеалининг бойитишдан асосий мақсади Оллоҳ ҳузуридаги энг гўзал жой-жаннат билан рағбатлантирилишидир. Ахлоқий идеалнинг барча талаб, қоида ва амаллари инсонни ана шу бахтга мушарраф этиш учун қаратилган. Бу жой-ҳақиқий гўзаллик, ҳақиқий инсоний балоғат ва фароғат тимсоли бўлиб гавдаланади.

Қуръони Каримнинг Нур сураси исломий ахлоқ-одоб қонун-қоидаларига бағишланган. Унда мусулмонларнинг бир-бирлари билан ўрнатишлари лозим бўлган муносабатларидан тортиб, исломий оилаларнинг ичида барпо қилиниши зарур бўлган тоза экологик муҳит ва соғлом турмуш тарзи йўл-йўриқларигача батафсил баён қилинади. «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: – Мўминларнинг имонда баркамоллари хулқи яхшилардир».

Сўзда эмас, дилда тақводор бўлган, ўзини зино ва ёлғон, кайфу сафолардан тийган инсонлар учун жаннат-ахлоқий идеал мукофоти тарзида ваъда қилинади. Қуръони Каримнинг Хужурот сурасида (49) мўминларнинг яхши инсон бўлиш йўлидаги бажарилиши лозим бўлган (Оллоҳнинг якка ягоналигини тан олиш, охират ғамида ва жаннат умидида яшашдан ташқари) фазилатлар бўйича қонун-қоидалар баён этилади: ўзаро муомала жараёнида дағал ва ҳақоратли сўзларни ишлатмаслик, ҳатто суҳбатдошига нисбатан овозни баланд чиқариб гаплашмаслик; паст овозда муомала юритиш тавозели инсонларнинг чиройли амали эканлиги; муомала ва мулоқотда сабр овозига кулоқ тутиш; ҳар бир эшитилган хабарнинг тўғри ёки нотўғрилигига иқрор бўлгандан кейингина шунга яраша иш тутиш; уришиб, жанжаллашиб қолган мўминларни адолат юзасидан яраштиришга ҳаракат қилиш; фақат адолат мўминларни бир-бирига оға-инидек яқинлаштирувчи иймон қонуни эканлиги; мўмин ё мўминалар бир-бирининг устидан масхара, мазах қилиш одатини тарк этишлари; мўминлар ноўрин гумон, ғийбат васвасасидан фориғ бўлишларининг хосияти.

Оллоҳ бутун жонли ва жонсиз олам, хилқат ва фазилатлар тимсоли сифатида ўз жамолидан баҳраманд этиш учун бани одамзодни ахлоқий-маънавий, жисмоний ва иймон поклиги манзилига чорлаб туради. Ана шу маънода у ахлоқий идеалнинг Зоҳирий, Ботиний, Аввалги ҳамда Мангу

тимсоли сифатида зикр этилади. Шунинг учун Абдулазиз Мансур Куръони Каримнинг Мулк (Таборақ) сурасига изох берар экан, «Ушбу ояти каримада ўлим сўзи ҳаёт сўзидан муқаддам келтирилишига сабаб шуки, – деб ёзади, – ўлим калимасининг мазмуни ҳаёт калимасининг маъносидан теранроқ, камровлироқдир. Чунки, ҳаёт сўзи мана шу ўткинчи дунёда вақтинча яшашнинг бошланишини билдирса, ўлим сўзи охираат диёридаги мангу ҳаётнинг бошланишини англатади. Демак, ўлим юзаки қараганда муваққат ҳаётнинг интиҳоси бўлиб кўринса-да, аслида у мангу ҳаётнинг ибтидосидир».

Ана шундай исломий ҳаёт баробарида ахлоқий идеалга эришиш инсон учун табиий ва ихтиёрий вазифадир. Инсон қаршисида икки йўл-баландлик-давои мавжуд. Бири яхшилик давои, иккинчиси – залолат, дўзах давоидир. Яхшилик давоидан ўтиб, жаннатга етишмоқ учун инсон ўзида Оллоҳ талаб қиладиган фазилатларни ривожлантириш зарур. Ана шундагина инсон ўз ахлоқий идеали – соадатмандликка, жаннат неъматларидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлади. Наинки инсоннинг ўзи энг гўзал шаклу шамоийлда яратилган (95-сура, 4-оят) экан, у ана шу қиёфа, сифат ва фазилатни йўқотмаслиги, уни то умрининг охирию, абадиятнинг бошланишига қадар соф ва мунаввар ҳолда сақлаши вожибдир.

Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида ахлоқий идеал соҳиблари ёки унга эришмоқчи бўлган одамлар: камчилиги йўқ ҳолда камтарлик қилган; муҳтожлиги йўқ ҳолда ўзини кичик олган, ҳалолдан жамғарган молини яхшиликка сарфлаган; илму ҳикмат эгалари суҳбатига аралашган; фақир-бечораларга раҳимдил бўлган; дили тоза; касби ҳалол; ташқи кўриниши (қилмишлари) савобли одамларга ёмонлиги тегмайдиган; илмига амал қиладиган, молининг ортиғидан сарф қиладиган; сўзининг ортиғини ушлаб қоладиган; рост гапирадиган кишилардир.

Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам)нинг 2-жилдида Хожа Бахтиёр Набихон (Чустий) ўғли томонидан форсча «Матлаъ ул-улум» ва «Дуррат ул-воъизийн» асарларидан қилинган таржима илова тарзида берилган. Бу иловада ислом ахлоқий идеалининг мазмун моҳиятини

белгиловчи ўн тўққиз нарсга қайд этилади: Ҳаё, ифбат, одоб, олийҳимматлик, жиду жаҳд, адолат, авф, ҳилм, хулқ ва рифқ, саховат ва эҳсон, шижоат, тавозеъ, омонат, сидқ, аҳд ва вафо, ҳақларни ўташ, яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлмоқ, ёмонлар суҳбатидан ҳазар қилмоқлик. Исломий ахлоқий идеалнинг бу мухтасар баёнидан шундай хулоса келиб чиқадики, исломий ахлоқий идеал асосан инсоннинг ички маънавий оламига ва ахлоқ-одоб доирасидаги хатти-ҳаракатлари билан чегараланган.

«Имом Муҳаммад ал-Бухорий «Ал адаб ал-Муфрат» (Адаб дурдоналари) тўпламида Расулуллоҳ ҳадиси шарифларини ахлоқий, маънавий камолотга, турли гўзал, инсоний фазилатларни вояга етказишга хизмат қилиш нуқтаи назаридан аниқлаб, алоҳида бобларга бўлиб, тасниф (классификация) қилган, шу ҳодисаларга изоҳ, шарҳ, тафсирлар ёзиб, уларнинг кимлардан ровий этилгани, қандай воқеалар ва ҳолатларда айтилгани ҳақида қимматли маълумотлар беради».

Имом ал-Бухорий ўз ҳадисларида исломий ахлоқий идеал юксак инсоний фазилатларга даъват этувчи ҳаракат манбаи ва бу ҳаракат натижасидаги маънавий тараққиёт мезони сифатида талқин этилади. Ислом фалсафасида гарчи, Оллоҳ идеал сиймо тарзида гавдаланиб, унинг фазилатларига ҳар томонлама тасниф берилса-да, уни еру осмон, одам, ҳайвонот, жаннату дўзахни яратувчи ва ушлаб турувчи беадад имконият ва ҳуқуққа эга бўлган куч сифатида тасаввур қилинса-да, унинг имкониятларидан бирортаси инсон фазилатларига тенглаштирилмайди. Ал-Бухорий ҳадисларида таъкидланадики, «Инсонни Оллоҳ даражасига кўтариш» мумкин эмас, аммо унинг айтганларини бажо келтириш ахлоқий идеал учун интилиш мезони ҳисобланади.

Ислом манбаларини ўрганиш шундан далолат берадики, Қуръони Карим ва Муҳаммад пайғамбар суннатлари, Ал-Бухорийнинг тўплаган ҳадисларида зикр этилган исломий қонун-қоидалар инсоннинг ахлоқий идеали ҳақидаги муайян диний-фалсафий тизимдир. Хулоса қилиб айтганда, агар умумфалсафий маънода ахлоқий идеал ўрнатилган, ибрат, тимсол, намуна, меъёр ва юксак ахлоқий ғояларни ифодаладиган инсон маънавияти билан

боғлиқ экан, ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим ва Ҳадислар ана шу фазилатларнинг диний-фалсафий мажмуасидир. Қуръони Карим диний ахлоқий идеалнинг субъекти ва объекти сифатида гавдаланувчи Оллоҳнинг ҳидоятга, маърифатга, билим ва ҳикматга, жаннатга чорловчи идеал сифатида тавсиф этади.

Таниқли олим Э. Юсупов ўзининг тадқиқотида Муҳаммад пайғамбарни 26 гўзал ахлоқий фазилатларини санаб ўтади. Ислом дунёсида идеал ахлоқ ва одоб намунаси сифатида Муҳаммад пайғамбарнинг сиймосига энг мукаммал, қайтарилмас сифатлар мужассамлаштирилган. Ал-Бухорий тўплаган саҳиҳ ҳадисларида намоён бўлган ва даъват этилган ахлоқий идеал тизими қўйидаги ахлоқий-фалсафий фикр, ғоя ва кўрсатмалардан ташкил топган: «булар:-фаҳм-фаросатлилиқ, хушмомалалиқ, ҳалоллиқ, матонатлилиқ ва илмга чанқоқликдир».

Ушбу диний манбаларда яхшилик, яхши одам тушунчаси ахлоқий идеал мезони, ибрат тимсоли бўлиб гавдаланади. Инсонни маънавий-ахлоқий соғломлаштириш ислом фалсафаси, ахлоқий идеал моҳият-мазмунини белгиловчи асосий ижтимоий-фалсафий ғоядир. «Сизларнинг яхшиларингиз, -дейилади Ҳадисда, -дунё ишини деб охиратни, охиратни деб дунё ишини тарк қилмайдиган ва бошқаларга малоллиқ тушурмайдиганларингиздир».

Ана шу тариқа ислом фалсафасидаги хулқ-одоб нормалари, қонун-қоидалари одамзодни ахлоқий идеал сари чорловчи маънавий меъёр вазифасини ўтайди. Демак, Зардуштийлик дини асосида шалланган ахлоқий идеалда ҳам, ислом дини асосида шаклланган ахлоқий идеалда ҳам одамларни покдомон, қўлидан келган яхшиликни аямайдиган, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган, илму ҳунарга чорловчи, жаннат орзусида бўлган, ўз Ватани ва халқини ҳимоя қилишда ўз жонини аямайдиган, ота-она, етим-есир, бола-чақа, қариндош-уруғ ва аёлларга нисбатан меҳрибон ва саховатли, бадан ва имон поклигига амал қилувчи, ҳалол лўқма неъматини ю, сабр ҳикматида интилувчи инсоннинг маънавий камолотга эришиш йўлидаги ахлоқий қонун-қоида меъёрларини ўзида мужассам этади. Хулоса қилиб айтганда:

- ислом динидаги идеал ахлоқий идеалга Оллоҳ тимсолида одамларнинг маънавий-руҳий камолотга интилиш ва эришиш жараёни сифатида кўчиб ўтган;

- Қуръони Карим ва Ҳадисларда исломий ахлоқий идеалнинг тизимли маънавий концептуал асоси яратилган бўлиб, бу концептуал асос моҳияти инсон хулқ-атворининг барча томонларини ўзида акс эттиради;

- ислом ахлоқий идеалига умрбоқийлик эзгулик, эзгу амал, эзгуликка интилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш хосдир. Эзгулик ва ёвузликнинг курашини азалий деб билиш ва ўз навбатида динлардаги илоҳий трансцендентни азалий эзгулик, умрбоқий ахлоқ тимсолига айлантиради.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.84
3. Асрор Самад. Пайғамбар, дин ва диндорлик // Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Адаб Ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-можиъ ас-саҳиҳ. 4 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
5. Аликулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолати. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б. 18 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-можиъ ас-саҳиҳ. 4 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
6. Жакбаров Муҳаммаджон. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2000.
7. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr - O'zbekiston, 2009.
8. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Қуръони Каримни ўрганиш илмий маркази, 2001

Қўшимча адабиётлар:

9. Аль Сади Ахмед Абдулла. Проблема нравственного идеала. Автореф. дисс. кан. филос. наук. – Киев: 1990.- С 5.
10. Авесто. Яшт китоби. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 112 б.
11. Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. –М.: АСТ; Харьков: "Фолио", 2005. С.345-346.

- 12.Брентано Ф.О. Происхождении нравственного познания. – Алетея: СПб, 2000. – С.22.
- 13.Нурматова М.А. Шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий кадриятлар уйғунлиги муаммоси. Дис. фалс. фан. докт. –Тошкент, 2011. -190 б.
- 14.Юсупов Э. Инсон камолатининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998 – Б.43-44.
- 15.Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: “Тафаккур”, 2009, 205-б
- 16.Кант И. Сочинения . В.6-т х. –М.: Мысль, 1966. Т.5. С.483-485.
- 17.Критика чистого разума. – Санкт-Петербург: Тайм-аут, 1993. –344 с.
- 18.Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. –М.: Главная редакция Восточной литературы, 1982. –15 с.
- 19.Инжил. –Стокгольм: Библияни таржима қилиш институти. 1992. Б. 1-3.
- 20.Мень А. Истоки религии. Брюссель: 1991. –133 с.
- 21.Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2002 – 92 б.
- 22.Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. –Ташкент: Санъат, 2010. – С.157.

Семинар машғулотида муҳокама қилинаётган асосий саволлар ва уларга мустақил тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар:

1. Диний идеал ва ахлоқий идеалнинг паралел ривожланиш тарихини тушунтиринг?
2. Покланиш тушунчаси ахлоқий идеалга тегишли тушунчами?
3. Ислом динида диний идеал ва ахлоқий идеалнинг бирилигини тушунтиринг?
4. Қурони Каримнинг қайси сура оятларида ахлоқий идеал ҳақида айтилган ва уларни келтиринг?
5. Ал-Бухорий “Ҳадислари”дан мисоллар келтиринг ва уларни изоҳланг?

Мавзунини мустақил ўрганиш бўйича рефератлар, эсселар мавзулари:

1. Диний идеал ва ахлоқий идеал: ўхшашлик ва фарқ
2. Ислом динида ахлоқий идеални рамзларини кўринишлари
3. Зардуштийликда ахлоқий идеал масаласи ҳал этилишини ўзига хослиги
4. Трансцендент ва идеал тушунчаларини бирлиги ва фарқи

5-мавзу: Тасаввуф фалсафасида ахлоқий идеал масалалари

(2 соат маъруза, 2 соат семинар)

1. Ишқ-муҳаббат манзиллари ва ахлоқий идеал шаклланишининг ирфоний кўринишлари

2. Тасаввуф таълимотида яратилган комиллик ғояси ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий кўриниши сифатида.

1-савол. Ишқ-муҳаббат манзиллари ва ахлоқий идеал шаклланишининг ирфоний кўринишлари. Мазкур мавзунинг ҳар икки саволининг ўзлаштиришни, таҳлил қилишни магистрлардан тасаввуф фалсафасининг моҳияти, ўзига хос хусусиятларини яхши билишни талаб этади.

Башариятнинг инсон ва табиат, ибтидо ва интиҳо, ҳаёт ва охират, иймон ва виждон сингари азалий ва абадий муаммолари мавжуд бўлиб, бу муаммолар ҳақидаги баҳслар муқаддас илоҳий китоблар «Авесто», «Ригведа», «Таврот», «Забур», «Инжил» ва «Қуръони Карим» ҳамда минглаб ҳадисларда, сўнгра ҳар бир динга хос бўлган бадий-фалсафий, илмий тафаккур маҳсулотларида ўз аксини топиб келмоқда.

Шарқ фалсафий фикр тарихида бу нарса, айниқса, тасаввуф илми тавҳид шаклида муайян фалсафий тизим сифатида шаклланди. Тасаввуф ўз моҳияти ва ифода воситалари жиҳатидан, ўз объекти ва субъекти асосан, инсон қалби ва руҳиятини назарда тутган таълимот сифатида маънавий-руҳий, фалсафий тафакуур тарихидан жой олган.

Тасаввуф гарчи, Қуръони Карим ва Ҳадис илмидан ўсиб чиққан бўлса ҳам ўз ғоявий, ахлоқий-эстетик тизимига эга бўлган мустақил назарий фалсафий йўналиш сифатида шарқ халқлари маънавий тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Юртбошимиз И. А. Каримов ислом маърифати ва маданияти ривожига ҳақида таъкидлаб шундай дейди: «биз мана шу қутлуғ заминимизда туғулиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий

ҳаётимизни мана шу улугъ номлар билан боғлаймиз. Биз бу мутафаккирларимизнинг кутлугъ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз».

Ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган тасаввуф ўз даври ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётининг фалсафий тадқиқи сифатида шаклланди. «Сўфий» деган истилоҳнинг келиб чиқиши ҳақида саккиз хил фикр мавжуд бўлиб, намояндаларини авлиё, дарвеш, қаландар, фақир, ботиний ҳамда зоҳирий илмлар дониши сифатида эътироф этилган. «Уларнинг дунё лаззатларидан воз кечишлари, ғайри оддий сўзлари, ишлари, кароматлари халқни лол қолдирар шунинг учун ҳам халқ уларни ҳурматлаб, авлиё, аҳли ҳол, аҳли бетин, дарвеш, қаландар, фақир деган ном билан тилга олар эдилар. Кейинроқ, уларга нисбатан умумий қилиб, сўфий деган номни қўллай бошладилар».

Нажмиддин Комилов эътирофича, сўфий майда манфаатлар, одамларнинг кундалик ташвишларигина эмас, умуман фоний дунёнинг ғаму муаммоларидан устун турадиган, тафаккурининг сатҳи фалаклар қадар камровли, қалбида маънолар булоғи қайнаб турган комил инсон ҳисобланган. Шунинг учун уларнинг юриш-туриши, сўзу мулоқоти, одобу ахлоқи бошқаларга ибрат намунаси сифатида қаралган.

Тасаввуф тарихи шундан далолат берадики, у VIII асрдан XIV асргача ўтган вақт мобайнида илоҳий ва дунёвий илм жабҳаларини туташтирди ва шарқ фалсафий-ахлоқий тафаккур хусусиятини ўзида акс эттирган буюк маънавий қадриятга айланди.

Тасаввуф таълимоти тарғиботчилари бўлган сўфийларнинг турли-туман ақида, тасаввур ва тушунчаларга эга бўлишига қарамай, тасаввуф фалсафасининг софлик, эзгулик, ҳақиқат, гўзаллик ва камолот идеалини тарғиб қилиши ва бу идеалларнинг илмий-бадий ижодиётда акс этганлиги диққатга сазовордир.

Тасаввуфнинг ахлоқий идеал ҳақидаги таълимоти умумтасаввуфий диний-фалсафий қарашга бориб тақалади. Агар «Шариат», «Тариқат», «Маърифат» ва «Ҳақиқат» тасаввуф фалсафасининг яхлит бир тизими сифатида шаклланиб, инсон руҳиятини тарбиялаш, чиниқтиришнинг тадбир-усулларини ўз ичига олса, «Тариқат» сўзининг ўзиёқ илоҳий маърифат йўлига қадам қўйган сўфийнинг ахлоқий-идеали руҳий-маънавий камолот сари интилиш манзилини ифодалар эди.

«Тариқат» манзилида инсон ўз олий мақсади – идеалини белгилаб олар экан унга интилиш йўлида раҳномага муҳтожлик сезади.

Тасаввуф фалсафасидаги пир ва мурид тушунчаси ана шундай сўфиёна камолот йўлидаги руҳий эҳтиёж тарзида зикр этилади. Пир муридлар қошида ўзининг бутун ҳаёт тарзи ва юриш-туриш билан ибрат, исломий ахлоқий идеал-оллоҳ маърифатини эгаллаган шахс ҳисобланади.

Кошифий «Футувватномаи султоний» асарида пиру шайхларнинг фазилатлари ҳақида ёзади: «Шайх комил маърифатли ўткир фаросатли, одамшунос, етук маънавий руҳий қувватга эга, эркин, ихлоси мустаҳкам, беғараз дўст, шафқатли бўлмоғи лозим». Пир муридни тарбияловчи, унинг келажаги учун жавобгар, ибрат тимсоли ҳисобланади. Ана шундай ибрат намуналарига Баҳоуддин Нақшбанднинг пирлари Бобойи Самосий, Амир Саййид Кулол, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Қусам шайхлардан олган руҳий-маънавий тарбияси мисол бўла олади. Тасаввуф тариқатида мақомат манзиллари мавжуд бўлиб, солиҳ руҳий-маънавий камолотга етишиш учун унда 9 та мақоматдан ўтиши керак бўлган. Тасаввуфдаги «сайр» ва «сафар» тушунчалари Оллоҳ жамолига эришиш йўлидаги руҳий сафарни ифодалайди. Инсон ўз руҳиятини поклаш ва самовий юксаклик сари кўтариб Ҳаққа етади ва сўнгра яна халққа қайтади. Тасаввуфий ахлоқий идеал ана шундай пастдан баландга, жисмдан руҳиятга, тасаввурдан тафаккур томон кўтарилувчи инсон маънавиятининг маърифатини кўзда тутди. Зеро «комиллик тушунчаси ахлоқий идеал тушунчасида муайян мазмун касб этади ва бу нарса ахлоқий-фалсафий ва диний тафаккур тарҳида ўз ифодасини топган».

Инсон ва худо ўртасидаги муносабатларни бундай талқин этиш ахлоқий идеалда ҳар бир инсоннинг ўз хатти-ҳаракати ва ахлоқ-одобини «яширин хазина» ҳисобланмиш Оллоҳ сари интилиш ва талпиниш қонун-қоидаларининг тасаввуфда назарий-фалсафий тизим (тариқат, маърифат, ҳақиқат) сифатида шаклланишга олиб келди. Инсоннинг ахлоқий идеалга интилиши унинг тариқат тақвосидан маърифат ва ҳақиқат манзилига ишқ қанотида эришиш тарзида ифодаланди. Оллоҳ висоли ва даъватига йўналган ишқ ахлоқий идеал учун инсон қалби ва онгини ҳаракатга келтирувчи ихтиёрий рағбат вазифасини ўтайди. Ана шу илоҳий ишқ туфайли инсон ахлоқий идеалининг мурод-мақсади амалга ошади.

Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий таъкидлаганидай Оллоҳни севиш барча одамларга хос хусусият. Оллоҳ ҳамма учун сеvimли. Чунки, инсонга ўз камолоти учун зарур, унга яхшилик қилувчи, саховатли одамларни, гўзал нарсаларни, маслакдош дўстларни севиш хос фазилат. Бу фазилатларга бўлган муҳаббат йиғиндиси оллоҳга бўлган ишқни кучайтиради. Шу тариқа «Оллоҳни севиш орқали биз абадиятни, абадий адолат ва ҳақиқатни севамиз. Инсон ана шу идеал етуклик ва камолни қўмсайди, ўзининг барча ниятлари, орзуларини шу билан боғлайди».

Улуғ мутафаккирлар Жалолиддин Румий билан Шамс Табризий, Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоий ўрталаридаги муносабатлар илоҳий сифатларнинг инсон қиёфасидаги намуналаридир. Бу улуғ сиймолар бир-бирларидан андоза олганлар, бир-бирларига камолот мезони, етуклик тимсоли вазифасини ўтаганлар.

Бу йўналишнинг шарқ фалсафий тафаккуридаги аҳамияти шундаки, кейинчалик ахлоқий идеал мавҳум илоҳийликдан конкрет шахс ва инсонларнинг ахлоқ-одоби ва хатти-ҳаракатлари сари юз ўгирди.

Бундай ахлоқий идеалнинг ҳаётийлашув жараёнида Мансур Халлож, Боязид Бистомий, Яҳё Сухравардий, Айнулқуззот Ҳамадоний, Имомиддин Насимий, Бадриддин Ҳилолий, Зуннун Мисрий, Абдуллоҳ Ансорий, Жалолиддин Румий, Ибн-ал Арабий, Жунайд Бағдодий, Ҳаким Термизий,

Абусаид Абулхайр, Фариддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандларнинг хизматлари катта бўлди.

Тасаввуф таълимотининг кейинги фаолияти ижтимоий ҳаётдаги ибратли пирларни, яъни комил инсонларни шакллантиришга ва унинг жамиятдаги кишиларга таъсирини оширишга қаратилди. Шу пайтда тасаввуф таълимотининг марказий ўринларини эгаллаган комил инсон тўғрисида қараш ва ғоялар ривожланди. Ушбу яратилган концепцияда «инсон ва унинг моҳияти, яшашдан мақсади, дунёвий ва илоҳий, зоҳирий ва ботиний масалалар, комил инсон ва унга етишиш йўллари, комилликка етишган улуғ зотлар, авлиё, анбиёлар, машойих ва пирларнинг ибратли ҳаёти ва инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилади».

Тасаввуфда ахлоқий идеал масаласини ўрганар эканмиз, бир нарсага эътиборни қаратмоқ керакки, агар тасаввуф фалсафасида таркидунёчилик асосий омиллардан бири ҳисобланса, унда ахлоқий идеал моҳияти пессимизга асосланиб қолса, инсон камолот сари интилиши сароб, етиб бўлмас манзил бўлиб қолмайдими?

Тасаввуфдаги таркидунёчилик моҳияти дунёпарастликка қарши қаратилган тадбирдир. Агар дунёпарастлик юксак руҳий-маънавий балоғатга зид, молу дунёга ҳирс қўйиш касофати экан, нафсни тийиш, жилвали ва ўткинчи шону шавкатдан юз ўгириш, хилват анжуманини имонни мустаҳкамловчи малҳам тарзида тушуниш таркидунёчиликни юксак аҳоқий идеалга бошловчи маънавий эҳтиёж тарзида тушунишга олиб келди. Буни Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий бундай таърифлайди: «Бас, илмни лаззати ва муножот лаззати ва Ҳақ-таолонинг зикрига унс-улфат олгоннинг лаззати ҳамма лаззатлардан хўброқ ва улуғроқдир».

Шу тариқа тасаввуф фалсафасида Ҳақ билан ҳамсухбату, халқ орасида бўлиб, яъни ботинан Ҳақ билан, зоҳиран халқ билан бўлиб, ўз маънавий-ахлоқий идеалини кўзлаш тушунчаси қарор топади.

2-савол. Тасаввуф таълимотида яратилган комиллик ғояси ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий кўриниши сифатида. Мазкур саволни

ўзлаштиришда магистрлар комил инсон тушунчасини яхши ўзлаштирган, унинг тарихий ва замонавий талабларини билишлари керак бўлади.

Тасаввуф фалсафасининг ахлоқий идеалга таъллуқли яна бир маънавий йўналиши футувват ёки жавонмардлик ҳаракати, тушунчасини ўз ичига олишдир. Агар Қуръони Карим, ҳадислар ва тасаввуф фалсафасида кўпроқ пайғамбарлар, авлиёлар тимсолидаги ахлоқий идеал баён этилса, жавонмардлик бевосита халқ орасидан чиққан, турли касб-ҳунар эгалари, пиру муридлар тимсолида ахлоқий идеални ифодаловчи руҳ соҳиблари тарзида намоён бўладилар. Тасаввуф футувватнинг назарий асосини, ғоявий мағзини ташкил этган бўлса, футувват тасаввуфнинг ғояларини амалиётдаги инъикосига айланди. «Шу тариқа футувват билан тасаввуф ғоялари аксар бир-бирига мувофиқ келади. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишини тарғиб, этади». Инсонийлик ва олийжаноблик ахлоқий идеалнинг асосий мезони деб билган сўфийлар дарвешона ҳаётнинг ахлоқий тизимини ишлаб чиқдилар. Бу тизимга биноан тариқат, шариат, маърифат, ҳақиқат, футувват, ҳаё, садоқат, шафқат, вафо, муҳаббат сингари «вужудий» (ижобий) сифатларга эга бўлган сўфийлар ахлоқи «ахлоқи маҳмуда» («мақталган ахлоқ») дейилса, такаббурлик, ҳирсу ҳавасга берилиш, сабрсизлик, зулм, зинолар «ахлоқи мазмума» («мазаммат қилинган ахлоқ») деб аталган. Маънавий-ахлоқий идеал ҳам худди шундай «ахлоқи мазмума» дан фориғ бўлиб, «ахлоқи маҳмуда»га, яъни намунали ахлоқий сифатларга эга бўлиш билан ўлчанади. Бундай маънавий ахлоқий покланиш, инсонийликни илоҳийлик даражасига кўтариш натижасида тасаввуфда комил инсон тушунчаси шаклланди ва ривожланди.

Тасаввуфшунос олима Г.Н.Наврузованинг фикрича, «тасаввуфий қарашларда комил инсон ва акмал кишилар бир-биридан фарқ қилади. Буларни авлиё ва анбиё деб атаймиз. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари акмал, бир қисми эса фозил, яна бир қисми афзал, яна бири афзалу акмалдир». Ислом дини ва тасаввуфий қарашлар синтези натижасида комил инсон ахлоқий идеал рамзи сифатида дастлаб

Муҳаммад пайғамбарга, азиз ва авлиёларга нисбатан қўлланилган бўлса, аста-секин пиру муридлар, шайху донишлар ҳам комил, фозил, акмал, афзал сифатлари ила комил инсон тушунчасини тўлдириб, кенгайтириб борди.

Шундай қилиб, агар Қуръони Карим ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида Оллоҳ сифатлари комил инсон қиёфасида намоён бўлса, кейинчалик ижтимоий ҳаёт ва инсон тафаккурининг кенгайиши комиллик фазилатларининг, идеалининг бошқа шахсларга нисбатан қўллаш тамойили вужудга келди

Бу объектив ижтимоий-тарихий ҳодиса эди. Акс ҳолда, комил инсон тушунчаси халқ онгидан ахлоқий идеал мезони, маънавий қадрият сифатида чуқур ўрин эгалламаган бўларди. Азизиддин Насафий «Комил инсон» асарида ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирки, унда куйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».

Бу иқтибосдан шу нарса аён бўладики, аждодларимизнинг илк муқаддас китоби «Авесто»нинг асосий ахлоқий тамойили Азизиддин Насафийнинг комил инсон ҳақидаги қарашларига ҳам асос бўлган; иккинчидан, Насафий ўз даври ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётидан келиб чиқиб, «Авесто» даги учликка тўртинчи тушунча «маориф» ни ҳам қўшган ва комиллик меъёрини янада кенгайтирган ва чуқурлаштирган; учинчидан, комил инсон мавҳум зот эмас, у юқоридаги сифатларга эга ёки шундай мартабага эга бўлиши мумкин.

Демак, тасаввуф фалсафасида комил инсон тушунчаси ахлоқий идеалнинг қотиб қолган мутлақ рамзи эмас, балки уни янада бойитишга интилишнинг маънавий ифодасидир. Комил инсон бўлиш, ахлоқий идеалга интилиш узлуксиз жараён. Ахлоқий идеал-комилик рутбасига етишнинг чегараси йўқ. Ҳар бир одамийлик сари ташланган қадам, ҳар бир эришилган эзгулик, ҳар доим Ҳақ ва халқ руҳи, талаби билан нафас олган зот, ҳар кун ўз фикри, тану жонини пок сақлаб, олижаноб амалларга бахшида этган инсон

Ўзини ахлоқий идеал шафоатига тобора яқинлаштириб боради. Комиллик сари ҳаракат инсонни ахлоқий идеалга чорловчи маънавий-руҳий рағбатдир. «Тасаввуф таълимоти бўйича комил инсон аллақандай идеал, худога яқин бир вужуд. Ўша ғайб оламидан оддий одамларга хабар берадиган, илми ўша ғайб илмига уланган кишидир. Албатта, маънавий баркамолликни ният қилар эканмиз, идеалга интилишимиз керак бўлади. Хўш, идеалга интилиш дегани нима ўзи? Менимча, бу – идеалнинг хислатларини ўзида сингдира бориш, ўзида кашф этиш, пайдо қилиш, шакллантириш деганидир».

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф таълимотида ахлоқий идеал мутлоқ илоҳий эмас, балки ўзликни англаш, инсоний хислатларни улуғлаш, ҳаётнинг қадри ва завқига етиш, ботиний мавҳумликдан зоҳирий маъниликка, маънавий камолот орқали баркамол инсон концепциясини яратишга қаратилган. «Комилликнинг фалсафий асослари аввало мутлақ ҳақиқатга, худога бўлган муносабатлар мажмуидир. Инсон қандай қилса, ҳақиқатга, худога, ўзининг инсонлик мақомига муносиб бўлади, деган масала комиллик ҳақидаги барча таълимотларнинг мазмун-моҳиятини белгилайди».

Тасаввуф ғояларининг «фалсафийлашув» жараёни тадрижий равишда давом этди. Айниқса тасаввуфий ахлоқий идеалнинг фалсафий моҳияти Ибн Арабий, Муҳаммад Ғаззолий, Фариддин Аттор, Азизиддин Насафий, Яҳё Сухравардий, Абдураззоқ Кошоний, Маҳмуд Шабистоний, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулқодир Бедиллар ижодида олам ва одам, вақт ва замон, ақл ва рух, тасаввур ва тафаккур, хаёл ва борлик, ботиний ва зоҳирий билимлар, иймон ва рух сингари муаммолар қаторида комил инсон фазилатлари кенг ҳиссий-эмоцианал ва рационал-мантиқий жиҳатдан тадқиқ этилди. Ислом дини ва унинг таълимотларида ахлоқий идеалнинг барча маънавий қирраларини ифода этувчи, Оллоҳ жамолини мутлақ идеал сифатида қабул қилишнинг яхлит тизими яратилган.

Тасаввуф таълимотида **комил инсон ғояси** илк бор шаклланди, унинг диний-фалсафий ва амалий жиҳатлари ишлаб чиқилди. Илоҳ ишқида яшаш ва Ҳаққа интилиш диний, ахлоқий идеалнинг илоҳийлашув, айна чоғда

инсонийлашув хусусиятини ифодалайди. Рухий-маънавий такомиллашув тасаввуфда комил инсон қиёфасини белгилайди.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
2. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. – Тошкент: Movaunnahr-O'zbekiston, 2009
3. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Тошкент: Шарқ, 2001
4. Жўраев З. Гойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

Қўшимча адабиётлар:

1. Гусейнов А. Априсен Г. Этика. – М.: Гардарики, 1999 –С.378.
2. Оқмуродов. Т. О. Тасаввуф – саодат илми // Фалсафа ва тасаввуф: Республика Илмий-амалий семинар материаллари:– Бухоро, 2008. – Б.139
3. Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимёи саодат. – Тошкент: Камалак, 1995. – 50 б
4. Пардаева М.Д. Тасаввуфда комил инсон масаласи // Фалсафа ва тасаввуф: Республика Илмий-амалий семинар материаллари: – Бухоро, 2008. –Б.223 .
5. Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимёи саодат. – Тошкент: Камалак, 1995. – 62 б.
6. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси: фалсафа фанлари д-ри дисс. автореферати. – Тошкент: 2002. Б. 29.

Семинар машғулотида муҳокама қилинаётган асосий саволлар ва уларга мустақил тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар:

1. Тасаввуф таълимотининг асосий ғоясини тавсифлаб беринг?
2. Тасаввуф таълимотида ахлоқий идеал қандай ёритилган?
3. Комил инсон ғояси тасаввуфда қайси даврда яратилган?
4. Ирфоний идеал сиз қандай тасаввур қиласиз?
5. Ҳақиқат босқичи ахлоқий идеалга эришишми?

Мавзунини мустақил ўрганиш бўйича рефератлар, эсселар мавзулари:

1. Комил, акмал, афзал тушунчаларини ўзаро муносабати

2. Ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий кўриниши бўлган комил инсон ғояси шаклланиш тархи
3. Жувонмардлик хусусияти тасаввуф таълимотида ахлоқий идеални белгиси сифатида

6-мавзу: Марказий Осиё мутафаккирларининг ижодида ахлоқий идеал масалаларини ёритилиши (2соат маъруза, 2 соат семинар)

1. Абу Наср Форобий ижодида фозил киши – ахлоқий идеалнинг ижтимоий таҳлили

2. Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар инсоннинг маънавий соғломлиги хусусида

3. Алишер Навоийнинг комил инсон ғояси ахлоқий идеални ижтимоий-тарихий кўриниши сифатида

1. Абу Наср Форобий ижодида фозил киши – ахлоқий идеалнинг ижтимоий таҳлили. Мазкур мавзунинг барча саволлари магистрлардан номлари зикр этилган мутафаккирларнинг ижтимоий-фалсафий қарашларидан яхши хабардор бўлишларини талаб қилади. Ва бунда уларнинг ана шунга оид асарларига таянишлари лозим.

Ахлоқий идеални тадқиқ этиш бўйича Шарқ фалсафий фикр тарихида яна бир йўналиш ҳам шаклландики, унда инсонни маънавий дунёси ва ахлоқий идеал муаммолари рационал тадқиқ этила болянди. Шарқ фалсафий фикр тарихида Закриё ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Мирзо Абдулқодир Бедил сингари мутафаккир-файласуфлар, гарчи диний тасаввур чегарасидан чиқиб кета олмаган бўлса ҳам ахлоқий идеалнинг ижтимоий моҳиятини, унинг инсон маънавиятининг мезони эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилдилар. Бу файласуфлар наздида ахлоқий идеал умумлашма тушунча, назарий андоза ўрнида одамларни амалий ҳатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, ўзаро муносабатларидаги адаб қонун-қоидаларининг мезони сифатида олиб қаралди.

Ахлоқий идеал – комил инсон масаласи нафақат тасаввуф фалсафаси намояндалари, балки рационалистик фалсафий тафаккур вакиллари, шунингдек, буюк шарқ мутафаккир-шоирлари Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Насимий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар учун ҳам асосий фалсафий мавзуга айланди.

Мутафаккирларни ижодида ахлоқий идеал ва унинг тимсоллари ривожлантирилиб ижтимоий ҳаётга йўналтирилди. Бу тўғрисида И.А.Каримов шундай дейди: «унинг Фаробий ва Ибн Сино асраларида ўз инъикосини топган идеал – Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳам эмас». Инсоннинг маънавий-ахлоқий соғломлик масаласи мутафаккирлар ижодларида асосий ўринни эгаллаган. М.Жакбаровнинг фикрича, «Мусулмон тафаккурида ахлоқий фалсафага маънавий тиббиёт илми сифатида қараш анъанаси шаклланди». Шундай қилиб, ахлоқий идеал замирида одамларнинг бахт-саодатга эришиш орзуси, маънавий сиҳат-саломлатликка интилишларни ўз ичига олган шарқ фалсафий тафаккури шаклланди.

Бахтли одам – ўз идеалига эришишга интилган одамдир, бахтсиз эса, ўз идеалини топмаган ёки йўқотган одамдир. Ана шу бахтга эришиш йўллари, омиллари, воситалари ҳақидаги қарашлар шарқ фалсафий-ахлоқий фикрининг асосий мунозара ва муҳокама доирасини ташкил этади.

«Бахт, - дейди Форобий,- бу мақсад, унга ҳар бир инсон интилади, чунки у қандайдир баркамолликдир». Форобий ахлоқий идеалга интилиш-комил инсон бўлишнинг шарт-шароитлари ҳақида фикр юритиб, фозил ҳукмдорнинг ўн икки фазилатини таъкидлаб ўтади.

Абу Наср Форобийнинг фозил жамиятга доир таълимотининг «асосий йўналиши комил инсонни шакллантиришга, инсоннинг маънавиятли ва ахлоқли бўлишга йўғрилганлиги аниқ сезилиб туради».

Форобий фикрига кўра инсоннинг ахлоқий идеали унинг ҳаёт тарзи, тарбия воситаси орқали шаклланади. Шунга кўра ахлоқий идеал инсон

бажарган, бажараётган ва бажариши мумкин бўлган амаллар кўзгусидир. Инсон ахлоқий идеалга- камолотга бирданига эриша олмайди. Аввал хулқ-атвор тарбияси, билим ва тафаккур ривож, сўнгра бахт натижасига эришиш жараёни. Бундай бахтга одамлар фозил шаҳарларда, давлат тузуми мукаммал меъёрлар асосига қурилганда, ҳаёт ва охират талабларини тўқис адо этгандагина эришиш мумкин.

Фаробий ўзининг ахлоқий идеал- комил инсон тўғрисидаги қарашини инсонпарварлик ғояларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурди. «Комил инсон ғояси – Фаробийнинг ахлоқий идеали сифатида фозил шаҳар раҳбарида мужассамлашган. Бу шахс аллома, имом, биринчи ҳукмдор, халқнинг устози ва донишманд файласуф сифатида қаралган, 12 ахлоқий сифат ва фазилатлар соҳиби эканлигини таъкидлаб, комил инсонни яхшилик камолотининг энг юқори даражасига етган ва бахт-саодат эшигининг калитини топган одамдир, деб ҳисоблайди».

2. Абу Райхон Беруний ва Ибн Синолар инсоннинг маънавий соғломлиги хусусида

Абу Райхон Беруний гарчи инсон камолоти, ахлоқ ва комил инсон ҳақида махсус асар яратмаган бўлса ҳам унинг бой илмий мероси қаторидан жой олган ахлоққа доир фалсафий мушоҳадлари комил инсон ҳақидаги тасаввурни кенгайтиришга катта хизмат қилади. Берунийнинг таъкидлашича, «инсон ақлга мувофиқ бўлиш орқали оламнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. Лекин билимнинг чеки йўқ ва ҳамма билимларни тез эгаллаши мумкин эмас. Шунинг учун инсон ўзи билан олган нарсалар билан кифояланиб қолмайди, балки доимий равишда янги билимларни ўрганишга интилиши керак. Унинг фикрича, инсон билиш, тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш каби қобилиятлар соҳибидир».

Берунийнинг орзусидаги ижтимоий идеал ўтмиш аجدодлар ҳаётини ўрганиш ва таққослаш асосида яратиладиган адолатли ва мукаммал жамиятдир. Унингча фақат ана шундай жамиятдагина комил инсон вояга етиши мумкин.

Берунийнинг фикрича, ҳалол меҳнат қилиб яшайдиган, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган, ҳалол ва пок риск билан умр ўтказадиган, бошқалар дардига ҳамдард, жамоа манфатини ҳисобга оладиган инсон комиллик шохсуппасига кўтарилган инсондир. Бундай одамлар ўз кадр-қиммати ва ор-номусини мустаҳкам сақлайди, эзгулик ва олийжанобликни ўз хатти-ҳаракатининг мезони, деб билади. Беруний таъбирича, комил инсон биринчи навбатда, олийжаноб бўлиши керак. «Олийжаноб одам, - деб ёзади Беруний, - ўзининг жони ва ўзининг мулкидан бошқа ҳеч нарсага эгалик қилмайди, қонунан ўзига тегишли мулкни бошқаради. Жавонмард ўзининг олийжаноблиги ва хайр-саховати билан машҳур бўлган одам. Айни вақтда жавонмард ўзининг хушмуомалалиги, меҳр-шафқати, сабот-матонати, сабр-тоқати, обрў-иззати билан ҳам ном чиқарган одамдир».

Берунийнинг фикрича, адолатли жамият бунёд қилиш учун комил инсон ва унинг ахлоқий идеалини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Фозил жамиятни қуришга тўсиқ бўлиб турган иллатларни йўқотиш учун уларнинг илдизини қуришти кераклигини уқтиради ва бунга эришиш йўллари кўрсатиб ўтади. Ёвузликдан қутилиш учун инсон икки табиий куч – очкўзликка ва ғазаб устидан ақл ва тафаккур кучлари ғалаба қилмоғи зарур. Шундагина инсон худога яқинлашади, деб таъкидлайди. Беруний инсонлар ҳанузгача бу иллатлардан қутила олмаганлигини ташвиш билан ёзиб қолдирган. Чунки маънавий юксалиш учун маълум идеал йўқлиги ва ижтимоий идеаллар алмашилиб тургани шу ҳолатга олиб келиши табиийдир.

Ахлоқий идеални ана шундай комил инсон қиёфасида тасаввур қилган Беруний юқори даражали лавозимларга тайинлашда жавонмардларнинг насл-насабига эмас, қобилият ва маънавий қиёфасига биринчи навбатда аҳамият бериш керак, дейди. Беруний мана шундай юксак ахлоқ ва маънавияти мукаммал шахслар ҳукмдорлар бўлишини орзу қилади. Уларнинг қўлидаги ва онгидаги асосий қонун билим ва яна билим бўлгандагина комилликни қўлга киритадилар.

Киши деб ёзади, Беруний, - «ахлоқий мукаммалликка эриша олади, хулқ ва одатларидаги нафсоний суратларни нафс эгаси нафсни тозалаб, унга

ахлоқий даво қилса ва тадрижий суръатда ахлоқ китобларида зикр қилинган йўллар билан ундан (нафсдан) касалликни кетгазса, нафсни ёмон хулқ ва одатлардан яхшига кўчирмоққа қодирдир».

Ахлоқий идеал- комил инсон муаммоси буюк табиб ва мутафаккир-файласуф Абу Али Ибн Синонинг ҳам диққат марказида бўлган. Ибн Сино ҳам Форобий ва Берунийлар сингари ахлоқий идеални ҳаётий талаблар асосида инсоннинг бахт-саодатга эришиш йўли ва воситаларини билиш даражаси билан белгилайди.

Ибн Синонинг фикрича, одамлар ҳаёт икир-чикирларига ўралиб қолмай, нафс бандасига айланмай маънавий камолотни кўзлашлари керак, чунки, «гўзалликка ва ахлоқий камолотга интилиш – бу инсон зотига хос хусусиятдир». Ибн Сино ахлоққа оид асарларида бир қанча ахлоқий сифатларни ва иллатларни тавсифлайди. Яъни, бу икки мезоний тушунчалар ўртасидаги диалектик алоқадорликни кўрсатиб ўтади. Алломанинг фикрича, «фақат ахлоқий фазилатлар эмас, балки ахлоқий иллатлар ҳам ўрганилиши зарур. Зеро, ҳар бир ахлоқий фазилатлар икки нуқсон ўртасида бўлади. Чунончи, ифбат-қизғончилик билан рўжу, сахийлик бахиллик билан исрофгарчилик, адолат-зулм билан мазлумлик, қаноат-хирс билан бефарқлик ўртасида вужудга келади».

Ибн Синонинг фалсафий қарашларида ахлоқий идеал кенг маънодаги ишқ, маънавият ва инсон камолотига боғлиқ тушунча сифатида кўзга ташланади. Инсон бу юксаклик сари интилиши ва иллатлардан кутилиш учун ўз ахлоқий идеалига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги учликнинг (ишқ, маънавият, камолот) бирлиги юксак ахлоқий идеал туғилиши ва уни шаклланиши учун комплекс-системали манба ҳисобланади. “Мутафаккирни фикрича, ахлоқий муносабатларнинг юксалиши жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги ва собитлигини таъминлайди”. Инсонларнинг маънавий-маърифий комилликка эришуви жамиятнинг янада такомиллашувини, унда адолат тамойилларининг барқарорлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Беруний ва Ибн Синоларнинг комил инсонни шакллантиришга доир қарашларида “илк Уйғониш даври мутафаккирлари каби маънавий қадриятларнинг моддий ҳаёт қадрияларидан устун қўйишга мойиллик кучлилиги сезилиб туради”. Ҳозирги даврга келиб, умуминсоний ва маънавий қадриятлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилларидан бири сифатида ўзини намоён қилганлиги мутафаккир илгари сурган ғояларнинг нечоғлик аҳамиятга молик эканлигини англатади.

3. Алишер Навоийнинг комил инсон ғояси ахлоқий идеални ижтимоий-тарихий кўриниши сифатида

Ахлоқий идеалнинг ўзига хос кўриниши А.Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида акс этган. Ўз асарларида тасаввуф таълимоти талаблари асосида комил инсоннинг тимсолини яратди. «Бу анъана турли авлодлар ўртасида руҳий яқинликни мустаҳкамлайди, ёшлар қалбида ворислик туйғусини уйғотади. Демак, комиллик, энг аввало, инсонийлик шарти ва буюк аجدодларимизга ворислик тақозосидир».

А.Навоий ахлоқий идеални ижтимоий воқеликни уйғунлигида кўради. Адолатли жамиятни юксак фазилатли, маънавиятли инсонларгина барпо этишлари мумкин. Шунинг учун ҳам мутафаккир инсон маънавиятини юксалтириш асосида фозил жамият қуриш ғояларини илгари суради. Навоий жамиятда кишиларни иккига – “аҳли маъни” ва “аҳли суврат”га бўлиб, уларнинг ҳар бирини чуқур таърифлаб беради.

А.Навоийни фикрича, “Аҳли маъни” – юксак ахлоқий идеал шаклланган кишилардир. Уларни маънилиги шундаки, бу тоифа инсонлар учун ақл-идрокли бўлиш, турли муносабатларнинг моҳият ва мазмунини англаш хосдир. Бу каби инсонлар ўз эҳтиёж ва манфаатларини ўзгаларники билан уйғунлашган ҳолда идрок қиладилар. А.Навоий ушбу таъкидлаган ахлоқий идеали – футувват аҳлини жўмардлиги, жамият учун, халқ учун хизмат қилиш демакдир. Бу тоифага мансуб бўлиш учун инсон экин, довюрак, ҳақиқатпарвар, бурч ва маъсулиятни ҳис этувчи, камтар, куч ва тазйиқ ишлатишдан холи, халқ ва дин учун фидойи, имонли, ҳаёли, ўзга

инсонлар учун ҳамдард, ҳар қандай бойлик, иззат-нафс ва манфаатлардан воз кеча оладиган, ўз фикрига эга бўлиши лозим.

М.Қирғизбоевнинг фикрича, “Аҳли суврат” деб номланувчи тоифага инсоний муносабатларнинг фақат шаклу шамойилига муҳим эътибор берадилар. Уларга виқорли бўлиш, кибрланиш, зеб-зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан ҳузурланиш мансубдир. Бу ерда Навоий ахлоқий идеални шаклланиши учун динамик рол ўйновчи икки қарам-қарши куч мавжудлигини табиий эканини уқтиради. Суврат аҳли диний амалларни ҳам кўрқув учун, нариги дунё лаззатларини ўйлаб амалга оширадилар.

А.Навоий ўз асарларида идеал инсон модели, ахлоқий идеални ўзига хос ижтимоий-тарихий кўринишларини тавсия этади. Бу яратилган маънавий мерос (футувват аҳли, жувонмардлик) ўз даврида амалга қўлланган, тасаввуф тариқатларининг кундалик турмуш тарзига айланган эди.

Хулоса қилиб айтганда, «Авесто»дан бошланган, Қуръону Карим ва Ҳадисларда ифодаланган етук инсон ҳақидаги тушунча Марказий Осиё файласуфлари (Форобий, Ғаззолий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий) томонидан ҳар бирининг олам ва одам ҳақидаги билими ва тасаввурига биноан тўлдирилди, кенгайтирилди, айниқса, тасаввуф таълимотида ахлоқий идеалнинг ўзига хос ижтимоий-тарихий кўриниши бўлган комил инсон концепцияси яратилди.

Шарқ мутафаккирлари ахлоқий идеал муаммосини, гарчи диний либосда кўрган бўлсалар-да, инсон қалби ва онгида ҳурфқрлилик тамойилининг шаклланиши ва ақидапарастлик исканжасидан чиқиб рационалликка етиш аломатидир; ахлоқий идеал-комил инсон мавҳум тимсол эмас, ҳаёт, инсон ва жамиятни кузатиш, ўрганиш натижасида инсонда туғиладиган билим, олижаноб фазилатлар бирлигини ифодаловчи тимсол, қиёфа, намуна сифатида талқин этилди; ахлоқий идеал бевосита ҳаётий эҳтиёжлар ва такомил рағбати, белгиси эканлиги таъкидланди. Шундай қилиб, ахлоқий идеал диний қадриятларимиз, Шарқ фалсафий меросимиз ва мутафаккир шоир, адиблар ижодининг бир-бирини тўлдирувчи ғоялари асосида комил инсон қиёфасида шаклланади. Ахлоқий идеал

инсонпарварликка интилишнинг маънавий даъвати сифатида қарор топди. Хулоса қилиб айтганда:

– биринчидан, ахлоқий идеал деярли барча халқлар онги ва турмуш тарзида ифодаланган умумбашарий қадрият эди. Ахлоқий идеал кимда, қайси миллатда бўлмасин, қандай ижтимоий-маънавий меросдан озиқланмасин унинг асоси ва истиқболида эзгулик, олийжаноблик, инсонпарварлик ва комилликка интилиш, унга етиш ғояси ётади;

– иккинчидан, ахлоқий идеал ва унинг замон ва макондаги кўриниши бўлмиш комил инсон ғояси шарқда ягона маънавият концепцияси сифатида шаклланди;

– учинчидан, ахлоқий идеал диний ва тасаввуф-ирфоний тушунчалардан бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқ руҳий соғломлаштириш, ахлоқий камолот воситасига айлана борди. Инсон табиатининг ботиний аломатлари зоҳирий амаллар билан ўлчанадиган бўлди;

– тўртинчидан, мустақиллик маънавият соҳасида муайян ғоявий-мафкуравий тизим асосида ислохотлар олиб боришни тақозо қилар экан, тарихан қарор топган диний, ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий-эстетик қарашларни чуқур ва объектив ўрганган ҳолда улар асосида ёш авлод дунёқарашининг шаклланиши ва ривожига улкан аҳамият касб этувчи ахлоқий идеал талаблари асосида комил инсонни вояга етказиш ва тарбиялаш муҳим ижтимоий-фалсафий ва мафкуравий аҳамият касб этади;

– бешинчидан, аجدодларимизнинг инсонпарварлик ғоялари, ислом динининг инсон имони ва эътиқодида поклик ва эзгуликни мадҳ этиши, фалсафий меросимизда инсон ақл-заковати унинг илм-маърифат, бахт-саодат ва эзгуликка эришувининг мезони тўғрисидаги қарашлар мустақиллик даври ахлоқий идеалини илмий-назарий негизлари бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий идеалнинг диний ва ижтимоий-фалсафий идеаллар билан алоқадорлигини, унинг ижтимоий-тарихий кўринишларини, методологик хусусиятларини ёритиб бериш тадқиқотимизнинг асосий масаласи тарзида белгиланган эди. Юқорида таҳлил этилган муаммоларнинг ечимлари борасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- «Авесто»да ахлоқий идеал эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигидан иборат инсоний фазилатлар сифатида баён этилган, синкретик тафаккур ахлоқий идеални ривоятлар, ғайритабиий ҳолатлар, жиҳатларнинг реал инсонлар ҳаёт тарзи билан ҳамоҳанг тарзда идрок этган;

Шарқ мутафаккирлари ахлоқий идеалнинг ўзига хос концепциясини ишлаб чиқиб, уни ислом ва тасаввуф доирасида комил инсонни шакллантиришнинг асоси сифатида ривожлантирдилар;

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Жакбаров Муҳаммаджон. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино номидаги нашриёти, 2000.
3. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти таридан. – Тошкент: Ўқитувчи-Зиё, 1997.
4. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
5. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Халқ мероси, 1993.

Қўшимча адабиётлар:

1. Тўрақулов Э, Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида.–Тошкент: Ўқитувчи.1992.– 21 б.
2. Абдулла Шер. Ибрат кўзи // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1996 7-8-сон. Б.22-23
3. Носиров Р. Ибн Синонинг «Амалий фалсафа»сида инсон тарбияси муаммоси // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари / Тўплам. – Тошкент, 2002 – Б.124-126
4. Ҳаққулов И. “Камол эт касбим.....” – Т.: Чўлпон, 1990. 80-81-бетлар
5. Йўлдошев Қ. Комилликнинг тўрт шарти // Тафаккур журнали. – Т.: 1997, № 2. Б.15

Семинар машғулотда муҳокама қилинаётган асосий саволлар ва уларга мустақил тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар:

1. Ибн Сино ахлоқий фазилат ва иллатлар ҳақида қандай фикр билдирган?
2. Беруний ахлоқий идеалнинг шакллантириш мумкин бўлган қандай фикрларни илгари суради?

3. Фаробийнинг фозил одамлар шахрида ахлоқий идеал ҳақида қандай фикрлар учрайди?
4. А.Навоийнинг ахлоқий идеали қандай ижтимоий-тарихий кўринишга эга ва бунга оид фикрларидан мисоллар келтиринг?

Мавзунини мустақил ўрганиш бўйича рефератлар, эсселар мавзулари:

1. Фаробий жамиятда мавжуд инсонларни табақалаштириши
2. А.Навоийнинг “Хамса”сида ахлоқий идеални тасвирланишини ўзига хослиги
3. Ибн Синонинг ижодида маънавий тиббиёт ёритилиши

7-мавзу: Баркамол авлод ахлоқий идеалининг шаклланиш ва тараққиёт тамойиллари. (4-соат маъруза, 4-соат семинар)

1. Мустақиллик ва ахлоқий идеал
2. Спортнинг маънавий-мафкуравий моҳияти ва унинг ахлоқий идеални шакллантиришдаги аҳамияти
3. Ёшлар ахлоқий идеалининг шаклланишида миллий ғоя ва мафкуранинг аҳамияти
4. Ёшларнинг маънавий тақомилида ахлоқий идеалнинг ўрни

1-савол. Мустақиллик ва ахлоқий идеал. Ушбу мавзунинг барча саволларининг ёритилиши бевосита маънавиятни юксалтириш омиллари ва маънавий баркамоллик тушунчаларига магистр ўз эътиборини қаратмоғи лозим.

Ҳар бир миллат, ҳар бир авлоднинг баркамоллик даражаси провард натижада шу юрт истикболини, тараққиёт ва тақдирини ҳал этади. Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш- фақат миллий эҳтиёж эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги масаладир. Кўп миллатли юртимизда туғилиб ўсиб, вояга етаётган барча қардош халқлар учун бундай эзгу-хайрли иш бирдай таалуклидир. Бу масалада миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий меъросимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда шаклланиб келаётган янги ижтимоий муносабатлар бирлашади. Миллатимиз генафондини бойитиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, жамият ва давлатнинг муштараклиги, ахлоқий идеалнинг

ижтимоий-тарихий тимсоли бўлмиш комил инсон – XXI аср интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон фуқаролик жамияти талабларини ривожлантириш йўлига кирганидан сўнг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар содир бўла бошлади. Хусусан, маънавият соҳасида чуқур ислоҳотларнинг олиб борилиши бунга яққол мисол бўла олади. Бу борада баркамол авлоднинг бугунги ва эртанги маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш энг долзарб деб топилди. Шу сабабли Ўзбекистонда маънавиятни такомиллаштириш, маърифий-тарбиявий ишларни мунтазам амалга ошириш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу борада Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этилиши, таълим ва тарбия ишлари янги концепциясининг ишлаб чиқилиши шулар жумласидандир.

Мустақилликнинг мазмун-моҳияти ахлоқий идеал билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни соғлом авлод онги ва ҳаётига сингдириш умумхалқ, умумдавлат вазифасига айланди. Чунки соғлом авлод концепцияси фақат жисмонан бақувват фарзандларни вояга етказиш эмас, маънавий жиҳатдан юксак ахлоқий идеалларга эга ёшларни тарбиялашни ҳам кўзда тутган эди. Ана шу тариқа мустақиллик даври ахлоқий идеалини белгиловчи асосий тамойиллар ҳам ишлаб чиқилди.

Юртбошимиз И.А. Каримов бу тамойилларни одамлар орасидаги яқдиллик, иймон ва инсоф, сўз ва иш бирлиги, инсонпарварлик, маънавий қадриятлар белгилашини таъкидлади. Халқимиз маънавий-ахлоқий жиҳатдан қайта тикланаётган экан, шунинг эътиборда тутиш керакки, «Ўзбек халқи Рухининг тикланиши миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ходисадир».

Мустақиллик даврида вужудга келадиган ахлоқий идеал ана шу тариқа, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий маънавий қадриятлари ва миллий ғоя, мафкура талаб ва тамойиллари асосида шакллана бошлади. Чунки маънавиятимиз, ахлоқимиз, идеалимиз илдизи жуда чуқур «Қадимий Турон

заминида яшаган аجدодларимиз бир булоқдан сув ичганлар. Бу муқаддас булоқнинг номи- маърифат, Шарқ илми, Шарқ фалсафасидир».

Шарқона одоб, шарқона ҳуқ-атвор ва шарққа хос ахлоқий идеал ҳам ана шу маънавий булоқни инсонийлик ва инсонпарварлик ғоялари билан тўлдирган фазилатларидир. Ана шу идеални қайта тиклаш, уни мустақиллик ғоялари билан тўлдириш долзарб муаммога айланган эди. Одамларда янги дунёқараш, янги ахлоқий идеални шакллантириш учун унинг ҳуқуқий базасини таъминлаш лозим эди, бунга Конституциянинг яратилишини эътироф этиш лозим.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Конститутция умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттирди. Шу кўҳна замин одамларни кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуг фазилатлар бу муборак ҳужжатдан ўрин олган».

Янги ижтимоий муносабатлар шаклланаётган бир пайтда, бугун ва келажак ҳақида аниқ ва тўлиқ тасаввурлар туғилмаган бир даврда шахс, миллат жамиятнинг ахлоқий идеали ҳақида аниқ тасаввурга, муайян ҳулосага келиш қийин эди. Шунинг учун, биринчи навбатда янги ижтимоий шароит муносабати билан янгича, эркин фикрлайдиган, фикр қарамлиги ва журъатсизлик туйғусидан мутлоқо холи, мустақил инсонни тарбиялаш лозим эди.

Ана шундай эркин фикрлайдиган инсонлардагина ўзи, ўз даври, миллати ва Ватани манфаатидан келиб чиқадиган ахлоқий идеал шаклланади ва келажакка қараб интилади. «Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллат таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадида катта аҳамият бериб келинмоқда».

Бу ўзгаришларнинг содир бўлишида, янги инсон ва унинг ахлоқий идеалининг шаклланишида қуйидаги омиллар белгиловчи вазифасини ўтайди: халқимиз маънавий-ахлоқий сарчашмаларининг кўзи қайтадан очила бошлади; буюк аجدодларимизнинг теран маънавий-маданий, миллий ва диний анъаналари, мероси англаб етилди ва уларни асраб-авайлаш эҳтиёжи кучайди; жаҳон цивилизацияси ва маънавий қадриятларини ўзлаштириш ва уларни қайта баҳолаш зарурияти англаб етилди; миллий ўзликни англаш жараёнида халқимизнинг ахлоқий идеалида миллий ва умумбашарий маънавий қадриятлар уйғунлигини ифодаловчи омиллар етакчи ўринни эгаллай бошлади.

Янги жамият қуруш янги ижтимоий муносабатлар, янги маънавий-ахлоқий тамойилларни талаб этарди. Бир томондан маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш жараёни кечаётган бўлса, иккинчи томондан, одамлар ахлоқий идеали ва орзу умидлари тизимида ҳам замон ва миллат ижтимоий-тарихий ҳаёти билан боғлиқ ўзгаришлар содир бўла бошлади. Натижада одамларни дунёқарашида сифат ўзгаришлари рўй берди, маънавий-ахлоқий ва диний қадриятларга муносабат ўзгача тус олди.

2-савол. Спорт ва соғлом турмуш тарзининг маънавий-мафкуравий моҳияти ва унинг ахлоқий идеални шакллантиришдаги аҳамияти.

Мазкур саволни ўрганишда магистрлар мамлакатимизда соғлом авлод, баркамол авлод тарбиясидаги чора-тадбирларни ва оммавий спортни ривожлантиришга қаратилган қонун, фармонлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак.

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган ижтимоий-тарихий неъматлар қатори халқ ва жамият олдида янгидан-янги вазифалар ҳам пайдо бўлди. Бу вазифаларнинг маънавий ўзаги, ибтидоси соғлом авлодни вояга етказиш бўлиб қолди. Чунки, ҳаётнинг маъноси, ахлоқий идеалнинг мақсади ҳам қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб камолга етказиш ва тарбиялашдан иборат эди. Бу борада ахлоқий идеални яратишга доир республикаимизда олиб борилаётган ишларни қуйидаги жиҳатларга кўра туркумлаймиз.

Жисмоний-руҳий соғломлаштиришга қаратилган ва таълим-маърифий соҳани ривожлантиришга қаратилган, маънавий-ахлоқий соҳани такомиллаштиришга қаратилган комплекс-системали, меъёрий ва ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилганини эътироф этиш мумкин. Биз ушбу услубий қўлланмада юқоридаги комплекс-системали ёндашувни қуйидагича белгиладик:

-жисмоний-руҳий соҳада: «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни (1992й), «Соғлом авлод учун ноҳукумат хайрия жамғармаси» ташкил этилиши (1993й), «Соғлом авлод учун ордени» таъсис этилиши (1994й), «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш дастури»(1999й), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни (2000й), «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони (2002й), «Оммавий спорт» тарғиботи учун Спорт телеканали ташкил этилиши»(2003й), «Сиҳат саломатлик йили Давлат дастури»(2005й), «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари шулар жумласидандир.

Бу мантиқий изчил олиб борилган ислохотларни ахлоқий идеал масаласига тааллуқли жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, агар ахлоқий идеалнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти пировард оқибатда комил инсон ҳақидаги тасаввур ва тушунча, эзгулик, яхшилик ва олийжаноблик сингари фазилатлар билан ўлчанадиган бўлса, юқорида келтирилган соҳаларни биринчи бўғинида соғлом авлодни вояга етказиш, иккинчи бўғини баркамол инсон тарбияси, учинчи бўғин комил инсонни шакллантиришга қаратилган комплекс чора тадбирлардан иборатдир. Шу тариқа Ўзбекистонда ахлоқий идеал-комил инсон ҳақидаги тушунчанинг қонуний тизими шаклланди ва бу тизим босқичма-босқич амалга оширила бошланди. 2000 йилни «Соғлом авлод йили», деб эълон қилиниши баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан дарак беради. Чунки, олдимизга қўйилган барча сиёсий, иқтисодий ва маънавий вазифаларнинг моҳияти соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишга қаратилган эди.

«Соғлом авлод деганда, шахсан мен, - дейди Ислон Каримов, - энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпавар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.»

Ахлоқий идеалга хос хусусият, фазилатлар фақат соғлом турмуш тарзи шаклланган соғлом оилада, жамиятда таркиб топиши мумкин. Соғлом фарзандгина оиласига, миллати ва Ватанига нафи тегадиган, келажакни бугунда кўрадиган, бугун келажакни ўйлайдиган бўлади.

Бинобарин, инсон боласи қалби ва онгида шаклланадиган энг нозик, энг теран тасаввур, туйғу, тушунча, дунёқараш ва идеаллар биринчи навбатда, оилада қарор топади. Шунинг учун Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

«Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда, - дейди Ислон Каримов, - жамиятимизнинг энг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш лозим. Халқимизда «қуш ўз уясида кўрганини қилади», деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор. Ўғил-қизларни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш, аввало, оила бағрида, оилани соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чуқур илдиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз».

Соғлом авлод тарбияси муносабати билан давлат миқёсида махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу дастурнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти Президент Ислон Каримовнинг 2000 йил 24 феврал куни соғлом авлод дастурини тасдиқлашга бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида ҳар томонлама очиқ берилган эди. Бу дастур билан боғлиқ биринчи муҳим масала шундан иборатки, дунёдаги барча одамлар қандай диний эътиқод, қандай шароит ва қандай давлат тизимида истиқомат қилишидан қатъий

назар ота-она сифатида ўзидан кейин насл, уруғ, қабила, миллат сифатида фарзанд қолишини ва шунга муносиб фарзандни вояга етказишни орзу қилади. Бу дастурдан кўзланган асосий мақсад эзгу орзу- умидларни ҳаётдаги амалий кўринишига эришишдан иборат эди; иккинчидан, соғлом авлод тарбияси жуда кўп иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий муаммолар билан боғлиқ. У «оилани ривожлантириш» ёки бола-чақа, неварачевараларгача ҳашаматли иморатлар қуриб бериш, хорижий мамлакатлар енгил машиналарида гердайиб юриш каби ахлоқий меъёрларимизга тўғри келмайдиган омиллар билан бирга оила фаровонлигини таъминловчи тадбиркорлик ва ишбилармонлик, мустақил фикр ва иймон-эътиқод билан ҳалол меҳнат орқали фарзанд тарбиялаш сингари жуда кўп ва мураккаб муаммолар билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг барчаси вақти келиб ўз ечимини топади, аммо болаларнинг соғ-саломат, касб-хунарли, илмли бўлиб вояга етиши биз учун асосий вазифа бўлиб қолади.

Шундай экан, соғлом авлод тарбияси дастурини аниқ вақт ва давр билан белгилаб бўлмайди. Чунки соғлом авлод дастурининг алоҳида мақсад-моҳияти мавжуд. Унда бирдан ва бир икки йилда бажарилиши мумкин бўлмаган, аммо узоқ ва мунтазам эътиборда тутиладиган муаммолар бор: ёшларимизнинг оила қуриш муҳим ва масъулиятли вазифа эканлигини англаб етиши; оналик ва болаликни ҳимоялаш; тиббий ёрдам муассасалари ишини замонавийлаштириш; боғча ва мактаб болалари тарбиясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш; болаларнинг ижобий ва маънавий тақомили учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳокозолар. Ана шундай турли-туман ижтимоий-маънавий омиллар муштараклиги туфайли олиб бориладиган соғлом авлод тарбияси яхши натижалар бериши мумкин.

Биз ҳеч қачон бўлмаган, лекин мустақиллик туфайли содир бўлган ижтимоий идеаллар билан ахлоқий идеалнинг уйғунлашувининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги нафақат ижтимоий-сиёсий, шунингдек, ахлоқий идеалнинг ҳам мазмун-моҳиятини белгилайдиган замонда яшамоқдамиз. Ёшларимизни ана шу идеалга содиқ руҳда тарбиялаш заруриятининг икки йўналишини Ислом Каримов 2000 йил

24 январда ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида куйидагича изоҳлайди: «Бу йўналишнинг биринчиси-халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган урф-одатлар ва тилига, динига руҳиятига, қисқача айтганда, дунёқараши ва тафаккурга асосланиш бўлса, иккинчиси- умуминсоний ва замонавий ютуқларга таянишдир». Масалага бундай қараш методологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, бир томондан, миллий маҳдудликдан, иккинчи томондан, глобаллашувнинг салбий оқибатларидан огоҳ бўлишга даъват этади. Зеро «глобаллашув жараёнида диний экстремизм, халқаро терроризм ғоялари ва амалиётининг ёшлар онги, қалби, маънавий дунёсига таҳдидини ўрганиб чиқиш ҳамда ёш авлодни салбий мафкуралар, тажовузкор ғоялардан муҳофаза қилиш йўллари аниқлаш» ва қарши курашишда халқимизнинг абадиятга дахлдор эзгу фазилатлари битмас-туганмас маънавий замин воситаси ролини ўтайди.

Мустақиллик бизга бу масалани ҳал қилиш имкониятини яратди. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бутун жамоатчилик, халқимиз ва жамиятимизнинг муҳим вазифасига айланди. Бунинг учун ёшларни, айниқса, қишлоқ ёшларини спорт оламига жалб этиш зарурияти кучайди. Чунки ёшларнинг орзу ва идеалларига эрк берувчи, завқ-шавқига қанот бағишловчи, ахлоқий-эстетик эҳтиёжларига жавоб берувчи жисмоний тарбия ва спорт зарур эди. Бунинг учун ёшларни оммавий спортга жалб этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Спорт билан шуғулланиш болаларда юксак ахлоқий фазилатларни шакиллантиради: бола меҳр-мурувватли бўлиб боради; қўполлик, бахиллик, ҳасад каби иллатлардан йироқ бўлади, унда жамоавийлик, елкадошлик, ўз гуруҳи ва машғулотларидан мағрурланиш, инсонийлик, ватанпаварлик, миллий ғурур, ифтихор туйғуси кучаяди. Соғлом ва бақувват авлодни вояга етказиш жуда кўп ижтимоий, ташкилий ва маънавий муаммолар билан боғлиқ эди. Бу муаммолар бирин-кетин ҳал қилина бошлади. Кун тартибида Ўзбекистонда янги бир йўналиш, спорт билан боғлиқ умумхалқ ҳаракатини ташкил этиш зарурияти туғилди. Ана шу маънода Президентимиз 2002 йил

24 октябрда, 2012 йил 10 февралда «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ва ҳомийлик кенгашлари ҳақида фармонни имзолади. Спорт билан шуғулланиш ихтиёрий машғулотлардан умумхалқ ҳаракати тарзида идрок этилди, яъни малакатимизда беш ёшдан тортиб ҳамма аҳоли спортга жалб қилина бошлади. Ёшларни соғлом ва жисмоний жиҳатдан баркамол қилиш дастурида қуйидагилар белгиланган:

- болаларимиз спорт орқали соғлом ва бақувват, ҳаётнинг барча мураккаб синовларига бардош берадиган инсонлар бўлиб етилади;

- жисмоний соғломлик инсонда руҳий-маънавий соғломликни келтириб чиқаради. Ёш авлоднинг қалбида эзгулик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва бағрикенглик тамойили шаклланади;

- спорт билан шуғулланиш йигит-қизлар ҳисобига миллатимизнинг ёшларини ахлоқида ростгўйлик, ҳалоллик, ғирромликка қарши турувчи, душманга мардларча юзма-юз тура оладиган қобилият шаклланади;

- спорт миллий ғурур ва ифтихор туйғусини оширади. Мард ва бақувват полвонлар халқимизни руҳлантириб юборади;

- болаларни спорт орқали соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш- бу келажакка мустаҳкам ишонч ифодаси бўлади.

Соғлом, бақувват, эпчил ёшларимизнинг халқаро учрашувларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганларида Ватанимиз байроғининг ҳилпираб туриши барча ватандошимиз қалбини ҳаяжонга солади.

Мана шу йўлда амалга оширилган уч босқичдан иборат узлуксиз тизим- «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари ёшларни жисмонан чиниқтиришда, иродасини тоблашда, ўз-ўзни енгиб, мақсад сари куч-ғайратини сафарбар этишда жуда катта аҳамият касб эта бошлади. 2004-2009 йиллар мобайнида болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши, 900дан ортиқ спорт иншоотлари қуриб битказилгани бу масала канчалик давлат миқёсида ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганидан далолат беради. Баркамол авлод йили Давлат дастурининг 6-бандида «ёш авлодни

жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини куриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш» чора тадбирлари ишлаб чиқилган.

Ахлоқий идеал тизимининг иккинчи бўғининг мақсади тарбия-маърифий тизимини ислоҳ қилиш, таълим тизимини ривожлантириш каби ташкилий, ижодий ва тарбиявий жараёнлар билан боғлиқ интеллектуал авлод тарбияси бўлди. Ахлоқий идеал шаклланишининг бу бўғинига хос бажарилиши зарур бўлган вазифа ҳамда мақсадни Юртбошимиз 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб ном бериши муносабати билан ҳар томонлама изоҳлаб берди: «Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз».

Ана шундай етук авлодгина олдимизда турган турли маънавий хавф-хатарни енгиб ўтишга қодир куч эканини ўз вақтида тушуниб етганимиз сабабли тегишли тарбиявий чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди. Бунинг учун ўз вақтида узоқни кўзлаган, эртага ҳаётга кириб келадиган ёшларнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратилди; уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб таёрлаш жараёни кучайди; ёшлар онги ва қалбига миллий мустақиллик ғояларининг сингдирилгани, ёшларимизда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг қарор топгани учун бугунги кунда дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчлик сақланиб, халқимиз ҳаёти тобора юксалиб бормоқда, ёшларнинг ижтимоий ва ахлоқий идеалларида парокандалик, бузилиш ва ғайриинсонийлик аломатлари пайдо бўлмади.

Чунки соғлом авлод тарбияси дастури биринчи навбатда соғлом наслни вояга етказишни мақсад қилиб қўйган эди. Бу борада биринчидан, ўтган йиллар давомида «Соғлом она—соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам

этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди; иккинчидан, баркамол авлод тарбияси учун катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида моддий-техник база яратилди. Ҳашаматли спорт иншоотлари, замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бинолари барпо этилди; таълим-тарбия ва ўқув жараёнига замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялардан фойдаланиш жараёни кенгайди.

Соғлом ва баркамол авлод тарбиясида ўтган давр мобайнида ва ёшларда юксак ахлоқий идеални ривожлантириш мақсадида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига биноан «жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошланган катта ишларимизнинг ҳеч сусайтирмасдан давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт узтозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олиши» алоҳида таъкидланди.

Спортнинг маънавийлиги спортчиларни ахлоқий тарбиялашга хизмат қилади. Ахлоқ мавжудлигининг муҳим кўрсаткичи инсоннинг унга ёрдам берган машқ қилдирган кишиларнинг унутмаслигида ҳисобланади. Ватан олдидаги ўз бурчини бажаришида, ҳалоллиги ва меҳрибонлигида кўринади. Спорт нафақат аҳолини жисмонан бақувват бўлишида, айти пайтда уларни маънавий баркамоллигида зарурий омиллардан биридир. Жисмоний машғулотлар билан меъёрида ва ўз вақтида шуғулланадиган инсон турли касалликларга чалиниб даволанишга муҳтожлик сезмайди. Ҳозирги даврда спортни оммавийлаштириш ва аҳолининг турли қатламларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш бугунги кунда спорт соҳасидаги долзарб муаммолардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкинки, баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия муҳим аҳамият касб этади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун, жамиятнинг келажаги бўлган соғлом фикрли жисмонан бақувват авлодни тарбиялаб вояга

етказишимиз учун жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш ва спорт ишларини аҳоли орасида доимий равишда тарғибот-ташвиқот қилиш барчамизнинг вазифамиздир.

Ўзбек давлатчилигида муҳим ўринга эга бўлган соҳибқирон Амир Темур “фарзандлар ўз волидалари қўлида тарбияланса, эрка ва тантиқ бўлиб улғаяди, уларни оналарининг ортиқча меҳр-муҳаббатларидан асраш керак. Асал ҳам меъёридан ошмаслиги лозим, менинг фарзандларим тантиқ бўлмасликлари керак. Тантиқлик иродасизликни пайдо қилгай. Фарзандларимни эркалайдиган ер кураш майдони бўлсин...” деб хулоса чиқаради. Таниқли шоир, ёзувчи Хуршид Давронинг фикрича, соҳибқирон ўз аскарларини машқ қилдириб, чиниқтириб, музаффар темурийлар шуҳратига асос солган бўлса, биз бу ишга бутун миллатни жалб қилмоқдамиз. Амир Темур ғалабалари аскарлар чиниқтирганидан кейин бошланган. Мана энди бизнинг ғалабалар бошланди¹.

Англаш мумкинки, тарихий хотирамизда халқимиз ахлоқий идеалига ўрнак, тимсол, намуна бўладиган шахслар, жиҳатлар жуда кўп. Гап ана шу шахслар, жиҳатлар, фазилатларнинг маънавий-ахлоқий идеали билан қуролланган ва янги мустақиллик даврида ўзининг юксак орзу идеалига, эркинлик ва эзгулик ғояларига асосланган баркамол авлодни вояга етказиш ва тарбиялашдир.

Шунинг учун инсон, миллат ва жамиятни бирлаштирувчи, ахлоқий идеал моҳиятини умумийлик, алоҳидалик ва яккалик тамойили асосида ифодаловчи миллий мустақиллик мафкурасини яратиш кун тартибига қўйилди. Чунки, мафкуравий тазйиқ оқибатида, албатта, ахлоқий идеал ҳам ўз тарихий, миллий, диний ва анъанавий илдизларидан жудо бўлиши, рухий-маънавий таназзулга учраши табиий ҳол эди. Ана шундай мураккаб глобаллашув замонида шундай миллий мустақиллик мафкурасини яратиш лозим эдики, у ҳар бир одамнинг ўз мустақил фикри, собит эътиқодига эга бўлиб, ўз миллий кадриятлари, дунёқараши ва мустаҳкам иродаси туфайли ҳар қандай «оммавий маданият» унсурларига бардошли, инсонпаварлик

¹ Хуршид Даврон. Аждодлар ибрати. // Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз. Тўплам . – Т.: 2000. – 150-б

ғоялари билан суғорилган ўз миллий ахлоқий идеалларини йўқотмаган ҳолда яшашга ёрдам берсин.

Идеаллар соғломлиги ва эзгулигини сақлаш ва ривожлантириш ҳар қачонгидан кўра долзарб муаммога айланди. Масалан, диний қадриятларга эркинлик берилишидан ғаразли ниятларини амалга оширишда фойдаланишга уринаётган айрим диний экстримистик ҳаракатлар, хусусан, Ваҳҳобийлик, Ҳизб-ут-тахрир оқимлари эса ўз мақсадини Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамиятда эмас, балки диний мутаассибликни тиклашда, деб билмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган, диний-маънавий эътиқод ва миллий менталитетини ифодаловчи, миллатнинг маиший ҳаёти ва келажагини белгилаб олишга хизмат қилган, кечаги ва эртанги куни учун маънавий замин вазифасини ўтаган. Миллий ғоя ана шу ахлоқий идеалнинг шаклланиш ва ривожланишига ғоявий, назарий асос бўлиши зарур эди.

Ахлоқий идеал тизими, мақсади ва натижалари бирдан ўзгариб қолмай, балки у тадрижий, босқичма-босқич янгиланиб боради. Инсон онги ва маънавияти билан боғлиқ тасаввур ва тушунчалар, тафаккур қадриятлари бирданига ўзгариб, ривожланиб кетмайди. Қадимий ва аввалги тасаввурлар, анъана ва кўникмаларнинг янги ғоя ва мафкурага мослашиши ва янгиланиши учун маълум вақт ва шарт-шароитлар лозим бўлади. Шунинг учун одамлар онги ва дунёқарашини миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ўзгариши ва уни фаоллаштириш учун янги, миллий мустақиллик мафкураси зарур эди.

Бундай мафкурани шакллантириш учун аввало, миллатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккурига асосланиши зарур. Қолаверса, ўтмишдаги олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарур эди. Демак, тадқиқотимиздаги диний-маънавий ва фалсафий қадриятларимиз таҳлили шундан далолат берадики, мустақиллик даври

ахлоқий идеали ана шу ўтмиш ва замонавий илғор ижтимоий-фалсафий дунёқараш ва ғояларнинг ўзига хос синтези сифатида шаклланди ва қарор топди. Миллатнинг тарихий хотираси уйғонди ва янги миллий ижтимоий-маънавий қадриятлар билан бойиш, кенгайиш тамойили вужудга келди.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масала бўлиб, кўп миллатли Ватанимизда туғилиб ўсган, томир ёйган барча қардош халқлар учун ҳам бирдай эзгу мақсаддир. Бу нуқтада миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой маънавий меросимизнинг энг яхши анъаналари шаклланиб келаётган янги ахлоқий идеал билан бирлашади.

Миллат генафондини бойитиш, маънавий, жисмоний соғлом ва интеллектуал авлодни тарбиялаш оила, давлат ва жамиятнинг муштарак муддаоси бўлмиш комил инсон шахсини шакллантириш концепциясида ифодасини топмоқда.

3-савол. Ёшлар ахлоқий идеалининг шаклланишида миллий ғоя ва мафкуранинг аҳамияти. Ушбу саволни таҳлилида магистрлар миллий ғоя ва мафкура асосий тамойиллари, тушунчалари ҳақида билимга эга бўлишлари керак.

Бирор халқ мамлакат ёки жамият ўз миллий ғояси мафкурасига эга бўлмай яшай олмайди. Чунки «Ҳаёт мавжуд экан, жамият, давлат бор экан, ҳар қайси миллат, ҳар қандай халқ ўз йўлини, мақсадини, лўнда қилиб айтганда, ўзининг миллий ғоясини, миллий мафкурасини аниқлаб олишга ҳаракат қилади». Ҳар бир жамиятнинг ғоявий ривожланиши қонуний жараён бўлиб, бу жамият тараққиётининг муайян босқичини белгилайди, унинг олдида турган мақсадларни собит қадамлик билан амалга ошириш учун кишиларни уюштирадиган ва фаоллаштирадиган миллий ғояни яратишга туртки беради. «Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан

равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади».

Ўтган йигирма йил ичида одамлар тафаккурида, дунёқараш ва руҳиятида тикланиш, покланиш, ўзгариш жараёнлари содир бўлди. Ана шундай улкан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар жараёнида асосий мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришда бизга куч-қудрат ва руҳий-маънавий мадад бўладиган манба, илмий методология зарур бўлди. Миллий ғоя ва унинг тамойиллари одамларда яшаш завқи ва эртанги кунга ишонч туйғусини кучайтириш учун, эзгу ва порлоқ идеаллар сари интилишнинг маънавий дастури сифатида идрок этилди:

- миллий ғоя ўзлигимизни, муқаддас анъанларимизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни ифода этиши;

- жамиятимизда мавжуд хилма-хил ва эркин фикрлар, ғоялардан, дунёқарашдан қатъий назар, барчани ягона миллий ғоя атрофида бирлаштириши;

- ёш авлодни ватанпаварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишимизда мададкор бўлиши;

- Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб турувчи, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилишга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоялар тизими бўлиши керак эди.

Бинобарин, миллий мафкура моҳият ва мақсад жиҳатидан ижтимоий идеалларнинг барчасини эркин, озод ва фаровон жамият қуриш йўлида мазмунан бирлаштирди, шунингдек, идеалларнинг (ижтимоий, сиёсий ахлоқий, эстетик) қарор топиш ва шакл-шамойилларига кенг имкониятлар яратди.

Агар мафкура муайян ғоялар тизимидан ташкил топишини назарда тутсак, миллий мустақиллик мафкурамиз бизнинг қандай жамият қурмоқчи эканлигимиз, келажагимизни қандай тасаввур этишимиз билан боғлиқ ғояларга бориб тақалади. Чунки ўз миллий ғоясига, муайян жамият тараққиётининг фалсафий-методологик асосига эга бўлмаган жамият ўз йўлини йўқотиб қўяди. И. Кантнинг фикрича, «ғоя йўналиш берса, идеал инсон тафаккурини келажақдаги уфқларини белгилаб беради». Бундан ташқари, ҳар қандай эзгу ният ҳам инсон онгидан чуқур ўрин эгалламаса, инсон тафаккури шу ниятга ҳамоҳанг ўзгармаса барча саъй-ҳаракатлар бекор бўлади. Шунинг учун озод ва обод Ватан қуришни орзу қилган халқ ўз миллий мафкурасига эга бўлиши керак эди. Аммо халқ ва жамият янги уфқларни кўзлаган экан унинг мақсади ҳам аниқ бўлиши, бу мақсадларни амалга оширишда пухта ва изчил ўйланган, миллий қадриятлар ва идеалларни изчил амалга оширишга қаратилган миллий ғоя зарурдир.

Яқин ўтмишда ҳукмрон бўлган мафкура ва унинг носоғлом ғоялари бир қанча авлоднинг онгини заҳарлаб, миллат тарихий менталитетига зид бўлган ғояларни сингдириш йўлида турли ёвуз ишларни амалга оширдилар. Эндиги авлоднинг тарбияси учун миллий ва умуминсоний жиҳатларни ўзида жамлаган миллий ғоя долзарб бўлиб турибди. Юртбошимиз бу ҳақда шундай дейди: «Миллий ғоя деганда аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз».

Юртбошимизнинг миллий ғояга берган таърифи биринчидан, миллий ғоя Ўзбекистонда кўп миллатли халқнинг маънавий эҳтиёжларини ўзгармас манбаи ҳисобланади; иккинчидан, ижтимоий-тарихий жиҳатдан шаклланиб келган миллий орзу-интилиш яхлит ахлоқий идеални яратади; учинчидан, миллий ғояда Ўзбекистондаги барча миллатларга хос бўлган барча

хусусиятлар, урф-одатлар, анъаналар қадриятлар ва идеаллар ўз ифодасини топади.

Ана шу маънавий муҳитни тадрижийлигини ҳисобга олсак, миллий ғоя халқимизнинг ўзлигини англашга, ўз миллий-маънавий қадриятларини, ахлоқий фазилатларини тиклаб, сақлаб, эъзозлаб келажак авлодга етказиб боришда хизмат қилиши керак. Бинобарин, «миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъанларига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озикланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор».

Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришмоқ учун, авваламбор, ёшларнинг билимли ва маънавий дунёсини аجدодларимиз мероси, муқаддас динимиз-ислом фалсафаси билан бойитиш керак. Чунки фақат билимдон, маърифатли инсонгина ўзлигини англаган, ўз ахлоқий идеалини тўғри белгилаган бўлади.

Ахлоқий идеал миллий ғоя ва унинг тамойиллари туфайли одамлар тасаввурида ойдинлашади, одамларни эзгулик, олижаноблик, буюк келажак ва тинчлик йўлида бирлаштириб, уларнинг ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва яхши ҳаётга бўлган интилишларида сафарбар этади.

Инсон табиати шунчалик мураккабки, унинг қалбида бунёдкорлик ғояси, хоҳиши ва мақсадининг пайдо бўлиши, амал қилиши ҳам бевосита мазкур шахснинг қандай ғоялар, қарашлар ва идеаллар билан қуролланганига боғлиқ. Миллий ғоя инсон табиатидаги бунёдкорликни, орзу ва мақсадларнинг руёбга чиқиши учун маънавий-руҳий асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ёшларда бўлиши мумкин бўлган номақбул ҳатти-ҳаракатларни қўзғатувчи барча мафкуравий, ахлоқий ва бадий-эстетик воситалардан огоҳ бўлмоқ керак. Мафкуравий бузғунчилик беозор кўринишда ёки бирор маданият, санъат намунаси ниқобида пайдо бўлиши мумкин. Миллий-ахлоқий қадриятларимизга тўғри келмайдиган ҳолатларни

намойиш этиш учун замонавий технологиядан фойдаланиш оқибатлари ҳам даҳшатлидир. Тадқиқотчи З.Бойтемированинг фикрича «ғоядаги ахлоқсизлик шахс тафаккури, инсоний принципларга ўта салбий таъсир кўрсатади, инсонни таназзулга етаклайди. Бундай шахслар жамият ва одамларга муносабатда яккаланиб қолади, иккиюзламачилик қилишга ўрганади».

Телевидение ва кино экранларида намойиш этиладиган турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизлик, ахлоқсизликка доир фильмлар ана шулар жумласидандир. Яхшилик ва эзгуликнинг тарқалиши, ўрнатилган ва ибрат бўлиши қанчалик қийин бўлса, ёшларда ёмонликни қабул қилиш ва унга тақлид қилиш хоҳиши ҳам шунчалик тезкор бўлиши табиийдир.

Ёшларни диний экстремистик, фундаменталистик оқимларга кириб қолиши шулар жумласидандир. Бу оқимлар тарафдорларининг мақсади йўқ, деб бўлмайди. Уларнинг ҳам ўзига яраша мақсадлари ва режалари мавжуд. Фақат уларнинг мақсад-моҳияти юрт тинчлиги, Ватан равнақи, миллат ва инсониятнинг истиқболини эмас, балки шу юрт ижтимоий-сиёсий тузумини издан чиқариш бўлади. Ёшлар ахлоқий идеалининг издан чиқиб кетмаслиги учун нима қилмоқ керак, деган савол туғилади. Ғояга қарши ғоя билан, фикрга қарши фикр билан, жаҳолатга қарши маърифат билан, ахлоқсизликка қарши юксак ахлоқий идеал билан курашиш учун ҳар бир шахснинг маънавий иммунитетини кучли бўлиши керак.

Бу тўғрисида Баркамол авлод Давлат дастурининг 10-бандида «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияли «оммавий маданият» иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш»нинг чора тадбирлари тизими келтирилган.

Мафкуравий иммунитетини шаклландириш ёшлар ўз миллий маънавий илдизлари билан чамбарчас боғланган, миллат ва жамиятнинг асосий тараққиёт тамойиллари ва мақсадини тушиниб етган бўлади. Бундай ёшларга ҳар қандай зоҳирий ва ботиний ақидалар хуружи, хавфи таъсир этмайди, уларни юксак ахлоқий идеаллар сари интилиш иштиёқидан қайтара олмайди.

Шунинг учун бугунги кунда ривожланиб келаётган фуқаролик жамияти юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий ғоя ва унинг тамойилларига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.

Миллий ғоя ва мафкурага асосланган мустақиллик давридаги шахс ва миллатнинг ахлоқий идеалининг мазмуни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, соғлом ва баркамол авлодни, комил инсонни тарбиялаш, диний бағрикенгликни, умуминсоний қадриятларга содиқлигини ифода этадиган бўлди. Ана шу маънода миллий ғоя халқимизга хос бўлган муқаддас ахлоқий ҳис-туйғуларни ўз ичига оладиган, эртанги кунга ишонч уйғотадиган юксак ахлоқий-эстетик мезонларни ифодаловчи ижтимоий-маънавий дунёқараш сифатида шаклланди.

Бадий ижод пайдо бўлибдики, ижобий қаҳрамонлар юксак ахлоқий идеаллар ифодаси сифатида, салбий қаҳрамонлар тубанлик, разолат ва жаҳолат тимсоли сифатида идрок этилган. Шўролар замонида ахлоқий идеал мазмун-моҳияти янада чекланди ва чегараланди, яъни мутлақ бенуқсон ва коммунистик эътиқод кишиси социалистик ғоялар тарғиботчиси ижобий қаҳрамон сиймосида гавдалантирилди.

Ахлоқий идеални-ижобий қаҳрамонни бундай сунъий идеаллаштиришга мутлақо қаршиман, дейди Ислом Каримов: «Замонавий, ижобий қаҳрамон ҳақида гапирганимда, кимни тасаввур қиламан? Оддий одам, оддий инсонни! У ҳаётда хато қилиши мумкин, ҳаётни нотўғри тушуниши мумкин, ҳаётга муносабати ҳар хил бўлиши мумкин. Айтайлик, турли тоифаларга номаъқул бўлиши мумкин. Лекин мен нимани хоҳлардим? Ижобий қаҳрамон, аввало, юрт тараққиёти, эл-юрт тақдири, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, дунёда ўзбек миллати, ўзбек халқи, умуман юртимиз ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаши учун жонбозлик, керак бўлса фидоийлик кўрсатиши керак. Инсон ҳеч қачон юз фоиз ижобий бўлмайди. Замонавий қаҳрамон деганда, орамизда юрган, орамизда бугун ҳаёт кечираётган ёш йигит-қизларнинг ибрати орқали кўрсатилади, мана шундай мураккаб ҳаёт,

мураккаб турмуш қаҳрамонларни туғдиради. Бизга афсонавий қаҳрамон эмас, замонавий қаҳрамон керак...».

Ана шундай замонавий қаҳрамон-оддий одам, оддий инсоннинг ахлоқий идеали ҳам афсонавий ёки ғайри табиий эмас, бевосита шахс, миллат ва жамият ҳаёти, эҳтиёжларининг рамзи сифатида гавдаланади. Бундай одамларнинг ахлоқий идеалининг амалга ошиши ва барқарорлиги унинг ҳаётий мақсад ва орзуларининг ифодаси бўлди.

Миллий ғоя - барча маънавий жабҳаларни бирлаштирувчи, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, комил инсонни шакллантириш сингари муаммоларни ҳал қилишнинг ижтимоий-фалсафий асосидир. Бу улкан ғоядан келиб чиқиб, ахлоқий идеал ҳақида фикир юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир шахс ва барча халқнинг ахлоқий идеали халқимизнинг орзу-мақсади бўлиб келган мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳар кимнинг қўлидан келганча бу шарафли фаолиятда иштирок этиш ва эртанги истиқболимизни белгиловчи навқирон, баркамол авлодни тарбиялаш бўлиб чиқади.

Халқ ва мамлакатни жамият ҳаётининг мураккаб, зиддиятли, бир тизимдан иккинчисига, бир вазиятдан бошқасига ўтиш давлари, айниқса, бирлаштиради ва жипслаштиради. Бундай пайтларда ҳатто ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий идеалларнинг муштарак орзулари шаклланади. Масалан, очарчилик пайтида барчанинг нияти бир бурда нонга қаратилади, уруш йиллари ягона мақсад- бу ғайриинсоний фалокатлардан тезроқ қутулиш ва тинчликка етишга қаратилади. Шундай шароитда идеаллар ҳар хиллиги эмас, идеаллар муштараклиги кучаяди. Гарчи ижтимоий ҳаёт жабҳаларида, янги тузум ва тизим шаклланишида миллат ва жамият олдида қатор мураккаб муаммолар турса-да, бу даврдаги тинчлик ва осойишталик барча фаолиятлар муваффақиятининг гаровига айланади. Тинчлик ва осойишталик идеаллар шаклланишига, мақсадлар сари интилиш йўллари, усуллари ҳар хиллигини ҳам тақозо этади.

Худди шундай мустақиллик даврида тинчлик ва осойишталикни сақлаш барча идеалларимизнинг ҳаётийлигини, амалга ошиш ва ошириш имкониятларининг муқаррарлигини белгилайди.

Агар миллий ғоя тизимининг асосини юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги ташкил этар экан, бу мақсад, бу идеалга фақат жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказибгина эришиш мумкин. Шу маънода миллий ғоя орзу-умидлар, ҳаётий идеалларнинг рўёбга чиқишига маънавий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий ғоянинг мазмун-моҳияти, асосий тушунча ва тамойиллари халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган, реал мафкуравий куч ва тафаккур мулкига айланган бир даврда, ҳар қандай мафкура мутлақ йўлланма ва қуруқ дастур бўлиб қолмаганидай, ижтимоий ҳаёт талабларига монанд чуқурлашиши ва янгиланиши муқаррар бўлганидай жамиятимизнинг миллий ғояси олдида замонавий вазифалар ҳам етилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув замонида, турли мафкуравий курашлар оқибатида айрим ҳудудларда миллатнинг азалий қадриятларига, миллий ахлоқ-одоб ва тафаккурига, ижтимоий, ахлоқий идеалларига таҳдид солувчи хуружлар содир бўлмоқда. Бундай хуружларнинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, у бизнинг маънавий бойлигимиз, миллий ўзига хослигимиз, озод ва эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш идеалларимизга нисбатан қаратилган хавф-хатардир. Мафкуравий хуружлардан мақсад айрим халқларнинг диний ва миллий қадриятлари илдизига болта уриш, истиқбол режалари ва идеаллари равнақини пароканда қилишдан иборатдир. Агар мана шундай мафкуравий хуружларнинг олди олинмаса, мафкуравий таҳдидлар бўҳрондай ёпирилиб келаберса, уларга қарши ўз вақтида курашилмаса, ёшлар бундай хуружлар гирдобига тушиб, ўз йўли ва идеалини йўқотиб қўйиши, охир оқибатда, худбин кимсаларга айланиб қолиши мумкин.

Бундай хавф хатарларга фақат юксак маънавият ва маърифат, олижаноб мақсад ва идеаллар билан жавоб қайтариш давримизнинг долзарб муаммосига айланди. Ҳаёт суръатларининг тезлашуви, ҳар бир мамлакат ва

давлат ҳаётининг бошқа мамлакатлар ва давлатлар билан алоқадорлиги билан чамбарчас боғлиқлиги, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар мафкуравий тазйиқ шакл ва усуллариининг хилма-хиллиги глобаллашув даври харитасини белгиловчи омилга айланди.

Мафкуравий курашлар авж олган бир вазиятда биз миллий кадриятларимиз, ахлоқий идеалимиз, тарихий хотира ва анъаналаримизни қандай сақлаб, авайлаб, давом эттиришимиз керак, деган савол туғилади. Бундай мафкуравий таҳдид ва тазйиқларнинг илдизи қаерда? Бу муаммони асосланган ҳолда қуйидагича изоҳлаш мумкин:

– айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни мақсад қилиб қўйган ташкилотлар мавжуд. Ислон динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилишни мақсад қилиб олган турли диний ташкилотлар, миссионерлик сингари ғаразли хатти ҳаракатлар тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлашга, диний идеалларида эса мусулмон халифалиги деган тушунчани қайта тиклашга даъват этмоқдалар;

– миллатимиз тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар билан шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш ҳолатлари кўзга ташланмоқда;

– айниқса «оммавий маданият»нинг андозаси сифатида тарғиб қилинаётган ғарб маданияти, маънавияти ва тафаккури ёшлар нуктаи назарида жозибадорлик, демократик тамойиллар билан суғорилган кўринишда намоён бўлмоқда;

Глобаллашув муносабати билан бу мафкуравий таҳдидлар янада нозикроқ тус олди. «Марказий Осиё давлатлари аҳолиси орасида сўров ўтказган бир хорижий ташкилот хулосасига кўра, гўё Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқи поймол қилинар эмиш. Энди «текширувчиларни» бундай хулосасига асос бўлган саволларга эътибор беринг: «Оила катталари сизнинг калта кўйлак кийишингизга қаршилиқ қилишадими?», «Кечкурун истаган вақтингизда уйдан чиқиб кетишингиз мумкинми?», «Теливизордан ўзингиз хоҳлаган фильмингизни, жумладан, беҳаё фильмларни кўриш имкониятига

эгамисиз»? ва ҳ.к. Ўйлаб кўрайликчи, ўзбек қиз-жувонлари бундай саволларга қандай жавоб беради? Қандай жавоб берса уларнинг эркинлиги намоён бўлади-ю қандай жавоблари уларни «ҳуқуқсиз» деб эълон қилишга «асос» бўлади?».

Бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга экан, сохта шиор ёки беозоргина туюлган, аммо ич-ичидан ғаразли мақсадлар кўзланган кичкина хабар ҳам улкан зиён келтириши мумкин.

«Оммавий маданият» ниқоби остида ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, котиллик, фирибгарлик, индивидуализм, эгоизм, шахсиятпарастлик, дидсизлик, ғоясизлик, маъсулиятсизлик сингари ғоялар турли бадий усулларда тарқатилмоқда. Бу нарса, ўз навбатида, ёшларни соғлом ҳаёт суръати ва миллий маънавий қадриятлардан четлаштиришга, рухий бебурдликка, чин инсоний ахлоқий идеаллардан узоқлашишга олиб келади.

«Ҳозирги вақтда,- деб таъкидлайди Ислом Каримов,- ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда».

Шу муносабат билан Президентимиз аجدодларимизнинг ўз даврида комил инсон ҳақида, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини, ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этганини таъкидлайди.

Услубий қўлланмани юқоридаги қисмларида шарқона ахлоқ кодексининг ахлоқий идеал, комил инсон билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилдилким, мустақиллик даври мафкураси ана шу буюк маънавий қадриятларимизнинг мантикий давоми сифатида халқ онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Демак, биз учун онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган, эркин фаолият юргизишга қодир, эртанги яхши

кунни тасаввур қиладиган, имон-эътиқоди бутун, баркамол авлод ахлоқий идеал тимсолидир.

Мураккаб ва таҳликали замонда эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятлардан четга чиқиб кетмаслик учун дунё воқеаларига очик кўз билан қараш ва огоҳ, ҳушёр бўлиш, маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш ҳар қачонгидан кўра долзарб муаммога айланди. Айниқса ёшлар онги, тафаккури ва идеалида иккиланиш, таҳдид ва эсанкираш аломатларининг пайдо бўлишига йўл кўймаслик керак. Бундай дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот- коммуникация манзарасида мафкуравий курашлар кескин тус олган вазиятда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан юксак ахлоқий идеаллар асосида курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларимиз жаҳон мафкуравий кураш майдонини аниқ ва тўғри тасаввур қилишлари учун ўз халқининг миллий тарихи, маънавий-ахлоқий бойликлари, ота-боболарининг муқаддас динига бўлган садоқатини кучайтирадиган миллий мафкуравий иммунитетни, ёт ғояларга нисбатан қаршилик кўрсатадиган ботиний маънавий салоҳиятларни кучайтиришлари лозим.

Ёшлар қачонки миллий мафкуравий иммунитетга эга бўлсалар миллий ўзлигини англаш, дунё воқеаларини теран тушиниш, замон билан ҳамнафас кадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишадилар. Бундай шахсларга ҳар қандай ақидапараст, фундаменталист ва «оммавий маданият» тарзида чиройли қоғозларга, бежирим шиорларга буркаб бериладиган ғаразли ғоялар, бемаъни даъватлар таъсир эта олмайди. Демак, билим, иймон, эътиқод, маърифат ва юксак ахлоқий идеаллар бузғунчи ғояларга қарши курашда ёшларимиз онги ва қалби учун мустаҳкам қалқон вазифасини ўтайди. Шунингдек, худбинлик, лоқайдлик, бепарволик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, ичиқоралик, бахиллик ва ҳасадгўйлик сингари иллатлардан фориг бўлишга ҳам ёрдам беради.

Миллий ғоя билан куролланган, бутун вужуди ва онги билан ана шу ғоялар тантанаси учун курашга тайёр бўлган одам маънавий жиҳатдан бойдир. Маънавий бойлик ўз навбатида ахлоқий идеалнинг юксаклигидан далолатдир. Ижтимоий фаолияти жиҳатидан суст, маънавий дунёси қашшоқ, миллий ва умумбашарий муаммоларга бефарқ инсон ҳеч қачон ахлоқий идеал тимсоли бўла олмайди. Демак, миллий ғоя тарғиботи ва чора тадбирлари олидида турган энг асосий вазифа эркин фикрлайдиган, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб, куч-ғайратини элу юрт манфаати, истиқболи йўлида аямайдиган, тили билан дили бир бўлган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир. И.Саифназаров тўғри таъкидлаганидек, «одамни мажбурлаб баркамол қилиб бўлмайди! Унга мажбурлаб намоз ўқитиб бўлмайди, токи у ўзи инсонийлик бурчини қандай адо этиш йўлини ўзи танласин. Хоҳласин, мусулмончилик йўли билан комил инсон бўлсин, хоҳласин, тадбиркорлик қилиб, одамлар дуосини олиб, баркамолликка интилсин. Хуллас, комиллик унинг кўнглидаги, иродасидаги табиий интилишига асосланиши керак».

Ана шундай инсонларгина ўтмишга, бировларга қараб интилиш эмас, умидбахш идеаллар сари келажакни кўзлаб ва қўмсаб яшайдилар. Бундай инсонларгина миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, идеалларимизни, имон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни сақлаб қолган ва юксалтирган ҳолда умуминсоний кадриятларни, ахлоқий идеалларни ижодий ўзлаштириб, ўз заминимизга татбиқ этишга ҳаракат қиладилар.

Ана шундай инсонларни вояга етказишда таълим-тарбия ва маърифатга кўпроқ аҳамият берилгани бежиз эмас. Маърифатли одамнинг ахлоқий идеали билан маърифатсиз одам ахлоқий идеалининг тенг бўлмаслиги барчага аён. Бу нарса мустақилликнинг мустаҳкамланиб боришида маърифат масалаларининг тўғри ҳал қилиниши натижасида одамларимиз онгида демократик кадриятлар билан боғлиқ ахлоқий идеал намуналарининг шаклланишида кўринмоқда

Хулоса қилиб айтганда, ахлоқий идеал мазмун-моҳиятини энди миллий ва умумбашарий маънавий ва демократик қадриятлар белгилайдиган бўлиб қолди. Ахлоқий идеал эркин, ўзлигини англаган инсоннинг маънавий поклиги ва юксаклигини, иймон-эътиқоди ва дунёқарашининг мустаҳкамлигини, ниятларининг миллий манфаатлар билан уйғунлигини виждон амри-яшаш мезони эканлигини ифодалайдиган қудратли ботиний кучга айланди. Президент И.А.Каримовнинг фикрича, Ўзбекистон фуқаролари қонунларимизни ҳурмат қилишлари, конституциямиз тамойилларига қатъий амал қилишлари, одамларимиз, аввало, ёшларимиз олий мақсадларига хизмат қилишлари, улар миллий ғоя руҳида тарбияланиб, иймон эътиқоди бутун ғоявийвий жиҳатдан банд бўлишлари керак. Бу мулоҳазалар ахлоқий идеал хусусида методологик аҳамиятга молик хулосалар чиқаришга асос бўлади:

биринчидан, ҳар бир инсон ҳаётда эзгу ният, яхши орзулар билан яшайди, ўз зурриётларининг истиқболи, ахлоқий камолоти ҳақида қайғуради. Бунга эришиш йўллари ҳар хил. Кимки пок лукма билан, порлоқ туйғулар билан, мустақил иймон-эътиқод билан фарзанд тарбияласа бунинг натижаси эзгулик ва олижаноблик билан мукофотланади;

иккинчидан, ҳаёт мазмунини турлича тушуниш одамзодга хос хусусият. Ҳаммага бир хил ўлчамдаги, бир хил рангдаги, бир хил матодан кийим-бош тикиб бўлмайди. Аммо «ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат?» деган савол дилема, баҳсли мавзудир. Бу саволга жавоб тарзида баъзи одамлар идеали кундалик икир-чикирлар ёки кайфу сафо билан ўралашиб қолса, кимларнидир инсон ва жамият билан боғлиқ катта муаммоларни камровчи идеаллар қизиқтиради. Кимнинг ахлоқий идеали қандайлигига қараб унинг яшашдан мақсади ва бахт-саодат ҳақидаги тасаввури шаклланади, инсон ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилади;

учинчидан, ҳар бир инсоннинг яшашдан мақсади-бахтга эришиш ва бахтиёр бўлишдир. Бинобарин, сабр-бардошли, иймон-эътиқоди мустаҳкам, олижаноблик ва эзгуликни ўзига касб айлаган, одамлар кўзига пок виждон билан боқадиган, сўзи ҳам, ўзи ҳам пок бўлиб, ҳалол меҳнат қиладиган,

миллат ва жамият манфаатларига устувор маънавий вазифа сифатида қарайдиган, келажакни бугундан яратадиган юксак маънавий идеаллар билан яшайдиган инсон – комил инсондир;

тўртинчидан, миллий ғоя, ёш авлод онги ва қалбини бунёдкор ғоялар, юксак мақсад ва ахлоқий идеал билан таъминловчи, тўлдирувчи тафаккур ва виждон рамзидир. Ахлоқий идеал тарбия жараёнида ғоявийликни, ахлоқий императив тимсоллари бўлмиш виждон, иймон, ирода, эътиқод сингари миллий ахлоқий ғояларни белгилаб олишда ботиний куч вазифасини ўтайди

4-савол. Ёшларда маънавий жасорат туйғусини шакллантиришда ахлоқий идеалнинг ўрни. Ушбу саволни таҳлил қилишда магистр И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “маънавий жасорат” тушунчасига берган таърифига таяниши лозим.

Республикамизда ўтган йигирма йил мобайнида ёшларимизни давр руҳига монанд, баркамол авлод қилиб тарбиялаш, ёш авлод вакиллариغا жамиятнинг барча соҳаларида ўз истеъдодларини тўла намоён этиш учун зарур шарт-шароитларни яратилиб келинди.

«Таълим тўғрисида»ги қонунда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатларда ёшлар тарбияси билан боғлиқ чоратadbирлар кўзда тутилди. Бунинг боиси, ҳар қандай жамиятнинг, миллатнинг келажаги ва тақдири ёшларга, уларнинг қандай қадриятлар асосида камол топаётганлигига, эл-юртга бўлган ишонч эътиқоди, илмий, маданий ва меҳнат салоҳиятларига боғлиқ. «Таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим».

XX асрнинг охири ва XXI аср бошларига келиб миллий тараққиётда ўзига хос янги хусусиятлар вужудга келди. Кўпгина мамлакатларда яшаётган миллатлар ва халқлар ўз мустақиллигини қўлга киритдилар ва ўзлари ўз

истиқболларини танладилар. Халқларнинг ўзлигини англашга, миллий-маънавий идеалларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини қайта тиклашга бўлган интилишлари кучайиб бормоқда. Ана шундай идеал ва қадриятлар янгиланиб, ривожланиб, бораётган шароитда ёш авлодга тимсол, андоза, намуна вазифасини ўтайдиган маънавий, ахлоқий идеаллар зарурдир. Чунки глобаллашув даврида ёшлар ҳаддан ортиқ турли-туман зиддиятли маълумотлар олишга ва шулар орқали ўз маънавиятини шакллантиришга мажбур бўлмоқдалар. «Уларни глобаллашув жараёнига тортилиши шу даражада кенги, нафақат кийиниш, ахлоқ-одоб доирасини, шунингдек, ёшларнинг онги, қалби, руҳияти ва юрагини ҳам ўзгартириб юбормоқда».

Шу билан бирга бундай шароитда ёшларнинг миллий ахлоқий қадриятларга паст назар билан қараш белгилари пайдо бўлиб қолиш хавфи ҳам туғилади. Маънавий, ахлоқий тарбиянинг пировард натижаси комил инсон экан, ёшларда ана шундай юксак эзгу фазилатлар соҳиби бўлиш истагини кучайтириш шарт-шароитларини яратмоқ керак. Ёшлар тарбиясига қаратилган барча тадбирларимиз асосида соғлом ижтимоий-тарбиявий, маърифий муҳитни ташкил этиш, таълим-тарбия ва жисмоний маданият, спортни ривожлантиришга қаратилаётгани бежиз эмас. Бу жараёнда оила, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг аҳамияти тобора ўсиб бормоқда.

Ёшларни тарбиялашда ички ва ташқи муҳитнинг бекиёс аҳамиятини мутафаккиру маърифатпарварлар кўп марта таъкидлаганлар. Масалан, Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ёзади: «Болалар ахлоқий хислатларининг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эгадир. Ҳақиқий инсоний ахлоқни ўзида барқарор қилган яхши кишилар ёшларга таъсир кўрсатади ва уларни меҳр-шафқатли, софдил ва мақбул бўлиб тарбияланиши учун замин ҳозирлайди».

Ёшларнинг маънавий юксалишида ота-она, ака-ука, кўни-қўшни, устоз-мураббийларнинг ибрат намунаси жуда катта ўрин тутади. Шу жиҳатдан, ёшларни ижтимоий муҳитда учраб турадиган турли ахлоқсизликлар

таъсиридан асрашнинг муҳим шарти сифатида ҳозирги кунда оила ва таълим тизимида тарбияни узвий олиб бориш, ёшлар илм оладиган, ижод ва меҳнат қиладиган муҳитда маънавий омиллар таъсирини кучайтириш, уларда ахлоқий қадриятларга мойиллик тўла шаклланишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Афсуски, ҳозирги ёш авлоднинг маънавий тарбиясида анча-мунча оқсаш аломатлари ҳам сезилмоқда, айниқса, мактаб, коллеж ва олий ўқув даргоҳларида ўқитувчи ва талабалар замонавий технологиянинг воситаларидан нотўғри фойдаланиш, расм ва видео маҳсулотларини кўчириш, тарқатиш билан шуғуланиб, ахлоқсиз ишларга қўл урмоқдалар. Уларни бундай иллатлардан қутқариб қолиш учун, таълим ва тарбияни узвийлаштириш, ота-она ва таълим даргоҳи муносабатини тўғри йўлга қўйиш сингари мураккаб ишларни амалга ошириш зарурдир.

Ахлоқан етуклик тамойиллари ёш авлоднинг тарбия топаётган муҳитида мавжуд бўлиши ва ёшларнинг онгига сингдирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай муҳит оиладир. Оилада она-бола учун поклик, меҳр-муҳаббат, ор-номус каби тўйғулар тимсоли бўлса, ота мардлик, жасурлик, ҳалоллик, сабр-матонат, ватанпарварлик тимсоли сифатида гавдаланади.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Таълим муассасаларида фақат илм ўргатилмасдан тарбия ҳақида қайғуриш бу – таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлайди. Наинки, «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» дир.

Халқимиз маънавий тикланиш ва юксалиш даврини бошидан кечираётган бир пайтда оила шароитда соғлом маънавий муҳит, шу оила анъаналари билан боғлиқ идеаллар асосида ёшлар маънавиятини шакллантириш муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Чунки мустақилликни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни шакллантириш, ҳаётнинг сермазмунлиги, хусусий тадбиркорликни ривожланиши, аҳоли ўртасида турли жиноятларнинг камайиши ва йўқолиши, инсонийлик, меҳнатсеварлик, меҳр-

мурувват, имон-эътиқод каби маънавий-ахлоқий қадриятларни ёшлар турмуш тарзининг асосига айланиши асосан оила шароитида амалга оширилади.

Шунингдек, маънавий-маърифий тарбия муаммосини фақат миллий маънавий муҳит билан чегаралаб қўйиш ҳам нотўғри. Таълим-тарбия жараёнида ҳам миллий, ҳам замонавий, ҳам умумбашарий тажрибадан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Таълим даргоҳларида замонавий технология, замонавий фан соҳалари асосида илм-фан ютуқларини ўзлаштириш ахлоқий идеал билан ҳамоҳанг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ёшлар маънавий-маърифий камолоти ҳақида шундай деб ёзади: «Илм бизни жаҳолат қоронғусидан кутқарур, маданият, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур».

Билим, илм, салоҳият, истеъдод, тажриба асосида шаклланган маънавият инсон ахлоқий идеалини тимсолли кўринишини яратилишига имкон беради. Инсоннинг меҳнат жараёнида эришган малакаси, онги, тасаввури ва тушунчалари амалий имкониятларига асос бўладиган маънавиятдир. Ана шу тушунчаларга эга бўлиш учун инсонда шунга интилиш, мақсад ва идеал бўлмоғи керак.

Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларнинг ахлоқи ва тарбиясини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Ёш авлод маънавиятини шакллантириш каби олийжаноб фазилатга эга бўлган зотлар одатда ўз даврининг энг илғор ва ватанпарвар кишилари бўлишган. Ғаззолий бу ҳақда шундай деган эди: «Шайхнинг (тарбиячининг) муриди тарбиялаш калити ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бўлмоғи учун деҳқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозалагани каби бир ҳол».

Ахлоқий идеал эса ўз навбатида инсон маънавиятини белгиловчи эзгу мақсад, орзу ҳавас, бурч ва масъулият, бахт, диёнат, яхшилик, гўзаллик,

улуғворлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик сингари тушунчаларнинг шаклланишига олиб келади. Инсоннинг билим олиши, ўз бахтини ҳалол меҳнат орқали топиши ёки касб-ҳунар соҳиби бўлиб эркин фаолият кўрсатиши ҳам муайян даражадаги миллий ва умуминсоний ахлоқ ва одоб идеаллари асосида шаклланади.

Ёшларда келажакка интилиш билан боғлиқ бўлган катта ташаббус, куч ва ғайрат мавжуд. Кексалар эса ҳаёт йўлида кўп иссиқ ва совуқларни бошидан кечириб, бой тажриба орттиргани учун уларда узоқни ўйлаб, босиқлик билан мулоҳаза қилиш, етти ўлчаб бир кесиш сингари маънавий бойлик ва етук тафаккур салоҳияти бор. Лекин ёшлар билан кексаларнинг ахлоқий идеалида фарқ бўлиши ҳам табиий. Бу фарқ икки жиҳатдан бўлиши мумкин: биринчиси тажриба ва билимдаги катта-кичиклик; иккинчиси-мафкуравий келишмовчилик. Қаерда ҳаётий тажриба ва маънавий бойлик нуқтаи назаридан фарқ бўлса уни тўғрилаш, тўлдириш йўллари қийин кечмайди. Таълим-тарбия орқали ёшлар маънавияти кексалар ақли ва тажрибасидан озиқланиб юксалиб бориши мумкин. Бу жараёнда икки томоннинг ахлоқий идеали бир-бирини тўлдириб, инсонни эзгулик томон етаклайди. Қачонки идеаллар ва дунёқараш нуқтаи назаридан фарқ қилса, бундай ҳолатда зиддият, тафовут ва келишмовчилик вужудга келади. Бу ҳақда Эркин Юсупов ёзади: «1920-30 йилларда ҳали ҳаётда бирор оғир сабоқни кўрмаган, баланд-пастни билмаган 14-15 ёшлик комсомоллар кўплаб ишбилармон, меҳнатсевар деҳқонларни қулоқ қилиш, мол-мулкани мусодара этиб, узоқ юртларга бадарға этиш вазифасини ўз зиммасига олгани катта ижтимоий, иқтисодий бўҳронларга сабаб бўлди. Ўз отасини «фош» этиб, бошига кўп кулфатлар келтирган Павлик Морозовнинг «Жасорати» ҳам етук инсонга хос бўлмаган ахлоқсизлик намунаси эди».

Собиқ Иттифоқ даврида жамиятда миллий ахлоқий кадриятлар сиёсий, мафкуравий тазйиқ орқали оёқ ости қилинди. Мустақилликдан сўнг аксинча, ота-боболаримиз мероси, муқаддас ислом дини ақидалари, маънавий кадриятлар ва юксак ахлоқий идеалларсиз ёшларнинг маънавий такомиллини тасаввур этиб бўлмайди, деган ғоя илгари сурилди. Шунингдек, ёшларни

ҳалол меҳнат қилишга, ишбилармон, ташаббускор ва тадбиркор бўлишга йўналтириш миллий ахлоқий тарбиямизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда соғлом рақобат, тенг ҳамкорлик туйғусини кучайтириш, манфаатдорликни адолат билан чамбарчас боғлаш маънавий камолот даражасини белгиловчи омил ҳисобланадиган бўлди.

Миллий тарбиянинг муҳим замонавий соҳаси бу санъатдир. Унинг замонавий шаклларида ифода этилган бадиий образлар доимо инсон маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши кўзда тутилган. Сўнгги пайтларда телеканалларда намоиш этиб бориладиган кино маҳсулотларидан айримлари (хусусан ғарб кино маҳсулотлари) миллий ахлоқимизни бойитишни ўрнига миллий ахлоқимизни менсимаслик ҳолатларини юзага келтирмоқда. Ҳозирги пайтда видео маҳсулотларни қабул қилиб тарқатадиган воситалар (масалан, уяли телефон) ихчамлашди. Улар кўп функцияли, кўп параметрли ишларни бажармоқда. Улардаги тарқатиладиган бузук, беҳаё фильмларнинг миллий кўриниш олаётгани даҳшатлидир. «Бу маҳсулотлар «оммавий маданият» таъсири остида шаклланган тасаввур ва маданий «тўлқинланишини» ўзида мужассамлаштирган, ўз «жозибадорлиги», кўп йиллар давомида «мумкин бўлмаган» мавзуларни ўзида акс эттирганлиги билан айрим ёшларимизни ўзига ром этмоқда».

Шунинг учун ўсмирларнинг маълумотни қабул қилиш даражаси, янгиликка интилишини ҳисобга олиб, уларда юксак ахлоқий идеал асосида эстетик, маънавий иммунитетини шакллантириш глобаллашув шароитида энг муҳим маънавий-маърифий вазифалардандир. Чунки, «Юксак маданиятли, маърифатли, онгида чинаккам ахлоқий эстетик қадриятлар ҳақида равшан тасаввурлари шаклланган одам порнография–беҳаёлик, ёвузлик фильмларини ёқтирмайди, бундай видеофильмларга беҳуда вақтини сарфлашни истамайди».

Жамиятимизда ана шундай маънавий хавфсизликни таъминлаш масаласига кенг қамровли, сифат жиҳатдан бутунлай янги асосларда ёндашиш давр талаби бўлиб қолди. Янги таълим-тарбия тизимимиз шундан

далолат берадики, ёшлардаги юксак ва эзгу идеаллар, ахлоқий тушунчаларгина маънавий хавфсизликни таъминлаши мумкин.

Ёшларнинг маънавий мукамаллигига хизмат қилувчи маънавий хавфсизлик жуда кўп объектив ва субъектив, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-мафкуравий ва ахлоқий-эстетик омилларни ўз ичига олади. Бунга миллий ва диний қадриятларимиз, илмий, бадиий-эстетик ва фалсафий меросимиз, халқнинг урф-одат ва ахлоқ-одоб мезонлари, таълим-тарбиянинг замонавий тур ва шакллари, умумбашарий маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзлаштириш ва ривожлантириш ва ҳақозолар киради.

Ўз ҳаётида меҳнат фалолиятида бефарқ, лоқайд бўлган, юксак идеалларни кўзламаган шахсларда ижтимоий фаоллик сезилмайди. Шунинг учун ёшлар маънавиятини шакллантиришда уларнинг ўзлигини англаш салоҳиятини кучайтириш жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади. Ўзлигини англаган инсон ўз миллий замини ва ҳаётдаги ўрни, вазифасини ҳам чуқур англаган бўлади. Бунинг учун илм-маърифатли, юксак манавиятли, эзгу идеаллар соҳиби бўлиш керак. Маънавий юксак ёшлар тенгқурларига нисбатан узоқроқни кўра олади. Юксак ахлоқий идеалларга эга бўлган ёшлар Ватанимизнинг буюк келажагини аниқ тасаввур эта оладилар. Инсонни олий мақсадларга даъват этувчи маънавий куч аниқ ва равшан ахлоқий идеаллардир.

Ҳозирги цивилизациялашув, глобаллашув шароитида бу масала яна ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек «...биз ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиш йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан».

Ушбу фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юксак ахлоқий тарбия, ахлоқий идеалсиз баркамол авлод ёки мустақил фикрловчи шахсни ярата олмаймиз.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижаси шундан далолат берадики, инсон такомили жисмоний ва маънавий олам билан боғлиқ бўлган жуда кўп ботиний ва зоҳирий жиҳатларни, омилларни ўз ичига олади. Агар зоҳирий омиллар кўпинча объективлиги ва реаллиги, кўз кўриб ва қўл ушлаб, эшитиб, тинглаб хулосалар чиқаришга имконият берса, ботиний омиллар ниҳоятда мураккаб маънавий-руҳий жараёнлар бирлигини тақозо этади. Шу боисдан инсон маънавияти шахс онги ва тафаккуридаги миллий мерос ва анъаналар, миллий менталитет ва тажрибаларнинг акси бўлган тарихий хотира, диний тасаввурлар билан бирга муайян жамият ҳақидаги миллий ғоя, мафкура, дунёқараш, маърифий-маданий билим, диний, ахлоқий-эстетик қадриятлар, шахсий майл ва салоҳиятларни ўз ичига олувчи ботиний олам сифатида кўзга ташланади.

Демак, инсон маънавиятини бир-бири билан боғлиқ, аммо ҳар бири ўз ҳаракат ва таъсир траекториясига эга бўлган, бири иккинчисини тақозо этувчи ҳаракатлар ва жараёнлардан иборат яхлит бир тизим тарзида тасаввур қилсак, бу тизимнинг асосий халқалари қуйидагилардан ташкил топади: соғлом тандаги соғлом покланиш жараёни, руҳан улғайишга рағбат, ботиний маънавий олам, ирода мустаҳкамлиги, эътиқод бутунлиги, диний бағрикенглик, уйғоқ виждон ва юксак ахлоқий идеал, бунёдкор ғоялар, ижодий ташаббус. Бу омилларнинг диалектик бирлигидан муайян маънавият гавдаланади.

Инсон мақсадсиз, орзу умидсиз яшай олмайди. Ҳаёт мазмуни одамнинг ҳақиқий мақсад ва ахлоқий идеал сари интилишга боғлиқ. Турмушда учрайдиган турли-туман қийинчилик, зиддият ва азобу уқубатлардан инсонни фақат юксак ахлоқий идеалларгина олиб ўта олади.

Бу диалектик жараёнда ахлоқий идеал катта ижтимоий аҳамият касб этади. Юксак маънавият эзгу ахлоқий идеалларни тақозо этгандай, юксак ахлоқий идеал ҳам инсон ҳаёт тарзини белгилашда муҳим омил ҳисобланади.

Шунинг учун ёшларнинг баркамол авлод бўлиб шаклланишида, ҳалол ва адолат билан ҳаёт кечиришларида, юксак ахлоқий идеаллар уларнинг маънавий салоҳиятини белгиловчи мезонга айланади.

Ватанимиз равнақига ишонч, миллий ғурур, ифтихор туйғуларини ифода этувчи ахлоқий идеалимиз рамзи сифатида мустақиллик йиллари шундай маданият ва санъат намуналари яратилдики (маслан, Амир Темур, Бобур, Улуғбек ҳайкаллари, ал-Бухорий, Ат-Термизийлар зиёратгоҳи, Авестога бағишланган ёдгорлик, Тошкентда қад кўтарган ҳашаматли маъмурий, маданият-санъат саройлари, Хастимом мажмуаси, Амир Темур ва Темурийлар музейи, гўзал хиёбон ва миллий боғлар), улар ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда бебаҳо руҳий-ахлоқий тимсол вазифасини бажармоқда.

Бу иншоотлар аجدодларимизнинг эзгулик ва бунёдкорликка асосланган ахлоқий идеалининг мустақиллик давридаги юксак рамзи ифодасига айланди. Ўз даврида «Авесто»да зикр этилган эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлиги бизнинг ҳозирги давр ахлоқий идеалимизнинг ҳаётийлигини белгилашда, маънавий идеалларимиз билан нақадар боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўҳна ва ҳайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори-атақалар, улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз адабиёт ва санъат дурдоналари, халқимизнинг асл фарзандларининг мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати эканлиги дунё афкор оммаси томонидан эътироф этилмоқда. Маънавияти юксак инсонлар ҳар қандай иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий қийинчиликларга, қаршиликларга қарамай жасорат билан ўз юксак маънавиятини намоён этганлар, ҳам юксак маънавиятни барпо этишда жасорат намунасини кўрсатганлар.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг ёшлар маънавий камолоти, ахлоқий идеали шаклланишига ибрат бўладиган, тарбиявий тизимимизда методологик аҳамият касб этадиган маънавий жасорат ҳақида фикр-мулоҳазаларини

таҳлил қилганда: биринчидан, маънавий жасорат-қаҳрамонлик белгиси. Бундай инсонлар ҳақиқатан ҳам жамият ижтимоий-тарихий қонуниятларини, унинг объектив ва субъектив муносабатларини, инсон, миллат жамият эҳтиёж, манфаатларини тўғри тушиниб етган ва теран тафаккур эгаси сифатидаги етук шахсдир; иккинчидан, маънавий жасорат - юксак ахлоқий идеал тимсолидир.

Маънавий жасорат эгаси бўлган аجدодларимизнинг ахлоқий қиёфасидаги адолатпаварлик, халқ ва истиқбол олдидаги маъсулиятни ҳис қилиш, ватанпарвалик, ўз касби ва бурчига юксак фидойилик, ижтимоий фаоллик уларнинг юксак ахлоқий идеал соҳиблари бўлганидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўтган йигирма йил ичида халқимиз ичида ана шундай фидойиларни кўпайганлиги маънавий жасорат тимсоли сифатида ёшларда фахрланиш туйғусини кучайтирмоқда. Инсон маънавияти, ахлоқий идеали қотиб қолган ва мавҳум тушунча, тасаввур ва намуна эмас, у доимий ривожланишда, ҳаракатда, ўзгаришда, муайян ижтимоий тузум, жамият ва халқ руҳияти, мафкураси ва ижтимоий-фалсафий ғояларга монанд ҳолда сақланиб, юксалиб, сараланиб боради. Инсоният тараққиёт йўлида турли-туман иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнларни бошидан кечирар экан, шахс ва миллат ахлоқий идеали ҳам мураккаб синовлар гирдобида тобланиб, юксалиб халқимизни, жамиятимизни янгидан-янги руҳий-маънавий ва интеллектуал уфқлар сари чорлаб туришини инобатга олиб, қуйидаги хулосаларни чиқарамиз:

– биринчидан, ёшларнинг маънавий-маърифий такомил босқичларида юксак ахлоқий идеални шакллантириш учун унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич таркиб топтириб бориш зарур;

– иккинчидан, бугунги ахборот хуружнинг авж олиш шароитида ёшларнинг соғлом маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш учун фикрга қарши фикр билан, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан, ахлоқсизликка қарши юксак ахлоқий идеал билан курашишни асосий мезон қилиб олмоқ зарур;

– учинчидан, фуқаролик жамияти ривожланиб бораётган бир пайтда янги мулкдорлар қатлами ва ижтимоий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида ёшларни ахлоқий идеал талаб, тамойиллари, комил инсон ғоялари асосида комплекс тарбиялаш ва чора-тадбирларини кучайтириш керак;

– тўртинчидан, бунинг учун миллий мерос, урф-одат, санъат ва қадриятларимизни ёшларимизнинг маънавий ахлоқий юксалишида тимсол, ибрат намуналари сифатида тарғиб этадиган тизимини ишлаб чиқиш муҳим ижтимоий-маънавий аҳамият касб этади. баркамол авлод маънавиятини шакллантиришда ахлоқий идеалнинг реал тимсоллари сифатида, ижодкорлик, фаоллик, илмлилик, миллий ғурур, меҳнатга ҳалол муносабат, маънавий жасорат сингари инсоний фазилатларни янада долзарблиги ошади.

– бешинчидан, миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш мунтазамлилик ва босқичма-босқич тамойилларига асосланиши керак. Шунинг учун миллий ғоя тарғиботида ворисийлик тамойилига асосланиш, таълим-тарбия тизимида бир-бири билан мантиқан боғланган, изчил маънавий юксалиш усуллари ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ниҳоятда зарурдир. Таълим ва тарбия жараёнлари қанчалик ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган ижтимоий-тарихий ҳодиса билан боғланса, ёшларнинг руҳий-интеллектуал эҳтиёжлари инобатга олинса, шунчалик уларда истиқболга ишонч кучаяди, ахлоқий идеаллари ҳаёт билан боғланади ва ижтимоий фаоллиги кучайиб боради. Демак, ахлоқий идеалнинг шаклланиш тамойили ўтмиш мерос билан боғлиқ бўлса, тараққиёт тамойиллари миллий ғоянинг бош тамойилларига асосланади.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатлари // Биздан озод ва обод Ватан қолсин 2-жилд.- Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И. А. Юксак маънавиятсиз келажака йўқ // Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 149 б.
4. Каримов И.А. Соғлом авлод – халқимиз келажаги // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-провард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И.А. “Камолот” ёшларимизнинг чинаккам суянчи ва таянчи бўлсин // Ватанимиз равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001
6. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.71
7. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевор // Жаҳон инқирозининг оқибатларининг енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010
9. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон. 2010. – Б.37
10. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992
11. Аббосхўжаев. О., Умаров. Н., Қўчқоров П. Мафкура полигонларидаги олишув. – Тошкент: Akademiya, 2007
12. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Тошкент: Шарқ, 2001

Қўшимча адабиётлар:

1. Абдуҳамид Ғаззолий. Охиратнома. – Бухоро, 1992-18 б.
2. Бойтемирова З.Д. Шахс ахлоқий эҳтиёжларини шакллантириш омиллари: фалсафа фанлари номзоди дисс. – Тошкент: 2009. – Б. 61
3. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли. (ижтимоий-фалсафий таҳлил): фалсафа.фанлари.д-ри.. дис. – Тошкент, 2006. – Б.14.
4. Маҳмудов Т.М. Мустақиллик ва маънавият (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари асосида) . Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.47
5. Кант И. Критика чистого разума. – М.: Финикс Ростов-на-Дону, 1999 – С.465
6. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). – Тошкент: Янги авлод, 2008. – Б.184.

7. Туленова Г. Ёшларни салбий мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масалалари // Ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммолари: Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009, 2-китоб. – Б.15
8. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.– Тошкент: Университет, 1998. – 123 б.
9. Қодиров Р. Видео ва жинойтчилик.–Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б.16.

Семинар машғулотда муҳокама қилинаётган асосий саволлар ва уларга мустақил тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар:

1. Ўтган йигирма йил ичида мамлакатимизда ахлоқий идеални шакллантириш борасида қандай чора, тадбирлар амалга оширилди?
2. Ахлоқий идеалнинг тараққиёт тамойилларини нималар ташкил қилади?
3. Миллий ғоя билан ахлоқий идеал қандай боғлиқликда?
4. Спорт- баркамол авлод ахлоқий идеалини қандай воситаси бўлиши мумкин?

Мавзуни мустақил ўрганиш бўйича рефератлар, эсселар мавзулари:

1. Истиқлол ва ахлоқий идеал
2. Спрот – ахлоқий идеалнинг янгича моҳиятидир
3. Баркамол авлод ахлоқий идеалини шаклланишида миллий ғоянинг аҳамияти
4. Маънавий жасорат соҳиблари ва ахлоқий идеал

Хулоса ўрнида

Мазкур услубий қўлланма илмий изланишларимиз натижаси бўлиб, унда баён этилган фикр, хулосаларимиз ва уларнинг магистрлар томонидан ўзлаштиришга қаратилган тавсиялар бўйича тайёрланди. Хусусан, «Ахлоқий идеал» фалсафий, диний, бадий-эстетик, миллий, маънавий-руҳий соҳаларни ўз ичига олган корреляцион жараён ҳисобланади. Кўпгина луғатлар ва муаллифларнинг рисоаларида таъкидланганидек, «Идеал»ни фақат орзу, мақсад, тилак, тартибга солувчи меъёр, деб чегаралаб бўлмайди, у инсонни юксак тушунчаларга, тимсолларга, тасаввурларга, ғояларга чорловчи маънавий қадриятдир.

Идеал ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, инсоният жамиятининг мураккаб тараққиёти давомида идеал тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини акс эттириб, ички тизими шаклланиб, ўзаро диалектик алоқадорликда ривожланиб келган. Натижада диний, ижтимоий-сиёсий, илмий, ахлоқий ва эстетик идеаллар ҳақидаги тасаввур, тушунча ва қарашлар шаклланган.

Инсон турли табиий, ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий муҳитда яшагани, турли диний, ахлоқий ва фалсафий ғоялар таъсирида улғайгани сабабли ахлоқий идеал ҳам ана шуларнинг бевосита ёки билвосита таъсир доирасида шаклланиши муқаррар. Ана шу тариқа шаклланган «яхшилик» ва «ёмонлик» ҳақидаги тушунчалар муайян жамият тараққиёти ва мафкуравий тизимига мос равишда шаклланади. Аммо ўзининг ички тизими ва рационал моҳиятини ўзгартирмай, ижтимоий-тарихий кўринишларни намоён қилади. Ана шу тариқа ахлоқий идеаллар ғайритабиий тимсоллардан ҳаётий эҳтиёж, мақсад ва ғоялар томон шаклланиб, ўсиб, ривожланиб келмоқда.

Ахлоқий идеалнинг мустақилликдан кейинги йигирма йил ичида шаклланиш ва тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқилганлиги маънавий-мафкуравий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этганлиги, миллий ғоя баркамол авлод тарбиясида методологик кўрсатма бўлганлигини тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларни келтириб чиқарди:

– биринчидан, ахлоқий идеал кимда қандай шаклланганидан қатъий назар барча учун мукамаллик, етуклик ва комиллик сари чорловчи маънавий рағбат вазифасини ўтайди. Ахлоқий идеал бошқа идеаллардан фарқли ўлароқ воқеъ бўлиши жиҳатидан чекланмагандир. У муайян ижтимоий-тарихий шароитда инсоннинг хулқ-атвор ва инсонийлик моҳиятини ўтмиш ибратлари билан ҳамоҳангликда намоён бўлишини тақозо этади;

иккинсидан, ахлоқий идеал юксак ахлоқий фазилатларни ифодаладиган инсон маънавияти билан боғлиқ экан, ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда ва Ҳадислар ана шу фазилатларнинг диний-фалсафий мажмуасидир. Қуръони Карим диний-ахлоқий идеалнинг субъекти ва объекти сифатида гавдаланувчи Оллоҳ олийжанобликка, маърифатга ва гўзалликка чорловчи идеал сифатида намоён бўлади;

учинчидан, мустақиллик ҳамма соҳада бўлганидек маънавий-ахлоқий соҳага ҳам янгича мазмун ва йўналиш берди. Ахлоқий идеал янгича идрок этилиб, миллий мафкура ва миллий ғоя унинг концептуал моҳиятини белгилай бошлади;

– тўртинчидан, республикамизда комил инсонни тарбиялаш концепциясининг ҳуқуқий базаси (жисмоний-руҳий, маънавий-маърифий, маънавий-ахлоқий) шу асосда ижтимоий-фалсафий тизими (соғлом авлод тарбияси, баркамол авлодни вояга етказиш, комил инсонни шакллантириш) таркиб топди ва барча таълим-тарбия фаолиятида методологик асосга айланди;

– бешинчидан, баркамол авлоднинг тарбия тизими ахлоқий идеал каторида инсон дунёқараши билан боғлиқ бир қатор жисмоний, руҳий, ахлоқий-эстетик ва ижтимоий-сиёсий талаблар қўяди. Бу талаб ва эҳтиёжлар ичида ёшлар қалби ва онгига миллий ғоя мазмун-моҳиятини сингдириш асосий ўринни эгаллайди. Глобаллашув шароитида «оммавий маданият», турли ақидапарастлик ва экстремистик қарашлар хуружи даврида ёшларнинг юксак ва олижаноб ахлоқий идеал руҳида камол топишида маънавий ва назарий замин вазифасини ўтайди;